

O'ZBEKISTON ISSN 2181-502X

QISHILOQ VA SUV XO'JALIGI


№3. 2021

*Яна баҳор келди. Яна оламда
Ажиб бир гўзаллик, ажиб бир баёт.
Мен сени қутлайман шу улуг дамда
Улуг елкадошим, музаффар ҳаёт!..*

*Қизгалдоқ баргидек учар дилдан гам,
Тошқинлар киради қалбимга маним.
Баҳоринг муборак бўлсин ушбу дам,
Менинг Ўзбекистон – дилбар Ватаним!*

Абдулла ОРИПОВ





Байрамлар орасида Наврўз айёми ўзининг баҳорий фусункорлиги билан ажралиб туради. Бундай кўтаринкилик қалбларимизга олам-олам завқ-шавқ бахшида этади. Шундай фарахбахш дамларда барча юртдошларимизни сирдарёлик сув хўжалиги ходимлари номидан қизғин муборакбод этамиз. Юртимиз тинч, сувимиз сероб, ҳосилимиз мўл, хирмонларимиз сарбаланд бўлишини тилаймиз.

Куйи Сирдарё ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАРДАН Фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Қишлоқ хўжалиги ерлари билан боғлиқ муносабатларнинг барқарорлигини таъминлаш, давлат мониторинги, қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш ва соҳага ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 сентябрдаги “Ер ҳисоби ва давлат кадастрларини юритиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6061-сон фармонида асосан:

а) **Қишлоқ хўжалиги вазирлиги** қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни ташкил этиш ва муҳофаза қилиш соҳасида самарали давлат назоратини амалга оширишда:

қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш;

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг муҳофаза қилинишини таъминлаш;

қишлоқ хўжалиги ерларининг меъёрий қийматини ва сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

тупроқ бонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш бўйича ишларини ташкил этади.

б) **Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги** (кейинги ўринларда – Кадастр агентлиги) ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш ва давлат кадастрларини юритиш соҳасида:

ер тоифасидан қатъи назар барча турдаги ноқонуний ер участкалари ҳамда бино-иншоотларга бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказмаслик ҳолатларини аниқлайди;

ер участкаларининг ўзбошимчалик билан эгаллаб олиними ва ушбу ер участкаларида ўзбошимчалик билан иморат қурилишини аниқлайди;

ер участкаси чегараларини ўзбошимчалик билан ўзгартиришга йўл қўймаслик чораларини кўради;

давлат кадастрларини юритиш тартибига риоя этилишининг назорат қилинишини таъминлайди.

2. Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилишда давлат назоратини янада мустаҳкамлаш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тузилмасида:

а) ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг аграр соҳани рақамлаштириш масалалари бўйича ўринбосари ва унга бўйсунувчи марказий аппаратдаги **16 та штат бирликларини қисқартириш** ҳисобига:

аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган **вазир ўринбосари лавозими** киритилсин;

Аграр соҳада рақамли технологияларни ривожлантириш бошқармаси ва **Геоахборот технологияларини ривожлантириш бошқармаси** ташкил қилинсин;

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги “Агросаноатни рақамлаштириш маркази” давлат муассасаси фаолиятини мувофиқлаштириш аграр соҳани жадал рақамлаштириш, қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги соҳаларига замонавий ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотларни жорий этиш масалаларига масъул бўлган вазир ўринбосарига юклатилсин;

б) **2021 йил 1 мартдан** Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекциясининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланишни назорат қилишга доир **110 та штат бирликларини қисқартириш** ҳисобига вазирликка тўғридан-тўғри бўйсунувчи **Қишлоқ хўжалиги ер-**

ларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари ташкил этилсин;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда ер тузиш, ер мониторинги, экинларни жойлаштириш ва экинларини мониторинг қилиш тадбирларини амалга ошириш мақсадида Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағлари, бюджетдан ташқари маблағлар, халқаро молия институтлари маблағлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари ҳисобидан қўшимча штат бирликлари киритилсин;

г) вазирлик ҳузуридаги “Мониторинг хизмати” давлат муассасаси ва вазирлик марказий аппаратидаги Ички назорат хизмати негизида **8 та штат бирлигидан** иборат **Ички аудит ва комплаенс-назорат бошқармаси** ташкил этилсин.

3. Кадастр агентлигининг “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти (кейинги ўринларда – Институт) ва унинг ҳудудий бўлинмалари штат бирликлари ҳамда моддий-техника базаси, Институтнинг ҳудудий бўлинмалари балансида турган бино-иншоотлар 2021 йил 1 мартдан бошлаб Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимига ўтказилсин.

Бунда, 2023 йил 1 январга қадар:

Институт Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чўпонота кўчаси, “Ц” мавзесида жойлашган Кадастр агентлиги биноси-нинг бир қисмидан;

Кадастр агентлигининг ҳудудий бошқармалари ва ташкилотлари Институтнинг ҳудудий бўлинмаларига қаршли биноларнинг бир қисмидан текин фойдаланади.

4. Қуйидагилар:

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони **201** нафардан иборат



Қишлоқ хўжалиги вазирлиги марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг тузилмаси, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг манаунавий тузилмаси 3 ва 4-иловаларга мувофиқ;

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари ходимларининг чекланган сони 5-иловага мувофиқ;

туманлар (Кувасой шаҳар) қишлоқ хўжалиги бўлимларининг манаунавий тузилмаси ва бошқарув ходимларининг чекланган сони 6-ба-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

5. Куйидагилар Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ва озиқ-овқат таъминоти жамғармаси маблағларини шакллантиришнинг қўшимча манбалари этиб белгилансин:

Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратчилари томонидан кўрилган маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларга асосан ундириладиган жарималарнинг 50 фоизи;

ўзбошимчалик билан ерларнинг қишлоқ хўжалиги муомаласидан чиқишига сабаб бўлган ҳолларда етказилган зарар бўйича ҳисобланган маблағларнинг 5 фоизи.

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлигига куйидаги ҳуқуқлар берилсин:

қонунчиликда белгиланган ваколатлар доирасида тўғридан-тўғри маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар расмийлаштириш ва айбдор шахсларни жаримага тортиш;

тадбиркорлик субъектларида қишлоқ хўжалиги ерларидан фойдаланиш ва уларни муҳофаза қилишни ўрганиш ишларини, шунингдек, экинларни хатловдан ўтказиш ва ўлчаш, уларнинг норматив қийматини аниқлаш, ерлардан мақсадли фойдаланилишини ўрганиш ҳамда геоботаник ва тупроқ-тадқиқот ишларини Текширувларни электрон рўйхатга олишнинг ягона тизимида рўйхатга олинмаган ҳолда амалга ошириш;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг ҳолатини, қишлоқ хўжалиги экинлари ва агротехник тадбирларни учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар) дан белгиланган тартибда фойдаланган ҳолда мониторинг қилиш мақсадида учувчисиз учуш аппаратлари (дронлар) дан фойдаланиш ва уларни тўловсиз учуришни амалга ошириш;

қишлоқ хўжалиги мақсадида учувчисиз учуш аппаратларини (дронлар) ишлаб чиқарувчи корхоналардан тендерсиз тўғридан-тўғри харид қилиш.

7. Кадастр агентлиги тизимидаги Республика аэрогеодезия марказининг Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги ҳудудлараро бўлинмалари ташкил этилсин.

8. Республика аэрогеодезия марказига ер тузишга оид комплекс тадбирларни бажаришга йўналтирилган лойиҳа-қидирув ва тадқиқот ишларини бажариш, ерларни хатловдан ўтказиш, давлат ер кадастрини юритиш учун зарур маълумотларни тайёрлаш бўйича қўшимча вазифа ва функциялар юклатилсин.

9. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев) ва Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) билан бирга-ликда **уч ой муддатда** Солиқ кодексига куйидагиларни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

ер участкаларига бўлган ҳуқуқлар Кадастр агентлигининг Миллий географик ахборот тизимида давлат рўйхатидан ўтмасдан ердан фойдаланишни **ердан ноқонуний фойдаланиш** деб ҳисоблаш ҳамда унга нисбатан ер солиғи ставкасини 10 баравар миқдорда қўллаш;

ер участкалари **ўзбошимчалик билан эгалланган** ва ер участкасига бўлган ҳуқуқни тасдиқловчи **ҳужжатларда кўрсатилганидан ортиқроқ ҳажмда фойдаланилганда**, шунингдек, ер участкасидан белгиланган мақсадларда фойдаланмаслик ҳолатлари аниқланган тақдирда, ер солиғининг белгиланган ставкаларини 20 баравар миқдорда ундириш.

10. Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) **2021 йил 1 июлга қадар:**

ерга оид ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, ҳужжатлар тўпламини шакллантириш ва уларни кўриб чиқиш мониторингини юритиш бўйича “Е-YER NAZORAT” автоматлаштирилган ахборот тизимини (кейинги ўринларда – “Е-YER NAZORAT” тизими) яратсин;

ерга оид ҳуқуқбузарликларни ўз ваколатлари доирасида кўриб чиқиш ва натижалари тўғрисидаги маълумотларни “Е-YER NAZORAT” тизимига киритиб бориш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги ва Бош прокуратура ҳузуридаги

Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмалари, судлар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ахборот тизимига интеграция қилсин;

“Е-YER NAZORAT” тизимининг самарали ишлашини таъминлаш, ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш ҳолатларини аниқлашда жамоатчилик назорати, назоратчи инспекторлар ва ер тузувчиларни рағбатлантириш, шунингдек, ноқонуний ҳолатлар тўлиқ бартараф этилгунга қадар изчил назорат олиб бориш механизмларини назарда тутган ҳолда Давлат ер ва кадастр назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

11. Давлат солиқ қўмитаси (Ш.Д.Кудбиев):

бир ой муддатда қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ хатловдан ўтказиш орқали уларнинг электрон хариталарини яратиш бўйича Ҳукумат қарори лойиҳасини;

Адлия вазирлиги (Р.Қ.Давлетов) билан бирга-ликда **уч ой муддатда** Жиноят кодексига ер участкаларини, шу жумладан, муҳофаза этиладиган зоналар, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ўзбошимчалик билан эгаллаб олишга йўл қўймаслик бўйича ер эгаси, ердан фойдаланувчи ёки ижарачи томонидан чоралар кўрмаслик ҳолатлари бўйича жиноий жавобгарликни кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

12. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев), Кадастр агентлиги (Ф.К.Умаров) бир ой муддатда “Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти ҳамда Кадастр агентлигининг ҳудудий бўлинмалари фаолиятига алоқадор идоравий сақлов муддати тугаган геодезик ва картографик материалларни Давлат картография-геодезия фондига давлат сақловига топшириш, амалда фойдаланишдаги барча ҳужжатларнинг кўчирма нусхаларини тегишлилиги бўйича ўзаро алмашишни таъминласин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев):

уч ой муддатда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни мониторинг ва муҳофаза қилишда давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқсин;

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти фаолияти самарали йўлга қўйилишини таъминласин.





14. Қуйидагилар:

а) Давлат солиқ қўмитаси раиси Ш.Д.Кудбиев зиммасига:

2021 йил якунига қадар қишлоқ хўжалиги ерларини тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларнинг электрон хариталарини яратиш;

“E-YER NAZORAT” автоматлаштирилган ахборот тизимини ишга тушириш ҳамда тегишли вазирлик ва идораларни мазкур тизимга интеграция қилиш;

б) қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев зиммасига:

“Ўздаверлойиҳа” давлат илмий-лойиҳалаш институти, Қишлоқ хўжалиги ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бошқармаси ва ҳудудий ер тузувчилар фаолиятини ташкил этиш учун зарурий воситалар билан таъминлашга **халқаро грант маблағларини ўрнатилган тартибда жалб қилиш**;

қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан, самарали фойдаланиш ва экинлар ҳолатини назорат қилишни рақамлаштириш;

қишлоқ хўжалиги ерларини мониторинг қилишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш;

в) қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари М.И.Рузметов зиммасига:

ҳудудларда қишлоқ хўжалиги ерлари ва экинларини мониторинг қилиш ишларини самарали ташкил этиш;

тупроқбонитировкасини ўтказиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқшунослик, геоботаникага оид тадқиқотларни амалга ошириш юзасидан шахсий масъулият ва жавобгарлик юклансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республи-

каси Ҳукуматининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

16. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда ушбу қарорнинг мазмун-моҳияти ҳамда мақсад ва вазифаларини оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 февраль*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ВА ИРРИГАЦИЯ СЕКТОРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2021-2023 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясида белгиланган вазифаларни изчил амалга ошириш, шунингдек, асосий мақсадли кўрсаткичларга эришишни таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармони-га мувофиқ Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини унинг устувор йўналишлари ва тегишли даврга мўлжалланган мақсадли параметрлари ва кўрсаткичларидан келиб чиқиб, **ҳар уч йилда тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантириш стратегиялари орқали босқичма-босқич**

амалга оширилиши белгилаб қўйилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Сув хўжалиги вазирлиги томонидан манфаатдор вазирлик ва идоралар ҳамда халқаро экспертлар иштирокида ишлаб чиқилган **Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегияси** (кейинги ўринларда – Стратегия) **1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

Стратегия мамлакатнинг сув ресурсларини барқарор бошқариш ва ирригация секторини такомиллаштиришни қамраб оладиган бир қатор инфратузилмавий, сиёсий, институционал ва салоҳиятти ривожлантириш чораларини ўз ичига олади, унинг доирасида:

ирригация тизими каналларининг бетон қопламали қисми **35 фоиздан 38 фоизгача ошиши**, ирригация тизими ва суғориш тармоқларининг

фойдали иш коэффициенти **0,63 дан 0,66 гача ошиши**;

сув таъминоти даражаси паст бўлган суғориладиган майдонлар **526 минг гектардан 424 минг гектаргача камайтирилиши**;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги насос станцияларидаги **518 та насос агрегати ва 807 та электродвигатель замонавий энергия тежамкорларига алмаштирилиши**, уларнинг йиллик электр энергияси истеъмоли **7,6 миллиард кВт.сдан 7,15 миллиард кВт.с гача камайтирилиши**;

сувни тежайдиган суғориш технологияларини жорий қилиш **308 минг гектардан 1,1 миллион гектаргача**, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияси **121 минг гектардан 822 минг гектаргача** етказилиши;

шўрланган майдонлар **1 926 минг гектардан 1 888 минг гектарга**, шу жумладан ўртача ва кучли даражада шўрланган ерлар **581 минг**





гектардан **532** минг гектаргача қисқартирилиши;

ер ости сув сатҳи муаммоли ҳолатда (0–2 метр) бўлган суғориладиган ер майдонлари **988** минг гектардан **900** минг гектаргача камайтирилиши;

қишлоқ хўжалигида фойдаланишдан чиқиб кетган жами **232** минг гектар суғориладиган ер майдонлари қайта фойдаланишга киритилиши;

дарё ва сойларда **6** та гидрологик пост қурилиши ва қайта тикланиши, **6** та гидрологик пост рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозланиши;

“Smart Water” (“Ақлли сув”) рақамли технологияси асосида сувнинг ҳисоби юритиладиган сув хўжалиги объектлари сони **18 576** тагача етказилиши;

60 та йирик сув хўжалиги объекти рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган бошқарувга ўтказилиши;

Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **1 688** та насос станциясидаги **5 231** та насос агрегатининг электр энергияси истеъмоли ва сув сарфи ҳисобининг мониторинги “онлайн” режимда олиб борилиши;

мавжуд мелиоратив кузатув қудуқларининг **2 100** тасида рақамли технологиялар орқали мониторинг олиб борилиши;

сув хўжалигида давлат-хусусий шериклик тамойиллари асосида жами **124** та лойиҳа амалга оширилиши, суғориш учун сув етказиб бериш харажатларининг **9** фоизи сув истеъмолчилари томонидан қопланиши таъминланади.

3. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур қарор билан тасдиқланган **Стратегия ва унда белгиланган тадбирларнинг прогноз кўрсаткичлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.**

Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев **икки ҳафта муддатда** мазкур қарор доирасида 2021 йил учун назарда тутилган прогноз кўрсаткичларидан келиб чиқиб, амалга оширилиши лозим бўлган аниқ чора-тадбирлар дастурини тасдиқласин ва ижросини таъминласин.

4. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (А.М. Бобоев), Молия вазирлиги (Қ.Х. Тапаров), Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Стратегияга 2 ва 13-иловаларга кўра амалга ошириладиган тадбирлар келгуси йиллар учун асосий кўрсаткичларни аниқлаштириб ва янгилаб борган ҳолда 2021-2023 йилларда **Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурини шакллантириш жараёнида инobatга олинишини;**

Стратегияга 1–1а, 3–6, 8–10, 12, 14 ва 17-иловаларга кўра 2021-2023 йиллар учун белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун талаб этиладиган маблағлар қўшимча равишда ажратилиши келгуси йиллар **Давлат бюджети параметрларида назарда тутилишини таъминласин.**

5. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари:

Стратегияга 2, 3, 13 ва 14-иловаларга мувофиқ тасдиқланган прогноз кўрсаткичлари доирасида ирригация-мелиорация тадбирларининг лойиҳасмета ҳужжатларини ишлаб чиқишда **энергия ва ресурсларни тежайдиган технологиялар қўлланилишини назарда тутсин;**

ирригация-мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларига **маҳаллий пудрат ташкилотларини кенг жалб қилишга алоҳида эътибор қаратсин.**

6. **2021 йил 1 октябрга қадар этилен полимерлари (ТИФ ТН коди 3901) ва пропилен полимерларини (ТИФ ТН коди 3902) олиб киришда божхона божининг ноль ставкаси белгилансин.**

7. Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги (Л.Ш. Кудратов) Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги (И.И. Норқулов) ва Энергетика вазирлиги (Ш.Х. Ходжаев) билан биргаликда республикада ишлаб чиқарилаётган **полиэтилен маҳсулотининг экспортини 40 минг тоннага қисқартириш эвазига унинг ички бозорда биржа савдолари орқали сотилаётган қисмини ошириш чораларини кўрсин.**

8. “Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси” АЖ (З.Б. Бадриддинов) **полиэтилен ва полипропилен маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи хорижий компанияларни биржа савдоларига жалб қилиш чораларини кўрсин.**

Бунда, “Ўзбекистон республика товар-хон ашё биржаси” АЖга ушбу бандда назарда тутилган маҳсулотларни биржа орқали сотувчи хорижий компаниялар (норезидент) учун савдоларга қатнашишда **закалат суммасини киритиш талабини бекор қилиш ҳамда биржа комиссия йиғимларидан озод қилиш тавсия этилсин.**

9. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Агросаноат мажмуи устидан назорат қилиш инспекцияси (А.Д. Вахабов) Бош прокуратура (Ш.Ж. Рахимов), Ички ишлар вазирлиги (С.А. Нишанбаев) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда **сув танқислиги шароитида экинларни қўллаиб суғориш ва сувни зовурга ташлаб қўйишнинг ҳар бир ҳолатини фавқулодда ҳолат сифатида баҳолаб**, сувдан мақсадли ва тежамли фойдаланиш, сув истеъмоли тартибига қатъий риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин ҳамда сувдан фойдаланиш ва сув истеъмоли тартибини бузганларга нисбатан кескин чоралар кўриб борсин.

10. Белгилансинки, 2021 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети параметрлари доирасида ҳар йили суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида **объектларни таъмирлаш-тиклаш харажатлари Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан вилоятлар маҳаллий бюджетларига ўтказилади.**

2020 йилда ташкил этилган эксперимент ижобий натижа берганлиги сабабли “2021 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 13-моддасига асосан Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилашга оид тадбирлар доирасида объектлардаги таъмирлаш-тиклаш ишларига доир харажатлар Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетидан молиялаштирилиши белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинган.

11. “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти (У.М. Муста-





фоев) 2021 йил 1 июлга қадар Сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги **барча насос станцияларига автоматлаштирилган электр ўлчов асбоблари ўрнатиш ишларини якунласин.**

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда сув хўжалиги тизими ташкилотлари ҳисобидаги **юқори кучли электр подстанциялари ҳамда электр узатиш тармоқлари электр энергияси етказиб берувчи “Худудий электр тармоқлари” акциядорлик жамияти балансига икки ой муддатда штат бирликлари билан бирга тегишлилиги бўйича ўтказилишини таъминласин.**

12. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (М.И. Рўзметов), Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги (Ф.К. Умаров), Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев) ва “Ўзбеккомсмос” агентлиги (Ш.М. Қодиров) билан биргаликда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини баҳолаш, мониторинг олиб боришда **ахборот-коммуникация технологиялари, геоахборот тизимлари, масофадан зондлаш технологияси ва учувчисиз учиб қурилмаларидан кенг фойдаланишини таъминласин.**

13. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (А.К. Кўчимов), Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси (А.Д. Хаджаев):

Мақтабгача таълим вазирлиги (А.В. Шин), Халқ таълими вазирлиги (Ш.Х. Шерматов) ва Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда аҳолининг сувни муҳофаза қилиш, сув ресурсларидан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш борасидаги **ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш** мақсадида, оммавий ахборот воситалари орқали мактабгача таълим ташкилотлари, умумий ўрта таълим мактабларида ҳамда аҳоли ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот тадбирлари ташкил қилинишини;

Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) билан биргаликда ушбу қарорда белгиланган тадбирларнинг ижроси натижасида эришиладиган ютуқларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарига:

Стратегиянинг ўз вақтида ва самарали ижро этилиши устидан **парламент ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш;**

амалга оширилган ишлар тўғрисида вазирлик ва идоралар ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимларининг ахборотларини ҳар чорақда Сенат, Қонунчилик палатаси ва тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорги Кенгеси ҳамда халқ депутатлари **вилоят Кенгашларининг мажлисларида эшитиб борилишини таъминлаш** тавсия этилсин.

15. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) Молия вазирлиги (А.Я. Хайдаров), “Ўзгидромет” маркази (Ш.Х. Хабибуллаев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳамда вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда **2021 йил 1 апрелга қадар** кейинги йилларда сув таъминоти ва сувдан фойдаланишни таҳлил қилган ҳолда **2021 йил ёзги суғориш мавсумида кутилаётган сув танқислигининг салбий таъсирини юмшатиш бўйича аниқ чора-тадбирларни** ишлаб чиқиб, тегишли қарор лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

16. Бош вазирнинг ўринбосари Ш.М. Ғаниевга тасдиқланган ирригация ва мелиорация объектиларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларининг **манзилли рўйхатларига уларнинг қиймати ва қуввати доирасида, зарур ҳолларда қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.**

17. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев), “Ўзгидромет” маркази (Ш.Х. Хабибуллаев), Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси (Б.Ф. Исламов):

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги (К.А. Юлдашев) билан биргаликда **2021 йил 1 июлга қадар** сув ва сувдан фойдаланишга доир маълумотлар базалари ҳамда мониторинг тизимларининг рақамли технологиялар асосида такомиллаштирилишини ҳамда **сув ресурсларининг автоматлаштирилган идоралараро ахборот тизимининг босқичма-босқич ишга туширилишини таъминласин;**

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (А.И. Максудов) билан биргаликда **2021 йил 1 майга қадар сув ресурсларини интеграциялашган ҳолда бошқариш тамойилларини жорий қилиш бўйича ҳаракатлар дастурини ишлаб чиқсин** ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 майдаги ПҚ–4709-сон қарори билан тасдиқланган Божхона божларидан озод этилаётган четдан олиб кирилатган уруғлар, кўчатлар ва пайвандтаглар, минерал ўғитлар, ўсимликларни кимёвий ҳимоялаш воситалари, замонавий энергия тежовчи иссиқхоналар ва уларнинг бутловчи қисмлари, томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш тизимлари ҳамда уларнинг бутловчи қисмлари рўйхатига **2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар** киритилсин.

19. Сув хўжалиги вазирлиги (Ш.Р. Хамраев) манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни;

2023 йил 1 сентябрга қадар Стратегия доирасида амалга оширилган ишлар ҳамда эришилган натижалар бўйича батафсил ахборотни, шунингдек, 2021-2023 йилларда йўл қўйилган камчиликларни инobatга олган ҳолда **Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2024-2026 йилларга мўлжалланган стратегияси лойиҳасини** Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарор ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ш.М. Ғаниев зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳар чорак якуни бўйича ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 24 февраль*



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ХУЗУРИДАГИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ ДАВЛАТ ТОМОНИДАН ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ЖАМҒАРМАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аграр соҳанинг барча тармоқларини молиялаштириш, ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш, юқори қўшилган қиймат занжирини яратиш, аграр соҳани механизациялаш, маҳсулот етиштириш, харид қилиш ва сотишда бозор тамойилларини кенг жорий этиш мақсадида:

1. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг қишлоқ хўжалигини молиялаштиришнинг қўшимча механизмлари ва молиявий воситаларини жорий этишни кенгайтириш мақсадида **Молия вазирлиги хузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси** (кейинги ўринларда – Жамғарма) фаолиятини янги босқичга кўтаришга доир таклифи маъқуллансин.

2. Белгилансинки:

а) агротехник тадбирларни, жумладан, кузги шудгорлашни ва экин майдонларига минерал ўғитларни солишни ўз вақтида таъминлаш мақсадида 2022 йил ҳосилидан бошлаб пахта хомашёсини етиштириш харажатларини молиялаштириш тегишли молия йилидан олдинги йилнинг 1 ноябидан бошланади;

б) пахта йиғим-терими учун тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун компенсация тўлаш Жамғарма ҳисобидан амалга оширилади.

Бунда:

миллий валютада ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини;

хорижий валютада ажратиладиган кредитлар бўйича тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг 30 фоизигача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисмини қоплаш учун компенсация кредитнинг дастлабки 9 ойи учун тўланади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги ва Марказий банк билан бир-

галикда **бир ой муддатда** мазкур бандда назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Сабзавот етиштириш фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ 2021 йилда:

сабзавотчилик кластерлари, фермер хўжаликлари ва бошқа сабзавот етиштирувчиларга тижорат банклари томонидан 9 ой муддатга йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасида (шундан, банк маржаси 2 фоиз) етиштириладиган сабзавот қийматининг 40 фоизигача миқдорда кредит ажратилади;

сабзавот етиштириш харажатларини кредитлаш учун Жамғарма томонидан 9 ой муддатга йиллик фоиз ставкаси Марказий банкнинг асосий ставкасидан икки фоиз пункт камайтирган ҳолда тижорат банкларига жойлаштирилади;

тижорат банки томонидан кредитлар битимда белгиланган муддатда қайтарилмаса, кредитларнинг қайтарилмаган қисмига фоизлар Марказий банкнинг асосий ставкасига 6 фоиз пункт қўшиб ҳисобланади.

2022 йил ҳосилидан бошлаб, асосий майдонларда сабзавот етиштириш учун ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган қисми учун компенсация тўлаш тизими жорий этилади.

4. 2021 йилдан бошлаб Жамғармага қуйидагиларни молиялаштириш учун Ўзбекистон Республикаси **республика бюджетидан** маблағ ажратилсин:

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарар;

пахта йиғим-терими учун қишлоқ хўжалиги корхоналарига ажратиладиган тижорат кредитлари бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун тўланадиган компенсация;

молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар,

бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовут.

Молия вазирлиги мазкур бандда кўзда тутилган мақсадлар учун маблағларни 2021 йилда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан молиялаштирсин ва 2022 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларида назарда тутсин.

5. Қуйидагилар Жамғарманинг **асосий вазифалари** этиб белгилансин:

пахта хомашёси ва буғдой етиштириш харажатларини молиялаштириш; асосий майдонларда экиладиган сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиявий қўллаб-қувватлаш; ички бозорда дон ва нон маҳсулотлари нархлари барқарорлигини таъминлаш учун зарур буғдойни бозор нархларида харид қилиш ва биржа савдоларига қўйиш;

фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги ташкилотларига замонавий, юқори самарали қишлоқ хўжалиги техникасини етказиб беришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш; қишлоқ хўжалигини молиялаштириш ва ҳисоб-китоб тизимига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

ривожланган давлатларнинг аграр соҳасини молиялаштириш бўйича тажрибасини ўрганиш ҳамда уларни республикада жорий қилиш.

6. Белгилансинки:

а) қуйидагилар **Жамғарма маблағларини шакллантиришнинг асосий манбалари** ҳисобланади:

тижорат банкларига мақсадли ҳамда лизинг ташкилотларига қишлоқ хўжалиги техникасини лизинг шартларида етказиб беришни молиялаштириш учун жойлаштирилган кредит ресурслари ҳамда қарз маблағларини қайтаришдан тушадиган тушумлар ва уларга ҳисобланган фоиз тўловлари;



Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасида юзага келган ижобий тафовут; жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича валютанинг айирбошлаш курсининг ўзгариши натижасида юзага келадиган зарарни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

жалб этиладиган кредитлар, шу жумладан, чет эл кредитлари ва инвестициялар, халқаро молия институтлари грантлари ва донор ташкилотларининг маблағлари;

Жамғарманинг маблағларини тижорат банкларига депозитга жойлаштиришдан тушадиган даромадлар;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун субсидия ҳамда комбайнларни хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига компенсация тўлашга Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

пахта йиғим-терими учун ажратилган тижорат кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплашга компенсация тўлаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

молиявий тақчилликни бартараф этиш учун жалб этилган маблағлар, шу жумладан, бюджет ссудаси ва тижорат банкларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш харажатларини молиялаштириш учун жойлаштирилган ресурсларнинг фоиз ставкалари ўртасида юзага келадиган салбий тафовутни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратилган маблағлар;

бюджет тизимининг бюджетларидан жалб қилинадиган маблағлар;

қонунчиликда тақиқланмаган бошқа манбалар.

б) жамғарма маблағлари **қуйидаги мақсадлар учун сарфланади:**

пахта хомашёси, буғдой ҳамда асосий майдонларда экиладиган сабзавот маҳсулотларини етиштиришни молиялаштириш учун тижорат банкларига ресурс жойлаштириш;

Фалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгаши таклифига асосан

тижорат вакили билан биргаликда ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олиш;

жалб қилинган бюджет ссудаси, кредит ва унга ҳисобланган фоизларни қайтариш;

жалб қилинган чет эл кредитлари бўйича чет эл валютаси ва сўмдаги барча харажатларни, шунингдек, валюта курси ҳамда фоиз тўловлари бўйича юзага келадиган зарарларни қоплаш;

қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинганда уларнинг фоиз харажатлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги техникасини харид қилиш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда субсидия тўлаш;

комбайнларнинг хорижда хизмат кўрсатиши (хизматлар экспорти) учун ташиш транспорт харажатларига қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

пахта йиғим-терими учун тижорат кредитлар бўйича фоиз ставкасининг бир қисмини қоплаш учун қонунчиликда белгиланган миқдорда компенсация тўлаш;

Жамғарма томонидан сотиб олинган буғдойни харид қилиш (сотиб олиш, сақлаш, ташиш ва сотиш харажатлари билан бирга) ва сотиш нархлари ўртасидаги салбий тафовут бўйича зарарларни қоплаш;

Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментини сақлаш харажатларини молиялаштириш.

в) Жамғарма маблағларидан мақсадли фойдаланишни назорат қилиш Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаменти томонидан амалга оширилади.

7. Қуйидагилар:

Ж а м ғ а р м а н и н г б а р ч а ҳисобварақларига, шу жумладан, Жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан операциялар ўтказиладиган тегишли банк ҳисобварақларига нисбатан **чеклов чоралари қўлланилмаслиги;**

Жамғарма маблағлари белгиланган муддатларда қайтарилмаган тақдирда, улар Жамғарма томонидан инкассо топшириқномаси билан **ундирилиши** белгилаб қўйилсин.

8. Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш **жамғармаси кенгаши** таркиби 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қуйидагилар **Жамғарма кенгашининг асосий вазифалари** этиб белгилансин:

Фалла етиштириш, харид қилиш ва сотишга бозор тамойилларини кенг жорий этишни мувофиқлаштирувчи Республика кенгашига ички бозорда нарх барқарорлигини таъминлаш учун хорижий давлатлардан буғдой сотиб олишга доир таклиф киритиш;

Жамғарма ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идораларнинг аграр соҳа тармоқларини молиялаштириш ва ривожлантириш бўйича амалга ошираётган ишлари натижаси тўғрисида ҳисоботларини эшитиш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасига Жамғарма фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни киритиш;

Жамғарма томонидан тайёрланадиган Жамғарманинг тушумлар ва харажатлар балансини кўриб чиқиш ва унинг Вазирлар Маҳкамасига киритилишини таъминлаш;

Молия вазирлигининг Давлат молиявий назорати департаментининг Жамғарма маблағларидан самарали фойдаланиш бўйича ўтказган назорат тадбирлари натижалари юзасидан хулосаларни муҳокама қилиш ва камчиликларни бартараф этиш чораларини кўриш.

9. **Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаментининг** (кейинги ўринларда – Департамент) **тузилмаси** 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

10. Департаментга, истисно тариқасида, Жамғарма маблағларини электрон аукцион ўтказмасдан тўғридан-тўғри шартномалар асосида тижорат банкларига депозитга жойлаштириш ҳуқуқи берилсин.

11. Марказий банк **бир ҳафта муддатда** Жамғармага молиявий операциялар ўтказиш учун миллий ва чет эл валютасида тегишли махсус ҳисобварақлар очилишини таъминласин.

12. Молия вазирлиги:

Жамғармада вақтинчалик маблағ тақчиллиги юзага келганда, жорий йилнинг ўтган даврида жойлаштирилган давлат қимматли қоғозларининг ўртача фоиз ставкасида икки йил муддатгача бюджет ссудасини ажратсин;

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Монополияга қарши курашиш қўмитаси, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва Давлат





активларини бошқариш агентлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда нарх барқарорлигини таъминлаш учун дон сотиб олиш, сотиш ва сақлаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Молия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Жамғарма томонидан хўжалик юритувчи субъектларга компенсация ва субсидияларни тўлаш тартибини соддалаштириш ва такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

Бунда Жамғарма томонидан компенсация ва субсидияларни тўлаш Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг бююртмалари асосида амалга оширилиши назарда тутилсин.

14. Қуйидагилар:

Бош вазир ўринбосари Ж.А.Қўчқоров ушбу Фармоннинг тўлиқ ва ўз вақтида ижро этилишига, масъул вазирлик ва идораларнинг фаолиятини самарали ташкил этишга

ҳамда мувофиқлаштиришга, улар раҳбарларининг кўрилган чоралар тўғрисидаги ҳисоботларини эшитишга, аниқланган муаммо ва камчиликларни тезкор бартараф этишга;

молия вазир Т.А.Ишметов аграр соҳани молиялаштиришда юзага келадиган тақчилликни қоплаш учун зарур маблағларни бюджет тизими бюджетлари ҳисобидан ўз вақтида ажратишга, шунингдек, бюджетдан қўшимча ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланишини назорат қилишга шахсан масъул ва жавобгар эканлиги белги-лансин.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 3-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим ҳужжатлари 4-иловага мувофиқ ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

17. Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонунчилик ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

18. Мазкур Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президентига **ҳар чорақ якуни бўйича** ахборот бериб борилсин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 26 февраль*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 2020-2030 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН СТРАТЕГИЯСИДА БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАРНИ 2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5853-сон фармони ижросини таъминлаш мақсадида:

1. **Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегияси доирасида 2021 йилда:**

1) **озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича давлат сиёсатини ишлаб чиқиш ва жорий этиш йўналишида:**

а) шаклланган деҳқончилик кўникмалари, тупроқ-иқлим шароити, сув таъминотидан келиб чиқиб, республиканинг барча туманлари ҳудудлари **муайян турдаги маҳсулотлар етиштиришга** босқичма-босқич ихтисослашти-

рилади. Бунда:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда асосий эътибор унинг **ҳосилдорлиги, экспортбоплиги, яхлит майдонларда етиштирилишига қаратилади;**

кооперация ва кластер тизими асосида **маҳсулот етиштириш, уни қайта ишлаш, сақлаш** ва ички ҳамда ташқи бозорларга сотиш тизими йўлга қўйилади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мева-сабзавот маҳсулотлари экспортини ошириш учун **камида битта туман** ҳудудини **органик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирсин;**

в) Вазирлар Маҳкамаси **бир ҳафта муддатда** мавжуд экин майдонларидан самарали фойдаланиш, 2021 йил

ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш бўйича ҳукумат қарорини қабул қилсин. Бунда, жорий йилда пахта майдонларини 33,6 минг гектарга ва ғалла майдонларини 40 минг гектарга қисқартириш ҳамда 320 минг гектар ерларни фойдаланишга киритиш ҳисобига озиқ-овқат ва озуқа экинлари майдонлари 193,6 минг гектарга кенгайтирилади;

г) Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги 2021 йил 1 апрелдан бошлаб Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятларда ҳудуд ихтисослигидан келиб чиқиб, туман ҳокимликлари захирасидаги яхлит ҳолда **300 гектаргача** ер майдонларида плантация усулида интенсив боғ ва тоқзорлар барпо этиш ва **етти йил муддатда тўлаш шарти билан** аҳолига сотиш тизимини йўлга қўйсин.





Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари янги боғ ва тоқзорлар барпо этишга қишлоқ хўжалигида фойдаланилмаётган очиқ ер майдонлари, захирада турган ҳосилдорлиги паст бўлган пахта ва ғалладан қисқарган майдонлар, яроқсиз ва иқтисодий жиҳатдан самарасиз деб топилган боғлар жойлашган ер майдонлари ажратилишини таъминласин;

д) **кооперация шартларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш** учун ёшларга фойдаланишга киритиладиган ер майдонлари **ижарага берилди**, шунингдек, фермер хўжаликлари ҳамда бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналарининг экин майдонлари **иккиламчи ижарага берилди**;

Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Ёшлар ишлари агентлиги билан биргаликда:

ёшлар учун экин майдонлари, аввало, аҳоли яшайдиган қишлоқ ҳудудларига **яқин ерлардан танланшига, контурлар яхлитлиги сақланишига** ҳамда ёшларни қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга ўргатиш учун **тажрибали агрономлар жалб қилинишига**;

ерларни экишга тайёрлаш ва экинларга ишлов бериш учун зарур бўлган **қишлоқ хўжалиги техника ва механизмлари, сув ҳамда иш қуроллари билан таъминлашга**;

етиштирилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини **ички ва ташқи бозорларда сотишга** кўмаклашсин;

2) **қулай агробизнес муҳитини ва қўшилган қиймат занжирини яратиш** йўналишида шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра бир туманда учтагача пахта-тўқимачилик кластерларига фермер хўжаликлари билан шартнома асосида фаолият юритишига ва фермер хўжаликларига ушбу кластерлар билан пахта хомашёсини етказиб бериш бўйича **ихтиёрий равишда фьючерс шартномаларини тузиш ҳуқуқи берилди**.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Адлия вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Молия вазирлиги, “Ўзтўқимачиликсаноати” уюшмаси, Пахта-тўқимачилик кластерлари уюшмаси, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари

кенгаши билан биргаликда **бир ой муддатда** агрокластерларни ташкил этиш, уларга ер майдонлари ажратиш, улар фаолиятининг асосий кафолатларини ва қўллаб-қувватлашни назарда тутувчи тартиб ва таомилларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

3) **ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш йўналишида:**

а) ернинг бозор қийматини баҳолаш ҳамда кейинчалик ундан гаров таъминоти сифатида фойдаланиш амалиёти тизимли йўлга қўйилади. Бунда, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги биринчи навбатда, боғ, ток ва иссиқхона жойлашадиган майдонларнинг бозор қийматини аниқлаш ва гаров таъминоти сифатида фойдаланиш тартибини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритади;

б) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштирилаётган ер майдонларининг прогноз кўрсаткичлари 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

в) Сув хўжалиги вазирлиги Қишлоқ хўжалиги вазирлиги билан биргаликда мавжуд сув инфратузилмасини яхшилашни назарда тутувчи **2021-2023 йилларга мўлжалланган чора-тадбирларни** белгиласин. Бунда:

1 758 км канал, 443 км лоток, 329 та гидротехника иншоотлари, 1 899 км коллектор-дренаж, 728 км ёпиқ горизонтал ва вертикал дренаж, 1 896 та мелиоратив кузатув қудуқлари ва бошқа объектларни қуриш ва реконструкция қилиш;

5 026 км магистрал канал, 45 595 км мелиорация тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш, 518 та насос агрегатлари ҳамда 807 та электродвигателларни янгилаш;

сув ресурсларидан фойдаланишни **онлайн режимда** назорат қилиш, гидрологик постларни рақамли технологиялар асосида автоматлаштирилган ускуналар билан жиҳозлаш, сугоришда сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш назарда тутилади;

4) **қишлоқ хўжалиги тармоғини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган давлат харажатларини босқичма-босқич диверсификация қилиш** йўналишида:

а) **2021 йил 1 сентябрдан бошлаб** қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга **сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари**

ва кўчатларини харид қилиш учун ажратиладиган тижорат банкларининг кредитлари бўйича Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан:

фоиз харажатларини қоплаш учун қуйидаги миқдорларда компенсация тақдим этилади:

миллий валютада кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг Марказий банкнинг асосий ставкасидан ошадиган, **лекин 10 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми**;

хорижий валютада кредитлар бўйича – тижорат банклари томонидан белгиланган фоиз ставкасининг **30 фоизгача, лекин 3 фоиз пунктдан кўп бўлмаган қисми**;

кредит суммасининг **50 фоизгача** миқдорида **кафиллик** тақдим этилади;

б) 2021 йил 31 декабрга қадар маҳаллий уруғчилик хўжаликларидан сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатларини сотиб олган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларга **сотиб олинган уруғ ва кўчатлар қийматининг 20 фоизгача Давлат бюджетидан қоплаб берилди**;

в) лимон етиштирилаётган иссиқхоналар барпо этишда муқобил энергия (табиий газга нисбатан) орқали ишлайдиган иситиш тизимини харид қилиш харажатларининг бир қисмини давлат бюджетидан қоплаш тартиби жорий этилади.

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги (Ж.А.Ходжаев) Молия вазирлиги (Т.А.Ишметов) билан биргаликда бир ой муддатда сертификатланган қишлоқ хўжалиги экинлари уруғлари ва кўчатлари қийматининг, шунингдек, лимон етиштирилаётган иссиқхоналарни барпо этишда муқобил энергия орқали ишлайдиган иситиш тизимини харид қилиш харажатларининг бир қисмини қоплаш тартибини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

г) Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоят ҳокимликлари билан биргаликда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчиларнинг талаблари асосида вируслардан холи, юқори ҳосилли **сертификатланган уруғ ва кўчатларни етиштириш ва етказиб бериш тизимини** самарали йўлга қўйсин;

д) 2021 йил 1 мартдан бошлаб “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида боғдорчилик, узумчилик ва лимон-





чиликни ривожлантириш учун аҳолига ажратиладиган кредитлар муддати **3 йилдан 7 йилгача**, имтиёзли давр эса **1 йилдан 3 йилгача** узайтирилади.

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги мазукур кичик бандга асосан ажратиладиган кредитларни молиявий ресурслар билан таъминлаш чораларини кўрсин;

5) илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш йўналишида:

Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий марказининг таркибдаги илмий муассасаларнинг ер майдонларида **тадбиркорлик субъ-ектларини шартнома асосида жалб қилган ҳолда** сабзавот, полиз ва картошка, дуккакли, мойли экинлар, мевали ва ток кўчатлари етиштиришни ташкил этсин;

худудларда шаклланган деҳқончилик кўникмалари ва илғор тажрибалардан келиб чиқиб, маҳаллий сертификатланган юқори ҳосилли ва сифатли уруғчилик ҳамда кўчатчиликни кенг жорий этиш мақсадида илмий-тадқиқот институтлари 2-иловага мувофиқ туманларга бириктирилсин;

6) қишлоқ хўжалиги тармоғи статистикасининг шаффоф механизмини яратиш йўналишида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қуйидагиларни назарда тутувчи 2021 йилда соҳада ахборот технологияларини ривожлантириш чораларини кўрсин:

ердан фойдаланувчилар реестри бўйича **3 млн гектардан** ортиқ суғориладиган ерларнинг мониторингини йўлга қўйиш;

5 турдаги асосий қишлоқ хўжалиги экинларининг (пахта, ғалла, шопи, картошка, мойли экин) экилишини космик суръатлар ёрдамида таҳлил қилиш;

“ArcGIS” дастури ёрдамида қишлоқ хўжалиги ерларининг асосий ва такорий экин турлари, ҳосилдорлик даражасидан келиб чиқиб, интерфаол харитада кузатиш имкониятига эга ягона ахборот базасини шакллантириш ҳамда унинг миллий геоахборот тизими билан интеграция қилинишини таъминлаш;

ер майдонлари ва тупроқ таркиби тўғрисидаги ахборотлар, экинларни жойлаштириш, мақбул агротехник тадбирларни амалга ошириш бўйича ва бошқа илмий-инновацион ютуқлар ва илғор тажрибаларни мунтазам тақдим этиш;

устувор қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳақида бозор маълумотларини кенг оммага очик тақдим этиш;

ягона интеграцион платформани ахборот хизматлари билан бойитиш, жумладан, кадастр, об-ҳаво маълумотлари, аризаларни электрон расмийлаштириш тизими, кредитлаш ва субсидиялаш, агрохизматлар, агроскоутинг хизмати, фитосанитария хизматлари, мониторинг хизматлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги жараёнларини кузатиш тизимини жорий этиш;

миллий геоахборот тизими билан интеграция қилиш, ер ва сув ресурслари бўйича узлуксиз маълумотлар алмашинувини таъминлаш.

2. Мева-сабзавотчилик кластерлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда бошқа маҳсулот етиштирувчиларни қийнаётган муаммоларни ўз вақтида бартараф этиш, мамлакатнинг экспорт салоҳиятини ҳамда инвестицион жозибадорликни ошириш мақсадида тажриба-синов тариқасида **2021 йилнинг якунига қадар фаолият юритадиган мева-сабзавотчилик тармоғини қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантириш Республика кенгаши** (кейинги ўринларда – Кенгаш деб юритилади) 3-иловага мувофиқ таркибда тасдиқлансин.

Кенгашнинг асосий вазифалари этиб:

бир ойда камида бир марта жойлардаги мева-сабзавотчилик тармоғига оид муаммоли масалаларни кўриб чиқиш ҳамда уларни бартараф этиш;

мева-сабзавотчилик тармоғини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорлар, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг жойларга ташрифи ва йиғилишларидаги топшириқлари ижросини таъминлаш;

ўрганишлар асосида аниқланган тизимли муаммо ва камчиликларни бартараф этиш мақсадида қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш белгилансин.

Белгилансинки, Кенгашнинг ишчи органи функцияси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига юклатилади.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда туманлар (шаҳарлар) ҳокимларининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосарлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари этиб қуйидагилар белгилансин:

қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштиришда экин турининг худудлар

тупроқ-иқлим шароитига мослиги, **ҳосилдорлиги, экспортбоблиги, яхлит майдонларда етиштирилишини** таъминлаш;

ҳар бир туманда сертификатланган **уруғ ва кўчатларни етиштириш ҳамда етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш;**

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда **Organic, Global G.A.P.** ва бошқа халқаро тан олинган стандартлар талабларига мувофиқ **синов лабораторияларини ташкил этишга қўмаклашиш;**

худудларнинг органик маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш имкониятини ошириш, илғор агротехнологиялар, инновацияларни жорий этиш;

тупроқни ҳимоя қилиш тизими, пестицид ва ўғитларни меъёрда ишлатишни ва кимёвий воситаларнинг улар сифатини илмий асосланган ҳолда қўлланилишини назорат қилиш;

худудларда сув хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этиш;

хусусий секторни кенг жалб қилган ҳолда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини халқаро талаблар асосида, сифат ва хавфсизлик кўрсаткичлари бўйича тўлиқ синовдан ўтказиш имкониятига эга бўлган лабораториялар, божхона терминаллари ва бошқа хизматларни йўлга қўйиш чораларини кўриш.

4. Қуйидагилар:

ҳар бир туманни қишлоқ хўжалиги экинлари муайян турини етиштиришга ихтисослаштиришга – қишлоқ хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари Ш.Ж.Тешаев;

қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини ҳамда ерларни фойдаланишга киритишни **мониторинг ва назорат қилишга** – қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари М.И.Рўзметов;

маҳсулот етиштирувчиларни уруғ ва кўчат билан таъминлашда **илмий асосланган тавсияларни жорий этишга** – қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари А.М.Тўраев;

қишлоқ хўжалигини барқарор сув ресурслари билан таъминлаш, **сув хўжалиги инфратузилмасини яхшилаш** ва сув тежовчи технологияларни кенг жорий этишга – сув хўжалиги вазири Ш.Р.Жамраев;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва **қишлоқ хўжалигини молиялаштириш тизимига қўшимча ме-ханизмлар ва молиявий воситаларни**





жорий этишга – қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари Ш.Ш.Мирзаев; қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат бозори мониторингини юритиш тизимига **ахборот технологияларини жорий қилишни кенгайтиришга** – қишлоқ хўжалиги вазирининг ахборот технологиялари бўйича ўринбосари Қ.А.Юлдашев шахсан масъул этиб белгилансин.

5. Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев **икки ҳафта муддатда:**

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш бўйича **“Йўл харитаси”**ни;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 2021 йилда қайта фойдаланишга киритиладиган ва ўзлаштириладиган ер майдонлари бўйича вилоятлар ва ташаббускорлар кесимида **манзилли рўйхатни тасдиқласин.**

6. Қишлоқ хўжалиги вазирлиги:

а) 2021 йил 1 августга қадар:

Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси билан бирга қишлоқ хўжалиги бўйича мезонлар ва бошқа илғор тажрибалар асосида халқаро экспертларни жалб этган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг озиқ-овқат хавфсизлиги ва истеъмоли бўйича дастурини;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, Гидрометеорология хизмати, Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси билан бирга қишлоқ хўжалигига иқлим ўзгариши таъсирининг олдини олиш ва унга мослашиш бўйича ҳаракатлар режасини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин;

б) икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб

чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

7. Мазкур қарорнинг ижросини ташкил этишга масъул ва шахсий жавобгар этиб Бош вазир ўринбосари Ш.М.Ғаниев, қишлоқ хўжалиги вазири Ж.А.Ходжаев, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси ва вилоятлар ҳокимлари белгилансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари З.Ш.Низомиддинов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш.МИРЗИЁЕВ**

*Тошкент шаҳри,
2021 йил 26 февраль*

ҚУТЛАЙМИЗ!

МУКОФОТ МУБОРАК!

8 март – Халқаро хотин-қизлар куни арафасида Президентимизнинг Фармони билан мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотларда фаол қатнашиб, янги Ўзбекистонни барпо этиш, халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлида ташаббус ва ибрат кўрсатиб келаётгани учун бир гуруҳ аёллар фахрий унвон, орден ва медаллар билан мукофотланди. Улар орасида аграр соҳа илми ва амалиётида фидокорона меҳнат қилиб келаётган хотин-қизлар ҳам бор:

«Меҳнат шўҳрати» ордени билан

Агзамходжаева Мунира Шарахматовна – Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг «International House-Tashkent» академик лицейи математика фани ўқитувчиси

Икрамова Махбуба Латиповна – Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти Бухоро илмий-тажриба станцияси директорининг ўринбосари, Бухоро вилояти

Хайитова Омонгул – Дўстлик туманидаги «Ўлмас Зебинисо» фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

«Дўстлик» ордени билан

Маннапова Мамураҳон – Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг ўсимликшунослик, соя ва мойли экинлар кафедраси доценти, Андижон вилояти

Мукофотланган барча опа-сингилларимизни қутлар эканмиз, уларга баҳорий кўтаринкилик тилаб қоламиз.



Рузиева Дилобод Турсуновна – Нишон туманидаги «Нишон агропилла» масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қашқадарё вилояти

Шерназарова Зулхумор Жумаевна – Қумқўрғон туманидаги «Ариқ ошган» фермер хўжалиги иш юритувчиси, бахши, Сурхондарё вилояти

«Келажак бунёдкори» медали билан

Досанова Гулмира Сарсенбаевна – Мўйноқ давлат ўрмон хўжалигининг хўжалик ишлари мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

«Шўҳрат» медали билан

Исмоилова Муқаддас Зайнитдиновна – Музработ туманидаги «Анор Умр» фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти



ДЎСТЛИК ВА БИРЛИК РАМЗИ



Қадимий манбаларга кўра, Наврўз байрами Ўрта Осиё, Эрон ва Афғонистонда Аҳамонийлар даврида (милоддан аввалги VI асрда) кенг тарқалган. Шу маънода Наврўзнинг тарихини 25-30 асрга эга деб тахмин қилиш мумкин. Наврўз ҳар томонлама илмий асосланиб, унда коинот ва табиат қонуниятлари ҳисобга олинган. Чунинчи, кўшнинг ҳамал буржиги кириши, кундузнинг узая бошлаши, ёруғликнинг кучайиши, табиатнинг жонлиши – Наврўз, яъни “Янги кун” деб қабул қилинган.

Абу Райҳон Беруний “Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар” номли китобида қимматли маълумотлар бериб, унда кичик байрам фарвордин ойининг олтинчи кунигача давом этганини таъкидлайди ва бу ҳақда шундай ёзади: “...У бутун йил унга хизмат қиладиган бир вақтда, яъни баҳор ёмғирининг биринчи томчиси тушишидан гуллар очилгунча, дарактлар гуллашидан мевалари етилгунча, ҳайвонларда насл вужудга келгунча давом этадиган вақтда келади. Шунинг учун Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”.

Бу фикрлар Наврўзнинг қадимдан табиат ва баҳор байрами бўлганини яна бир бор исботлайди. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Наврўз ўтмишдаги ҳар бир синфий жамиятда подшолар ҳукмдорлиги, диний мафқураси таъсирида шаклан ўзгариб турса-да, ўзининг асосий моҳиятини сақлаб қолган. У ҳақиқий халқ байрами бўлиб, меҳнат аҳли орасида катта тантаналар билан нишонланган. Бинобарин, қадимдан халқда бу байрамни ўтказишнинг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган. Байрам кунини одамлар, ҳаётингиз ширин бўлсин деган маънода бир-бирига шакар ва ширинликлар ҳада қилиш, бу йил сув кўп, ҳосил яхши бўлсин деган маъ-

нода бир-бирига сув сепиш ва бошқа одатлар кенг тарқалган. Кейинчалик эса ҳовли-жойларни тозалаш, кўкат ва гуллар экиш, ота-она, ёру дўстларни, марҳумларнинг қабрини зиёрат қилиш каби одатлар Наврўз байрамининг таркибий қисмига айланган.

Наврўз деҳқончилик ишларини бошлаш байрами ҳам ҳисобланади. Ушбу байрамда оммавий халқ сайиллари уюштирилган, янги унган кўкатлардан тансиқ таомлар пиширилган, баъзи экинларни экиш бошланган. Дастлаб, Наврўз байрамини ўтказиш ўтроқ деҳқонларда расм бўлган, кейинчалик улар орқали ярим ўтроқ ва кўчманчи туркий халқларнинг ҳам урф-одатларига айланган. Асрлар ўтиши билан турли халқларда Наврўз байрамини ўтказиш маросимлари уларнинг турмуш тарзига, мафқурасига мослашган.

Наврўзни байрам қилиш туркий халқларда энг катта байрамлардан бири ҳисобланган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида Наврўзга бағишланган кўплаб халқ қўшиқлари келтирилган. Наврўз байрами ҳақидаги маълумотлар Умар Хайёмнинг “Наврўзнома”сида, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур ва бошқа алломаларнинг асарларида учрайди. Ўрта Осиё ҳудудида Наврўз байрами янги йилнинг бошланиши деб қувонч билан кутиб олинган. Бир неча кун илгари тайёргарлик ишлари бошланган. Буғдой ундирилган ва унинг майсасидан сумалак тайёрланган, кўк чучвара, ялпиз сомса каби таомлар пиширилган, отчопар, улоқ, кураш сингари халқ ўйинлари, сайиллар ўтказилган, халқ баҳор ҳақида қўшиқлар, бахшўлар терма, дostonлар куйлашган. Наврўзнинг биринчи кунини қишлоқларда болалар тўп-тўп бўлиб хонадонлар эшиги олдида Наврўзга

бағишланган қўшиқлар айтган. Хонадон эгалари уларни совға-салом ва егуликлар билан сийлаганлар. Болалар егуликларнинг бир қисмини қишлоқдаги бева-бечораларга улашганлар. Бу удум ҳозир ҳам Самарқанд ва Жиззах вилоятларининг айрим қишлоқларида сақланиб қолган.

Наврўз халқимизнинг энг сеvimли байрамларидан бири сифатида нишонланиб келинмоқда, 21 март дам олиш кунини, деб эълон қилинган. Ҳар йили шу кун республиканинг барча вилоятларидаги хиёбон ва майдонларида байрам сайиллари ташкил қилинади, концертлар берилади. Бир неча кун мобайнида маҳаллаларда Наврўзга бағишланган тадбирлар ўтказилади, сумалак, ҳалим ва бошқа тансиқ таомлар пиширилади. Наврўз кунлари ҳокимликлар, маҳаллаларнинг фаоллари, хайр-эҳсон ташкилотлари – меҳрибонлик уйлари болалари, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёлғиз кексалар ҳузурига ташриф буюриб, уларни кутлаб, совға-саломлар улашадилар. Наврўз қўшиқлари, таомлари, сумалак сайли, лола, гул сайиллари, томошо санъати, кўпқари, кураш, беллашувлари, бойчечак маросими каби урф ва анъаналари ушбу байрамнинг узвий таркибий қисми ҳисобланади.

Наврўз номоддий-маданий мерос намуналаридан бири сифатида ЮНЕСКОнинг рўйхатидан жой олиб, 2010 йилда БМТ томонидан 21 март — Халқаро Наврўз кунини деб тан олингани қувонарли ҳолдир. Халқимиз тарихи ва маданиятининг бир бўлаги бўлган Наврўз қадимий бўлиши билан бирга, ҳар йили янгиланиб бораётган улуғ ва навқирон байрамдир десак айни ҳақиқатни айтган бўламыз.

Тоҳир ДОЛИЕВ.

ЧИГИТ ЭКИШ ВА БИРИНЧИ КУЛЬТИВАЦИЯ СИФАТИ



Пахта етиштиришдаги барча агротехник тадбирлар керакли, қимматли ва масъулиятлидир. Шундай бўлса-да, фермерлар, пахта-тўқимачилик кластерлари мутахассислари ва умуман пахтакор-деҳқонлар чигит экиш ва янги ғўза ниҳоллари атрофидаги тупроқни биринчи культивациялаш ишларини бажаришга ўта масъулият билан қарайдилар. Зеро, бу ишлар сифатсиз бажарилса чигит аниқ экилмайди ва тўлиқ кўкариб чиқмайди, нимжон ниҳоллар жойидан қўзғалиб нобуд бўлади.

Чигит экиш ва ғўза ниҳоллари ўниб чиққан қатор оралари тупроқларини дастлабки юмшатиш сифати СЧХ-4А, СТХ-4 механик, “Кейс-1200”, “Т-РNM-5” DAIICHI “Agromaster”, “KUNN Planter” пневматик сеялкалар, КРХ-4, КРТ-4 чопиқ культиваторларнинг техник ҳолатига боғлиқ эканлиги сир эмас.

Машинанинг техник ҳолати эса мавсум олдидан ва иш давомида унинг созлик даражасига қараб баҳоланади. Соз машина тегишли тадбирни агротехник талаблар даражасида сифатли бажаради, смена ва мавсум давомида бузилмасдан ишлайди.

Далага чиққан чигит экиш сеялкалари қўйидаги техник талабларга жавоб бериши керак:

- чигит солинадиган банкларда тешикларнинг бўлмаслиги (чигит илиниб қолмайди, ерга тўқилмайди);

- механик сеялка банкиси тубига жойлашган чигит тўзитгич ва узатмалар тишларининг бутунлиги (банкага солинган чигитлар бир – бирига ёпишиб қолмайди, деталлар яхши айланади);

- чигит сарфи меъёрини ростлайдиган заслонка дарчаларининг энгил очилиб – ёпилиши (дарчалар энгил соланади);

- уруғ ўтказгичларда ёриқлар ва тешиклар йўқ (чигит тўқилиб кетмайди);

- сошникнинг тагидаги пичоғи ўткир, жағлари керилган, полозининг олд томонини ёй шаклида кўтарилган бўлиши (чигит тушадиган ариқчалар белгиланган ўлчамларда очилади, полоз олдида тупроқ тўпланиб қолмайди);

- сошник орқасида жойлашган зичлагич филдиракча, загортачлар ва прикаткани ўз ўқлари атрофида эркин айланиши, юзаларининг текис бўлиши (эгатлар сифатли чиқади, уруғ устидаги тупроқ яхши зичланади);

- сошник секциясидаги пружиналарнинг созлиги ва тўғри ўрнатилганлиги (пружиналарда зарур таранглик ва унинг миқдорини тўғри танлаш имкониятлари бўлади);

- сеялкадаги барча ростлаш механизмларининг (чигит сарфи меъёри, экиш чуқурлиги, пружиналарнинг таранглиги) созлиги (чигит фермер, агроном томонидан белгиланган миқдорда ва чуқурликда экилади);

- “Кейс-1200” типидagi пневматик сеялка экиш олдидан шундай ростлансинки, токи бунда чигит ҳар бир метрга 15-17 дона тушсин, кўш диски сошниклар арича очсин, чигит ташласин, уялар ёнига минерал ўғит солсин, сферик дисклар уруғларни керакли чуқурликка кўмсин, катоклар уруғ устидаги тупроқни зичлаб кетсин;

- экиш қаторлари ораси кенглигини 102 сантиметргача ўзгартириш имкониятидан фойдаланинг;

- уруғлар ораллигини тезликлар қутисидаги юлдузчаларнинг айланма тезлиги ва экувчи дискдаги тешиклар сонини ўзгартириш орқали созланг.

Культиватор-ўғитлагичнинг созлик шартлари қўйидагилардан иборат:

- культиватор рамалари эгилмаган, улар тракторга маҳкам қилиб, ерга нисбатан параллел ҳолда ўрнатилган (ишлов бериш чуқурлигининг бирдайлиги таъминланади);

- олдинги ва орқа грядиллар стойка, тутқич ва қулфлар воситасида рамаларга пухта бириктирилган, бунда штангалар ерга параллел (ишлов бериш кенглиги бирдай сақланади);

- грядилларнинг носоз втулкалари янгиларига алмаштирилган, қулфлардаги маҳкамловчи болтларнинг резбалари едирилмаган (грядиллар ортиқча тебранмайди);

- минерал ўғит бункерларида тешиклар ва ёриқлар йўқ, ўғит солиш аппаратининг ҳамма қисмлари энгил айланади, ўғит солиш меъёрини ростловчи механизм соз (ўғит нобуд бўлмайди);

- пичоқлар ва стрелкасимон панжалар штангаларга тўғри маҳкамланган: уларнинг тиғлари узунасига ер сатҳига тегиб туради, юмшатгич панжалари ва очарларни ерга ботиш бурчаги тупроқ шароитига қараб соланади (агрегатнинг тортишга қаршилиги ошмайди);

- ишчи органларнинг кўтарилиш баландлиги ҳамда ерга ботиш кучи грядил поводокларидаги пружина қулфи халқаларини суриш билан ростлансин (баландлик ва куч меъёрида сақланади);

- трактор филдираклари ва грядиллар ҳимоя кожухлари билан жиҳозланган (ғўза шохлари ва мевалари шикастланмайди);

- ишчи органлар завод шароитида тайёрланган ва стойкаларга пухта маҳкамланган (ишчи органлар тезда едирилмайди, сифат таъминланади);

- ҳар бир культиватор учун 8 та пичоқ (4 та чап кесувчи, 4 та ўнг кесувчи), 5 та стрелкасимон панжа (ғозпанжа), 4 та юмшаткич пичоқлар ўрнатилган очар, 28 та ККО типидagi юмшаткич, 8 та дискасимон юмшаткич (4 та чап кесувчи, 4 та ўнг кесувчи), 8 комплект ротацион юлдузча тайёрлаб қўйилсин (улардан ғўза қатор ораларига ишлов бериш турига ва тупроқ ҳолатига қараб фойдаланилади);

- пичоқлар ва панжаларнинг қирқиш қирралари ўткир, қийшаймаган ва кертисиз бўлсин (бегона ўтлар тўла нобуд бўлади, тупроқ майин чиқади);

- барча ишқаланувчи сиртлар мойланган (деталлар узоққа чидайди).



Механизаторлар, фермерлар, кластерлар агрономлари ғўза қатор ораларини биринчи культивациялашга пухта тайёргарлик кўришлари ва бу тадбирни ўта зийраклик билан амалга оширишлари керак. Чунки бу пайтда ғўза ниҳоллари ва уларнинг илдизлари ниҳоятда нозик ва мўрт бўлади. Эътиборсизлик билан берилган биринчи ишлов бир қисм ниҳолларни nobуд бўлишига олиб келади. Бундай ҳолатларни олдини олиш ва тадбирни сифатли ўтказиш қуйидаги талабларни тўла-тўқис бажарилишига боғлиқдир:

далаларда ғўза ниҳоллари униб чиқиб, қаторлар яққол кўриниши билан биринчи культивацияни бошлаш (акс ҳолда агрегатни тўғри юргизиб бўлмади);

ишчи органларни тупроққа бирмунча юза ботадиган қилиб ўрнатиш (акс ҳолда нозик ғўза илдизлари ўрнидан кўзғалади ва ниҳоллар nobуд бўлади);

биринчи культивацияда трактор тезлигини 2,84-4,88 км/соат дан оширмаслик;

ёмғирдан кейин тупроқ бетини қатқалоқ босган ёки бегона ўтлар эндигина униб чиқаётган бўлса культиваторларга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: ротацион юлдузча – 8 комплект (ниҳоллардан 3-5 см узоқликда ва 3-5 см чуқурликда); пичоқлар – 8 та (4 – та чап кесувчи, 4 – та ўнг кесувчи)

6-8 см чуқурликда; стрелкасимон панжалар (ғозпанжалар) – 5 дона, 12-14 см чуқурликда;

қатор ораларидаги бегона ўтларни йўқотиш мақсадида культиваторга қуйидаги ишчи органларни ўрнатиш: дисксимон юмшаткич – 8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 5-7 см узоқликда ва 6-8 см чуқурликда; пичоқлар-8 дона (4-таси чап кесувчи, 4-таси ўнг кесувчи), ниҳоллардан 9-10 см узоқликда ва 6-8 см чуқурликда; стрелкасимон панжаларни (ғозпанжалар) – 5 дона, эгатнинг ўртасига 12-14 см чуқурликда ўрнатиш.

Ўза қатор ораларини иккинчи ва кейинги культивациялаш пахта майдонларини ҳар галги суғоришдан сўнг тупроқ тобига келган пайтда ўтказилади. Шундагина майда ва донадор тупроқ ҳосил бўлади.

Шундай қилиб, пахта сеялқалари ва культиваторлари юқоридаги талаблар даражасида ишлатилса, чигит белгиланган меъёردа сарфланади, экишда сифат таъминланади, ғўза қатор ораларидаги тупроққа майин ишлов берилади ва ҳосил элементлари шикастланмайди.

Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ, т.ф.д.,
Абдурасул ИБРАГИМОВ, т.ф.д.,
Асомидин ҚОРАҲОНОВ, т.ф.н.,
ҚХМИТИ.

БОШОҚЛИ ДОН ЭКИНЛАРДА МАРТ ОЙИДА ОЛИБ БОРИЛАДИГАН АГРОТЕХНИК ТАДБИРЛАР

Дунёда глобал иқлим ўзгариши натижасида табиатда йилдан йилга мутлақо бошқача об-ҳаво қузатилмоқда. Республикамизда 2021 йилнинг қиш фасли январь ойининг биринчи ва иккинчи ўн кунлиги охириги беш йилга нисбатан қуруқ совуқ бўлиши қузатилди. Қишлоқ хўжалик экинлари ичида кузда экиладиган бошоқли дон экинларни агротехник тадбирлари ўта масъулият билан ёндашишни тақозо этмоқда.

Бу йил февраль ойида намликни кўп бўлиши ғалла майдонларида бегона ўт, турли хил кассалликларни айниқса занг касалликларини ҳамда ҳашаротларни кўпайиб, ривожланишига қулай шароит яратмоқда. Шунинг учун мутахасис раҳбарлар, фермер хўжалик бошлиқлари жуда эътиборли бўлиб ҳеч қандай топшириқни кутмай ҳаво ҳарорати 15-18 °С бўлганда касаллик, зараркунанда ва бегона ўтларга қарши курашишни бошлашлари керак.

Ёғётган ёмғир сувларнинг намлиги тупроқда 10-15 см чуқурликгача боради, холос. Бу намлик ўсимлик ўзлаштира олмайдиган ишқорий намлик бўлиб ўсимлик нормал ўсиб ривожланиши яхши бўлган тупроқнинг

Ph 5-6 кўрсаткич миқдорини Ph 8-9 гача ортиши қузатилади. Натижада ғалланинг илдизи ишқорий муҳитда

яхши ишламайди ва берилган азотли ўғитларни олмайди. Ишқорли муҳитда ўсимликнинг илдизи ривожланмаганлигидан ғалланинг ҳолати яшил бўлиб тураверади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, кузги буғдой парваришида март ойида қуйидаги агротехник тадбирларни бажаришга эътибор бериш лозим.



Ғалла ниҳоллари ривожланиши орқада бўлган, яъни кечки муддатларда экилган ғалла майдонларда туплаш

жараёни об-ҳаво ва тупроқ ҳароратига қараб март ойининг иккинчи ўн кунлигига қадар давом этиши мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб қуйидаги агротехник ишларни амалга ошириш зарур:

Мутахассислар томонидан ҳар бир ғалла майдонларидаги экилган ғалланинг ўсиши ва ривожланиши бўйича мониторинг ўтказиш лозим. Аниқ ҳулосалар асосида ғаллани баҳорги озиклантиришдан ташқари қўшимча ишлов бериш баргдан озиклантириш, яъни суспензия сепиш, шарбат усулида суғориш, таркибида микроэлементлар ҳамда гумин кисло-

таларга эга бўлган био-препаратларни қўллаш каби агротехника тадбирларини олиб бориш самарали ҳисобланади.

Март ойида ғалла майдонларига минерал ўғит, суспензиясини сепиш ўсимликларнинг ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Шунга асосан март ойи давомида суспензиялаш тадбирини 2 марта ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Барча экилган ғаллаларга макро ва микро ўғитлар билан тўйинган биости-





муляторлардан гектарига Гео Гумат 1 литр, УзГуми, Гумимакс 0.5 литр, Агрозим, Байкал-М, каби кимёвий воситаларни гектарига 3 литр, Карбамид азотли ўғити гектарига физик ҳолда 10-12 кг. фосфорли ўғитларни 10 кг ва калийли ўғитларни 5 кг. меъёрда илиқ сувда эритиб, 300 литр сувга аралаштириб махсус пуркагич механизмлар ёрдамида ғалла майдонларига сепишни ташкил этиш лозим.

Бунда ғалла ўсимлиги илдизидан оладиган озика элементларидан ташқари баргдан озиклантирилиши натижасида ўсимликнинг барг сатҳини қалинлашиши ҳисобига ўсимликларнинг касаллик ва зараркундаларга чидамлигини ошиши билан бирга баргдаги фотосинтез жараёни яхшиланади. Ўсимлик баргида ҳосил бўладиган органик модданинг кўпайиши натижасида ўсимликларнинг ўсиш ва ривожланиши тезлашади.

Ғаллачиликдаги энг муҳим агротехник тадбирларидан бири бу ғалла майдонларида баҳорги азотли ўғитлар билан навбатдаги иккинчи озиклантиришни амалга ошириш ҳисобланади. Март ойида ғалла туплаш жараёнидан найчалашга ўтади. Кузги буғдойнинг найчалаш фазасида ўсимликнинг вегетатив органлари, энг асосийси поялар сонининг кўпайиши ҳисобига азотли ўғитга бўлган талаби энг юқори даражада бўлади.

Шундан келиб чиқиб, бу даврда азотли ўғитлар йиллик меъёрининг 40 фоизини, яъни физик ҳолда аммиакли селитра ҳисобида гектарига 300-320 кг. меъёрда берилиши тавсия этилади.

Ўсимликнинг найлаш даврида маҳсулдор поялар, поялар ичида бошоқлар шаклланади. Найчалаш фазасининг давомийлиги 25-30 кунни ташкил этади. Бошоқли дон экинлари бу фазада бутун ўсув даври давомида тўплайдиган қуруқ модданинг 50-60 фоизини тўплайди. Ғалланинг найчалаш фазасида намлик ва озуканинг етишмаслиги олинадиган ҳосилдорликка ўз салбий таъсирини кўрсатади.

Ҳар бир озиклантириш ўтказилган ғалла майдонларига тупроқ-иқлим шароитларини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир минтақалар шароитидан келиб чиқиб гектарига 600-700 м³ меъёрда суғориш ишларини ўтказиб, чекланган дала нам сифминини 70-75-70% бўлишини таъминлаш зарур.

Суғориш ишларини маҳаллий ўғитлар билан шарбат усулида амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ғалла майдонларининг бегона ўтдан кучли зарарландиган, ғалла ўрнига 2-йил ғалла экилган майдонларда март ойининг иккинчи ўн кунлигидан бошлаб, об-ҳаво ҳароратига қараб (ҳаво ҳарорати 12 даражадан кўтарилгандан бошлаб) тавсия этилган гербицидлар билан уларга қарши дастлабки ишлов бериш бошланади. Бу даврда зарарли хасва тарқаладиган ва занг касаллигининг ўчоқлари бўлган майдонларда биринчи навбатда профилактика ишловини уйғунлашган ҳолда ўтказилиши зарарли хасва ва занг касаллигининг кенг тарқалишини олди олинади.

Ғалла майдонлари озиклантирилиб, суғорилгандан кейин ғалла ўсимлиги билан бир вақтда бегона ўтларнинг бир ва икки йиллик турлари (жағ-жағ, бурган, шўра, олабута, бангидевона, қўйтикан, итузум, мачин, сутлама, райграс, тулкидум, ёввойи сули ва бошқа) ўсиб ривожланади.

Ғаллазорлардаги бегона ўтлар ғаллага берилган минерал ўғитларни, сувни, ғалла ниҳолларига тушаётган ёруғликни тенгма-тенг, айрим ҳолларда кўпроқ ҳам истеъ-

мол қилиши ҳисобига, ғалладан олинадиган дон ҳосилини камайиши, унинг сифатига салбий таъсир кўрсатиши олиб борилган кўп йиллик тажриба натижаларида ўз исботини топган.

Шунинг учун бегона ўтлар ривожланган ғалла майдонларида уларнинг тури ва сонига қараб бир йиллик икки паллали бегона ўтларга Гранстар ДФ 75% (15-20 г/га), Опус (15-20 г/га), Химби 24% (0,15-0,2 л/га), бир йиллик бир паллали бошоқли бегона ўтларга қарши Топик 8% (0,3-0,4 л/га), Топ-Дим 8% (0,3-0,4 л/га), кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга Гранстар Плюс 75% (30 г/га), Энтостар Плюс 75% (30 г/га), Энторане (0,375-0,5 л/га), Бир йиллик ва кўп йиллик бошоқли бегона ўтларга қарши Атлантис 3% (250-300 г/га), Атлантис Стар 25% (0,2-0,3 кг/га) каби гербицидларнинг биридан фойдаланиш тавсия этилади.

Республикада февраль ойи илиқ келиб ҳамда баҳорнинг серёғин бўлиши кузатилса ғалла майдонларида замбуруғли касалликлар сариқ ва қўғир занг, септариоз, ун шудринг, фузариоз каби касалликлар кенг тарқалиши кўп йиллик тажрибаларда олдиндан башарот қилинган.

Ғалла майдонларидаги касалликларни олдини олиш ёки бўлмаса касаллик тарқалиш хавфи бўлган майдонларга Давлат кимё комиссияси рўйхатидан ўтган фунгицидлар Альто Супер 33% (0,3 л/га), Бампер 25% (0,5 л/га), Энтоликкур 22,5% (0,3-0,5 л/га), Титул Дуо (0,2 л/га), ТопКропэм.к (0,3-0,5 л/га), Крест 25% (0,5 л/га), Дуазол (0,2 л/га), Файтер 33% (0,3 л/га), Тебумекс Плюс 22,5% (0,3-0,5 л/га) билан 200-300 литр ишчи эритма сарфлаган ҳолда ишлов бериш яхши самара беради.

Бошоқли дон экинларни зараркунанда ҳашаротлар зарарли хасва, шиллиқ қурт (пиявица), арракаш, шира ва трипс каби ҳашаротларга қарши ишлов беришда инсектицидлардан Агрофос-Д 55% (0,5 л/га), Бестслплер 20% (0,05-0,075 л/га), Далметрин 10% (0,06-0,08 л/га), Децис 2,5% (0,25 л/га) каби препаратлар билан ишлов бериш тавсия этилади.

Юқорида келтирилган агротехника чора-тадбирлар республиканинг ҳар бир минтақаси тупроқ-иқлим шароити ва ғалланинг ривожланиш фазаларига ҳамда бегона ўтларни униб чиқиш даврига қараб 5-10 кун олдин ёки кейин амалга оширилиши мумкин.

Шунингдек, ўтган йилги йўл қўйилган хато ва камчиликларни қайтарилмаслиги учун ўсимликларни ҳимоя қилиш марказининг жойлардаги раҳбар ва мутахассислари башарат қилинган майдонларга қўшимча 20-25 фоиз миқдорда гербицид ва фунгицидлар захирасини яратиб қўйиш лозим.

Об-ҳаво мураккабкелаётган айни шароитда ғаллазорлар ва мутахассислар ҳамкорлиги ниҳоятда муҳимдир. Бу ўз навбатда ҳар бир майдоннинг доимий назоратини ташкил этиш, шу мақсадда вилоят ва туманларда ғалла майсалари ҳолатини ўрганиб, амалий ёрдам берувчи гуруҳлар тузишни тақозо этади.

Равшанбек СИДДИҚОВ,
ДДЭИТИ директори,
қ.х.ф.д., РФА академиги,
И.АДАШЕВ,
таянч докторант.



ЛАЛМИКОР МАЙДОНЛАРДА БАҲОРГИ ЭКИНЛАРНИ ЭКИШ ВА ПАРВАРИШЛАШ

Бугунги кунда дунёда иқлимнинг глобал иссиши қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига сезиларли таъсир этмоқда. Лалмикор минтақаларда етиштириладиган қишлоқ хўжалик экинларининг ўсиб ривожланишига қиш давридаги паст ҳарорат ва гуллаш даврида рўй берадиган иссиқлик, гармсел шамоллари кучли зарар келтиради.

Лалмикор ерларда экиладиган қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги об-ҳаво шароитларига боғлиқ бўлиб, ўсув даврида тупроқда намликнинг етишмаслиги, дон тўлишиш даврида кузатиладиган иссиқлик ва қурғоқчилик ҳосилдорликнинг кескин пасайишига олиб келадиган асосий омиллардан ҳисобланади.

Ҳозирги кунда лалмикор минтақаларда экиш учун дон тўлишиш даври қисқа бўлган, қурғоқчиликка, иссиқликка, касалликларга ва ётиб қолишга чидамли, серҳосил, дон сифати юқори бўлган навларни етиштириш, аҳолининг озиқ-овқат ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларига бўлган талабини тўлиқ қондириш долзарб вазифалардандир.

Республика ҳудудидаги барча лалмикор майдонларда бошоқли дон, дуккакли дон, ем-хашак ва мойли экинлардан юқори ва сифатли ҳосил етиштириш лалмикор майдонларда яшовчи аҳолининг нон ва ун маҳсулотларига, оқсилга бой дуккакли дон ва сифатли мой маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, чорва молларини тўйимли озуқа билан таъминлашга хизмат қилади.

Бу йилги об-ҳаво шароитида минтақамизда қиш ойларининг нисбатан совуқ келиши ва ёғингарчиликнинг кам бўлиши кузатилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, жорий йил ҳосили учун қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш ва парваришlashда агротехник тадбирларнинг белгиланган муддатларда тез ва сифатли қилиб бажарилишига фермер хўжаликлари раҳбарлари алоҳида эътибор қаратишлари лозим бўлади.

Баҳорги бошоқли дон экинларини етиштириш агротехникаси. Республикадаги жами лалмикор майдонларнинг 60% дан кўпроғини ёғингарчилик билан яримтаъминланган (йиллик ёғингарчилик миқдори 340-360 мм) текислик қир-адирлик минтақаси ташкил қилиб, бу минтақаларда экиш муддати февраль ойи охири ва март ойи биринчи ўн кунлиги ҳисобланади, экиш меъёри гектарига 2,0-2,5 млн. дона унвчан уруғ ҳисобланади.

Республикадаги тоғолди ва тоғли лалмикор майдонларнинг қулай тупроқ ва об-ҳаво шароитлари барча агротехнологик тадбирлар ўз вақтида сифатли қилиб бажарилганда, ўртача 12-15, серёғин келган йилларда эса 15-18 ц/га ҳосил етиштириш имкониятини беради.

Бу йилги куз ва қиш ойларининг илиқ келиши ўз вақтида экилган бошоқли дон экинларининг тўлиқ униб чиқишига олиб келди. Шунингдек, кечки муддатларда экилган ғалла уруғлари ҳам 2-3 та илдиз ҳосил қилиб, нишлаган ҳолатда ривожланмоқда.

Маълумки, лалмикор майдонларда кузги бошоқли, дуккакли ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги қиш ва эрта баҳорда бўлиб ўтган ёғин-сочин миқдорига ва тупроқнинг намланиш чуқурлигига кўп жиҳатдан боғлиқ.

Айрим сабабларга кўра, куз ойларида экилмай қолган майдонларга февраль ойларининг очик кунларида бошоқли дон экинларини экиш ишларини давом эттириш мумкин бўлади.

Бунда баҳорги буғдойнинг “Оқ буғдой”, “Бахмал-97”, “Истиклол-6”, “Сўғдиёна”, “Леукурум-3”, “Жавоҳир”, “Ёқут-2014” навларини 90-100 кг/га, арпанинг “Лалмикор”, “Саврук”, “Абу-Ғофур” каби навларини 100-110 кг/га ҳисобида экиш тавсия қилинади.

Эрта баҳорда бажарилиши лозим бўлган муҳим агротехник тадбирлардан бири майсаларни озиқлантириш ҳисобланади. Лалмикор майдонларда азотли ўғитлар билан озиқлантиришни 30-40 кг/га (таъсир этувчи модда ҳисобида) ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Жорий йилда бегона ўтлар, касалликлар ва зараркундаларнинг кенг тарқалиши эҳтимоли мавжуд. Шу сабабли, бегона ўтларга қарши курашишда, тупроқдаги намликни сақлашда кузги ғалла майсаларини бороналаш яхши самара беради. Бунда бороналар ёрдамида кундалангига ишлов берилади. Бу тадбирни озиқлантириш билан кетма-кет ўтказиш зарур. Бороналашни фақат ўсимликнинг тўлиқ туплаш даврида, туп сони меъёрдан ортиқ бўлган майдонлардагина ўтказиш лозим.

Маълумки, лалмикор майдонларда намгарчилик кам бўлган йилларда ғалланинг 1 м² даги туп сони муҳим аҳамият касб этади. Кўп йиллик тажриба натижаларига кўра, ўсимликнинг мақбул кўчат сони текислик майдонларда 100-110 та, текислик қир-адирлик майдонларда 120-130 та, тоғолди майдонларда 140-150 тани ва тоғли майдонларда 160-180 дона/м² ни ташкил этиши зарур. Уруғ экилгандан кейин ноқулай шароитлар туфайли сийрак униб чиққан, тўлиқ кўчат ҳосил қилмаган 1 м² даги туп сони 70-80 донадан кам бўлган майдонларда 30-50 кг/га миқдорида қўшимча экиш ишларини амалга ошириш яхши самара беради. Майсаларнинг бу кўрсаткичлардан кам ёки ортиқча бўлиши ҳосилнинг камайишига олиб келади.

Бундан ташқари, лалмикор майдонларда алмашлаб экиш тизимини жорий этиш мақсадида ғалладан бўшаган майдонларга эрта баҳорда нўхат, махсар ва зиғир экинларини экиш фермер хўжаликларининг иқтисодий самарадорлигини оширади.

Дуккакли дон экинларини етиштириш агротехникаси. Лалмикор майдонларда ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемаларида эрта баҳорда банд шудгорга экиладиган, тупроқда азот тўплаш хусусиятига эга бўлган дуккакли экинлардан бири нўхат ўсимлигидир. Бу ўсимлик қурғоқчиликка чидамлигининг юқорилиги сабабли қадимдан лалмикор ерларда экиб келинади.



Ҳозирги кунда ДДЭИТИ Ғаллаорол илмий-тажриба станциясида нўхатнинг тўйимлилиги юқори бўлган, таркибида 50-55% оқсил ва турли алмашмайдиган аминокислоталар мавжуд “Жаҳонгир”, “Ирода-96”, “Ўзбекистон-32”, “Юлдуз”, “Гулистон”, “Ифтихор” каби серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга чидамлилиги юқори бўлган навлари яратилган.



Лалмикор ерларнинг яримтаъминланган текислик, қир-адирлик минтақасида нўхатнинг мақбул экиш муддати март ойининг иккинчи ўн кунлиги, экиш меъёри гектарига 60-70 кг, тоғолди ва тоғли минтақаларида эса март ойининг охири, апрель ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Бу минтақаларда нўхатни экиш меъёри 75-80 кг/га ни ташкил этиши лозим.

Лалмикор майдонларда барча дуккакли экинлар каби нўхат ўсимлиги ҳам фосфорли ўғитларга талабчанлиги юқори ҳисобланади. Лекин, нўхатнинг дастлабки ўсиш ва ривожланиш босқичларида азотли бирикмаларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида 30-40 кг/га соф таъсир этувчи модда ҳисобида таркибида азот сақлайдиган фосфорли ўғитларни экиш олдидадан ёки экиш билан бирга бериш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Мойли экинларни етиштириш агротехникаси. Махсар ўсимлиги кучли ривожланган ўқилдизга эга бўлиб, тупроқнинг 1,5-2,0 м. қатламигача кириб боради ва унинг қуйи қатламларидаридаги намлик захирасидан тўлиқ фойдаланиди. Шу сабабли бу экин қурғоқчиликка анча чидамли ўсимлик ҳисобланади.

Махсар дони таркибидаги мой миқдори 25-30% ни ташкил этади. Тупроқ ва об-ҳаво шароитлари ҳамда агротехника даражасига қараб унинг бўйи 40-50 см. дан 100-120 см. гача етади. Унинг уруғи тупроқдаги ҳарорат 1-2°C ни ташкил этганда униб чиқа бошлайди. Экишнинг мақбул муддати Тошкент, Жиззах, Самарқанд ва Навоий вилоятларининг қуйи лалмикор минтақаларида март ойининг биринчи ўн кунлиги, тоғолди майдонларида эса март ойининг охириги ўн кунлиги ва апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади.



Махсар экиладиган далалар кузда плуглар билан 20-22 см. чуқурликда шудгор қилинади. Экиш олдидадан дискали ёки тишли бороналар ёрдамида ҳар икки йўналишда 5-8 см. чуқурликда саёз ишлов берилади ва дарҳол мола босилади.

Экиш меъёри қатор оралиғи 30 см. ни ташкил этганда 20-22 кг/га, 45 см. қатор оралиғида 15-18 кг/га, экиш чуқурлиги эса тупроқ намлигига қараб 4-5 см.ни ташкил этиши зарур. Лалмикор ерларда экиш учун махсарнинг “Милютин-114”, “Ғаллаорол”, “Жиззах-1” навлари тавсия этилади.

Махсар зараркунандаларига қарши самарали курашда 500 тадан храбракон ва олтинкўз тарқатиш, шунингдек, Суми-альфа 0,2-0,3 л/га, 5 л/га кимёвий препаратларни қўллаш мумкин.

Мойли зиғирни етиштириш агротехникаси. Республиканинг лалмикор майдонларида қадимдан экиб келинаётган муҳим мойли экинлардан яна бири зиғир ҳисобланади. Унинг

уруғи таркибида 30% дан то 50% гача қимматбаҳо мой мавжуд бўлиб, мой чиқиш даражаси тупроқ ва об-ҳаво шароитларига ҳамда агротехнологияга қараб ўзгаради.

Зиғир мойи озиқ-овқат саноатида, шунингдек, бўёқ, лак, линолеум, клеёнка тайёрлашда, поясида эса сифатли қоғоз ҳамда дағал материаллар ишлаб чиқаришда фойдаланилади.

Лалмикор майдонларда зиғир ўсимлигини экишнинг агротехник қулай муддати текислик қир-адирлик минтақада март ойининг биринчи ярми, тоғолди ва тоғли минтақаларда март ойининг охири ва апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри қуйи лалмикор минтақада 16-18 кг/га, тоғли ҳудудларда эса 20-22 кг/га ни ташкил этиши лозим. Экиш чуқурлиги тупроқнинг намлигига қараб 4-6 см. ни ташкил этиши зарур. Лалмикор ерларда экиш учун зиғирнинг “Бахмал-2”, “Баҳорикор” навлари тавсия этилади.



Ем-хашак экинларини етиштириш агротехникаси. Беда экинни лалмикор ерларнинг текислик қир-адирлик минтақасида экиш муддати март ойи, тоғолди ва тоғли майдонларида апрел ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади. Экиш меъёри кўк масса олиш учун қуйи минтақада 10-12 кг/га, тоғолди ва тоғли майдонларда 14-16 кг/га ҳисобида ёппасига экилади.

Лалмикор минтақаларида беданинг “Аридная” ва “Бойгул” навлари экилади, экиш меъёри 8-10 кг/га ҳисобида кенг қаторлаб (30-45 см) экилади. Барча лалмикор минтақаларда беда уруғи анкерли сошниклар билан жиҳозланган ғалла сеялкалари ёрдамида тупроқнинг 1,5-2 см. қатламига экилиши зарур.

Беданинг зарарли ҳашаротлардан бири фитонемус ҳисобланади. Бу зараркунандага қарши агротехник ва кимёвий кураш чора-тадбирларидан бири, эрта баҳорда беда экилган далаларга оғир бороналар ёрдамида ишлов бериш ҳамда гуллашдан олдин 0,2-0,3 л/га ҳисобида инсектицидларни пуркаш яхши самара беради.

Хашаки нўхат етиштириш агротехникаси. Лалмикор майдонларда тупроқни органик моддалар билан бойитиш ва структурасини яхшилашда, чорва молларини тўйимли, оқсилга бой омихта ем билан таъминлашда хашаки нухат ва арпани қоплама қилиб экиш муҳим аҳамиятга эга. Бу экинлар ҳам ғалла-шудгор алмашлаб экиш схемасида банд шудгорга экилади.

Хашаки нўхатнинг “Восток-55”, “Восток-84”, “Ўзбекистон-2011” навлари экиладиган далалар кузда ёки феврал ойининг охири, март ойининг бошида 20-22 см. чуқурликда ҳайдалади. Экиш олдидадан шудгорга икки йўналишда борона ва мола билан ишлов берилади. Хашаки нўхат ётиб қолмаслиги учун уни арпанинг дуварак навлари билан аралаш ҳолда экиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бунда арпанинг экиш меъёри гектарига 60-70 кг.ни, хашаки нўхатники эса 40-50 кг.ни ташкил этиши лозим. Экиш муддати – март ойининг дастлабки ўн кунлиги ҳисобланади.

Бекмурод ХАЙДАРОВ, қ.х.ф.ф.д.,
Ҳасан ҚАРШИБОЕВ, қ.х.ф.ф.д.,
Маматқул ЖўРАЕВ, қ.х.ф.ф.д.,
ДДЭИТИ Ғаллаорол ИТС.



Мамлакатимизда кейинги йиллари об-ҳавонинг тез-тез ўзгариб туриши кузатилмоқда. Ҳар йилгига нисбатан жорий йилнинг декабрь ва январь ойларида ҳаво ҳарорати анча совуқ бўлиб ёғингарчилик миқдори кўп бўлди. Ушбу шароитда дарахтларда тиним даври бироз чўзилган бўлса, февраль ойининг биринчи декадасида ҳаво ҳарорати илиқ бўлиб, ёғингарчилик кам бўлди. Натижада данакли мевали дарахтларда куртакларнинг ҳаракати бошланиб, гуллашга кела бошлади.

Февраль ойининг ўртасида данакли мевалилардан ўрик қийғос гуллаган бўлса, олхўри, олма, нок дарахтларининг ҳам эртаги навлари гуллай бошлади. Аммо февраль ойининг 22 кунидан то 28 кунигача ҳаво ҳарорати республиканинг барча вилоятларида кескин пасайиб кундуз кунлари 5-90С бўлган бўлса, кечалари -11-150С даражадан то -19-210С даражагача пасайиб кетди. Натижада гуллаётган ҳамда гуллаш арафасида бўлган данакли мевалиларнинг гулларини тўлиқ совуқ урди. Уларни сақлаб қолишнинг иложи бўлмади. Эндиги вазифа қолган уруғли ва данакли мевалиларнинг гуллашини имкон даражада кечиктириш мақсадида март ойининг бошидан боғларга 1-2 маротаба яхоб суви бериш зарур. Бунда ҳар бир гектар боғга 1500-2000 м³, токзорларга 1200-1500 м³ миқдорида яхоб суви бериб 4-5 кун давомида суғориш керак. Яхоб сувини бериш билан боғларда куртакларнинг ҳаракатини бир неча кунга кечиктириш мумкин.

Мамлакатимизда март ойида ҳар йили такрорланадиган қисқа муддатли аёзли совуқларнинг тез-тез такрорланиши боис дарахтларни ушбу совуқлардан сақлаш мақсадида боғларнинг ҳар бир гектар майдонига гўнг, хашак ва ҳазон аралашмасини йиғиб қўйиб (уюмлар сони 1 гектарга 150-200 та), совуқ тушиши олдидан тутатиб қўйиш керак. Шу билан бирга боғ қатор ораларида суғориш ариқларини олиб, совуқ келиш олдидан ариқлардан оз миқдорда жилдиратиб сув оқишиб қўйиш зарур. Бунда ҳаво ҳарорати 2-30С га кўтарилиб, баҳорги қисқа муддатли совуқлардан дарахтларнинг гул куртакларини сақлаб қолиш мумкин.



БОҒЛАРДА БАҲОР НАФАСИ!

март ойида боғларда бажариладиган муҳим агротехник тадбирлар

Боғларда дарахт таналарини ва скелет шохларини оҳак билан оқлаш зарур. Бунда 10 л. сувга 2 кг. оҳак ва 1,5 кг. тупроқни аралаштириб дарахтларнинг танаси ва она шохлари оқланади. Дарахт таналарини оқлаш билан новдалардаги куртакларининг ҳаракати кечиктирилади.

Мевали боғларда дарахтларни 3 фоизли бордо суюқлиги билан пуркаш яхши натижа беради. Бунда бордо суюқлигининг оҳак қисмини 4-5 фоизга ошириб пуркалса суюқлик оқранг бўлиши натижасида дарахтларда ҳароратни пасайтиради ҳамда куртаклар ҳаракати секинлашади.

Дарахтларга шакл бериш, буташ-сийраклаштиришнинг афзаллиги. Бунда дарахт ортиқча ғовламайди, ҳосилдорлик ва меваси сифатли бўлиб,

ўрик дарахтлари дастлабки йилларда кучли ўсишга эга бўлганлиги



сабабли олти-етти ёшгача бўйига ўсган шохларида ҳосил куртаклари бўлади. Бу даврда уларда ён шохчалари суст ўсади. Бундай шохларни уларда ён шохчалари яхшироқ ўсиб чиқиши учун учдан бир қисми ёки ярмига қисқартирилади.

Олхўрининг кўпчилик навларида мева тугиш органлари қисқа бўлиб, улар икки ва кўп йиллик шохларда жойлашган бўлади. Баъзи бир навларда бир йиллик шохчаларда ҳосил бўлиши кузатилади. Ёш олхўри дарахтининг шох-шаббаси шакл беришда шохларнинг пастки қисми яланғочланиб қолмаслиги учун шохлар сийраклаштирилади ва қисқартирилади. Шох-шаббаси тик ўсган, кучли шохланадиган навларда биринчи тартибдаги асосий шохлар қисқартирилиб, иккинчи тартибдаги ён шохлар баландлигида кесилади. Шох-шаббаси ёйиқ дарахтлар агар шохлари суст ўсса, сийраклаштирилади. Шохлар фақат уларнинг ўсишини тартибга солиб туриши учун қисқартирилади.

Дарахтлар мева бера бошлагандан кейин шохлар фақат шох-шаббага ёруғлик яхшироқ тушиши учун бутаб турилади. Барча ҳолларда биринчи



ҳосил, асосан, дарахт танасининг ичида шаклланади, танасида ҳаво яхши юради ва қуёш нурининг тушиш даражаси баланд бўлади. Данакли боғларда ўрик, гилос, олхўри дарахтларининг кўпчилик навларига шакл беришда, асосан, сийраклашган ярусли, шафтолига косасимон шакл берилади. Бунда, аввал ўрик, олхўри, гилос, олча ва шафтоли дарахтлари буталади.



навбатда касалланмаган, қуриб қолган ва бир-бирига тегиб шикастланадиган шохлари олиб ташланади.

Гилос дарахти кучли ўсиши ва кам шохланиши билан фарқ қилади. Кучли ўсган шохларнинг пастки қисмида куртақлар кам ривожланади. Куртақлар уйғонишини ва асосий шохларда ёш шохчаларни ўсиб чиқишини кучайтириш мақсадида асосий шохлар қисқартирилади.

Ёш дарахтлардаги узунлиги 40-45 см. ли новдаларини чилпиш ҳам яхши натижа беради ёки узун новдаларни эгиб, ярус ҳосил қилинса, ундан куртақлар чиқа бошлайди.

Олча дарахти бошқа турдаги дарахтларга нисбатан кам буталади. Фақат зарур бўлганда қалинлашиб кетган шох-шаббалар, синган, қуриган ва қарий бошлаган шохлари олиб ташланади. Олча қариб, ўсиши сусайган ёки ҳосили камайиб кетган даврда дарахт ҳолатига қараб, уч-беш йиллик шохигача кесиб ёшартирилади. Тик ўсадиган навлар кўпроқ шохлари ёйилиб, косасимон ўсганлари камроқ кесилади.

Шафтоли дарахти экилган йили уч-бешта она шохдан шох-шабба ҳосил қилиб, косасимон шакл берилади. Шафтолининг кучли, баланд ўсадиган навларини шох-шаббаси тўрт-олти она шохдан иборат ўзгарган лидерли система бўйича ҳам шакл бериш мумкин.

Биринчи шох-35-40 см. баландликда, қолганлари бир-биридан 15-20 см. масофада бўлиши керак. Тўртинчи йили етакчи новда (лидер) кесиб ташланади. Шафтоли дастлабки йилларда тез ўсади, кўп шох чиқаради ва тез мева бера бошлайди. Шунинг учун дастлабки бир-икки йил давомида бир йиллик новдалар қисқартирилиб турилади ва шох-шабба сийраклаштирилади. Асосий шохларнинг учидан ўсиб чиққан узунлиги 50-60 см. ва ундан узун новдалар учдан бир қисмига ёки ярмига, калтароқлари эса чорак қисмига қисқартирилади. Ҳосилга киргандан сўнг шох-шаббаси сийраклаштириб турилади.

Республикамызда замонавий **интенсив боғлар** майдони йилдан-йилга ортиб

бормоқда. Интенсив боғларда экилган кўчатлар Ўзбекистон шароитида кучли ўсиши билан ажралиб туради. Шунинг учун кўчат экилган йилиёқ симбағазларни ўрнатиш зарур. Чунки ёзнинг иккинчи ярмидан дарахтларга шакл бера бошлаш керак бўлади. Интенсив боғларда дарахтларга асосан веретино (арча шаклида) усулида шакл берилади. Ушбу усул кўчатларда асосий миқдор новда қолдирилиб, ёнига кўпроқ новда беришга қаратилади, яъни шохлатилади. Шакл беришда кўчатнинг асосий лидер шохида штамби учун 50 см. қолдирилиб, ундан юқорисига 8-10 кўз қолдирилиб, ундан сўнг яна шип 3 та кўз қолдирилиб, ортиқчаси кесилади.

Веретино усулида шаклланадиган дарахтлар, асосан майда мева шохларда ҳосил беради. Шунинг учун улар сонини кўпроқ бўлиши аҳамиятлидир. Мева боғига экилган дарахтларнинг танаси симга боғланади.

Дарахтларда ўсиш жараёнида 3-4 та янги новда ҳосил бўлиб, маълум узунликда ўсади. Бу боғни иккинчи йили кесганда, авваламбор, марказий шох ажратиб олинади ва у 60 см. қилиб кесилади. Пастроқ жойлашган новдалар эса 4-6 тадан кўз қолдириб, пастки кўзгача кесилади (новда ғовлаб кетмаслиги учун). Марказий шохда 3-4 та ўсувчи новда пайдо бўлади, уларнинг марказини ажратиб олиб, қолганларини 4-6 та баргли бўлганда (15-20 см.) учидан чилпиб, мевали шохга айланттирилади. Бу жараён, ўз навбатида марказий шохда ҳосилли шохларнинг шаклланишига омил бўлади.

Март ойида боғларда дарахт қатор ораларини ҳайдаш, суғориш учун эгатларни олиш, дарахт тагларини ағдариб чопиш ишларини бажариш керак.

Ҳосилли боғ ва тоқзорларда эрта баҳорда озиклантириш учун минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли ўғит-120 кг., фосфорли ўғит 90 кг. ва калий ўғитидан 30-45 кг. бир гектарга (20-25 см. чуқурликда) солиб озиклантириш керак. Тупроқ унумдорлиги паст бўлган боғларда ҳосилдорликни ошириш мақсадида ушбу меёрни 20-30% га ошириш мумкин. Минерал ўғитларни органик ўғитлар билан қўшиб берилса, уларнинг самараси анча ошади.

Интенсив боғларда минерал ўғитлар ушбу боғларда оддий боғларга нисбатан 30-40% кўп бўлиб, улар бир неча муддатларга тақсимланиб берилади.

Март ойининг бошида боғларда мевали дарахтлар танаси оқланади. Бунда 10 л. сувга 2 кг. оҳакка 1,5 кг. тупроқ аралаштириб, дарахтларнинг танаси ва она шохларини оқлаш зарур.



Дарахтлар буталиб, шакл берилгандан сўнг ҳаво ҳарорати +5°C дан юқори бўлганда, дарахтлар куртақ чиқармасдан олдин уруғ мевали дарахтлар парша (қўтир), (монилиоз куйиш) монилиоз касаллигига қарши 3% ли Бордо суюқлиги ёки 5⁰ ли ООҚ билан жиққа ҳўллаб ювилади. 10-12 кундан кейин пуркаш ишлари такрорланади.

Данакли мева боғларида (ўрик, шафтоли, олхўри, гилос) монилиоз, клястероспориоз, гоммоз ва барг бужмалоқлигига қарши 5⁰ ли ООҚ ёки 3% ли Бордо суюқлиги (100 мл. сувга 3 кг. мис купороси ва 3 кг. сўнмаган оҳак қўшилади), 1% ли мис купороси ёки 2-3% темир купороси билан эрта баҳорда куртақлар бўртиш арафасида ишлов берилса бўлади.

Дарахтлар гуллаб бўлгач, Бордо суюқлигининг 1% лиги билан (100 литр сувга 1 кг. мис купороси ва





шунча сўнмаган оҳак кўшиб) пуркалади. Чуқур таъсир этувчи фунгицидлар яхши самара беради. Бунинг учун баҳорда дарахтлар гуллаб бўлгач Топсин-М (1л/га) препаратини 0,1% ли қилиб



сепилса, яхши самара беради. Байлетон (0,2-0,3 л/га), Фоликур (0,25 л/га), Вектра (0,3 л/га) препаратларидан ҳам фойдаланиш мумкун.

Янги боғлар барпо қилишда боғ атрофини ихоталаштириш ишларига катта эътибор бериб ниҳолларни шамоллардан ҳимоялаш зарур. Бунда янги боғ барпо қилишда уларни ҳимоя қиладиган терак, ўрик, жийда ёки ёнғоқ каби дарахт кўчатларини экиш ишларини олиб бориш керак. Ушбу дарахтлар боғларни қаттиқ шамоллардан, совуқ келиш йўлларида ҳимоя қилади.

Янги боғлар барпо этишда кўчат экиладиган майдонни танлаш, тупроқни 40-50 см чуқурликда ҳайдаш, текислаш, молалаш, кўчат экиш майдонини режалаш ва экишга тайёрлаш, экиш, ёш ниҳолларнинг танасини оқлаш ишларини сифатли бажариш зарур.

Мевали кўчатларни экишда уларнинг турлари, навлари ҳамда кўчатнинг пайвандтагига эътибор бериш керак.

Янги боғ барпо қилинган, экилган янги кўчатларга шакл бериш, боғ қатор ораларини ҳайдаш, дарахт тагларини чопиш, минерал ўғитлар солиш каби ишлар ўтказилади.

Резавор мевали ўсимликларда эрта баҳорда қулупнайзор қатор оралари ва туп атрофи юмшатилади. Март ойининг бошларида, тупроқ қуриши билан қулупнайзорда ўсимлик тупларининг эски



барглари тўплаб олиниб, даладан ташқарига чиқариб, ёқиб юборилади. Сўнгра ўсимлик қатор ораларига ишлов беришдан олдин минерал ўғитлардан 90 кг. азотли ва 50-60 кг.

фосфорли ўғит солиниб, юмшатилади, тупатрофи кўлда чопиқ қилинади. Орадан 20-25 кун ўтгач, иккинчи марта ишлов берилади, яъни қатор оралари ўтоқ қилиниб, юмшатилади.

Қорағатзорларда (смородина) эрта баҳорда қорағат тупларига шакл берилади. Бунда биринчи навбатда қуриб қолган, синган ва касалланган новдалари олиб ташланади. Тупдаги нимжон новда ва шохлари, ўсимликнинг асосий қисмини салқинлатиб қўядиган, ердан кўкариб чиққан бачки новдалари ҳам кесиб ташланади.

Қорағат тупидаги асосий ҳосил ўтган йили чиқарган новдаларида шаклланади. Йиллар ўтиши билан ўсимлик 2 ва 3-тартиб новда чиқаради, ҳосилнинг шаклланиши ҳам марказидан узоқлашиб боради. Новда чиқариш тартиби қанча кўп бўлса, туккан мевалари ҳам шунчалик майда бўлади. Шунинг учун 5 ёшга етган шохлар кесиб олиб ташланиб, ўрнига янги чиққан бир йиллик новдалардан 4-5 та қолдирилади. Ўсимлик 4-5 ёшга етганда, бир тупда ҳар хил ёшдаги новдалар сони 15-20 та бўлиши керак.

Қорағат тупларига шакл бериб бўлинган, қатор ораларига бир гектарга 120-150 кг. соф азот ҳисобида азотли ўғит солиниб, юмшатилади.



Малиназорларда эрта баҳорда қуриб қолган новдалари ҳамда кўп ўсган нимжон новдалари олиб ташланади. Қатор оралари 10-12 см, қатор ичи 4-5 см. чуқурликда юмшатилади.

Малиназорга асосан маҳаллий ўғит гўнг (10-15 т/га) ёки минерал ўғитлардан эрта баҳорда гектарига 150-200 кг. ҳисобида азотли ўғит билан озиклантирилади ҳамда суғорилади.

Токзорларда эрта баҳорда таъмирлаш ишлари, яъни темир бетон устунларни тўғрилаш, симларни тортиб чиқиш, устунлар тагларини зичлаш ишлари тугалланади.

Март ойининг иккинчи ярмидан, айрим ҳудудларда ойнинг охиридан кўмилган ток туплари очилиб, симбағазларга кўтариб боғлаш ишларини амалга ошириш зарур. Токзорларда ток ораларида қуриб қолган туплар ўрнини тўлдириш учун ток тупларида қолдирилган узун новдаларни пархама (пархиш) қилиб тўлдирилади.

Токлар симбағазларга кўтариб боғланган, қатор ораларига маҳаллий ўғитлардан гўнг: 10-20 т/га., минерал ўғитлардан соф ҳолда азотли 60 кг/га., калийли 30 кг/га. ҳисобида солиниб, қатор оралари ҳайдалиб, туп атрофлари юмшатилади.

Боғлар, резавор мевалилар, иссиқхоналарда цитрус ўсимликлари ҳамда токзорларда агротехник жараёнларни ўз вақтида, сифатли бажарилса, сифатли ва мўл мева-узум ҳосилини олишга замин тайёрланади.

Равшан АБДУЛЛАЕВ, қ.х.ф.н.,
Ҳилола АБДУЛЛАЕВА,
қ.х.ф.д. (PhD),
Академик М.Мирзаев
номидаги БУВаВИТИ.





Жиззах вилояти
 Қишлоқ хўжалиги
 бошқармаси юртимиз
 аграр соҳаси
 вакилларини
 Наврўзи айём
 билан муборакбод
 этади.

Ёшарини ва янгилашни
 дамлари қутлуғ
 бўсин! Халқимиз
 дастурхонини тўкин
 қилишдек масъулиятли
 ва шарафли ишингизда
 омад ёр бўлишига
 тилакдошимиз, азизлар!



Жиззах вилояти Қишлоқ хўжалиги
 бошқармаси жамоаси

АЁЛ — ЖАМИЯТ КЎЗГУСИ, ХОНАДОН ЧИРОҒИ

Сухбатдошимиз Барно МИРЗАМОВА 1975 йил 30 майда Наманган вилояти Уйчи тумани Ҳизробоҳ қишлоғида зиёли оиласида туғилган. Мактабни тамомлаб, Наманган муҳандислик институтида таҳсил олган. Бугунги кунда у Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси сифатида самарали фаолият юритиб келмоқда.



— Қишлоғимиз Норин дарёси бўйида жойлашгани боис, болалигим, ёшлигим ана шу дарё мавжлари билан ҳамоҳанг ўтган, — дея сухбатимизни бошлади Барно Косимбаевна. — “Ташкилотчисан-да”, деб кўйишарди кўп ҳолларда атрофимдагилар. Бу қобилият мактабда шаклланди, десам муболаға бўлмайди. Атрофимга иқтидорли дугоналаримни тўплаб, турли фан ва касб-хунар тўғарақлари ташкил қилиб, уларга раҳбарлик қилардим. Янги ғояларни илгари суриб ўқиш ва изланишдан куч олардим. Фермерлик соҳаси ҳаммаша мени ўзига оҳанрабодек тортиб турганини ўшандаёқ дилдан ҳис қилганман. Институтни тамомлаб, аграр соҳанинг чинакам инсонига айланишга ҳаракат қилдим. “Уйчи обод замин” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари бўлганимга қадар қишлоқ хўжалигининг барча заҳматларига елка тутдим. Онам шу соҳанинг мутахассиси бўлганлари туфайли менга ҳаммаша соҳага оид билим ва кўникмаларини ўргатишдан толмадилар. 120 гектар ер майдони билан ташкил қилинган фермер хўжалиги ер майдони бугунга келиб 300 гектарни ташкил қилмоқда. 250 нафар ишчини ўзида жамлаган фермер хўжалиги қошида ишлаб чиқариш корхонаси ҳам фаолият юритмоқда.

— Ҳозирда Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси аъзоси сифатида фаолият юритар эканман, қишлоқ хўжалиги соҳасини янада такомиллаштириш, унинг қонуний базасини мустаҳкамлашга қаратилган ғоя ва таклифларни илгари суришга ҳаракат қилмоқдаман, — дея давом этди сухбатдошимиз. — Озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизга яқини аграр тармоқда тайёрланади. Шунингдек, бу соҳа аҳолининг салмоқли қисми бандлигини таъминлаб келмоқда. Мустақилликдан сўнг қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашмоқда.

Сўнги уч йилда пахта ва ғалла етиштиришда давлат буюртмаси бекор қилиниши бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Аграр соҳанинг барча йўналишларида арзон кредитлар берилиши йўлга қўйилмоқда. Энг қувонарлиси, 12 мингдан зиёд фермер хўжалиги раҳбарларини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этса, 6 мингдан ортиқ фермер хўжалиқларига хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Республикаимизнинг барча ҳудудларида “Томорқа хизмат”лари ташкил қилинган.

Қонунчиликда ҳам аграр соҳага алоҳида эътибор қаратилганини қайд этиш жоиз. 2017 йилнинг ўзида қишлоқ хўжалиги соҳасига оид 5 та қонун, 20 дан ортиқ фармон ва қарор қабул қилинди, 2 та янги қўмита ва 3 та уюшма тузилди.

— Қишлоқ хўжалиги соҳасида фаолият юритаётган хотин-қизларнинг жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида фикр-мулоҳазаларингиз билан ўртоқлашсангиз.

— Бугун мамлакатимизда хотин-қизлар ва ёшлар масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилгани бежиз эмас. Уларнинг бандлигини таъминлаш, ўқишлари, муносиб иш шaroитларида фаолият юритишлари учун барча имкониятлар эшиги очиб берилган фикримиз ишбодидир. Муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 2021 йилнинг 26 февраль куни хотин-қизларнинг муаммоларини ҳал қилиш ва уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш масалалари муҳокама юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам айнан шу масалаларнинг ечимлари атрофлича муҳокама қилинган. Албатта, хотин-қизлар аҳолининг катта қисмини ташкил қилишини ҳисобга олсак, ижтимоий масалаларнинг аксарияти ҳам улар билан чамбарчас боғлиқлигини кўраимиз. Хонадонма-хонадон ўрганишларимиз давомида ишсиз хотин-қизларда мотивация уйғотиб, касбий кўникмалар шакллантириш, психологик, ҳуқуқий, тиббий ва молиявий кўмак бериш-

га ҳаракат қилишимиз ва, албатта, уларнинг аксариятида томорқачиликка, оилавий фермерлик соҳасига қизиқишларини уйғотяпмиз. Чунки, қишлоқ хўжалиги соҳаси айна пайтда хотин-қизларимиз учун етакчи даромад манбаига айланиб бормоқда. Хусусан, камбағалликни қисқартириш бўйича олиб бораётган ишларимизда айна шу соҳага кўпроқ суянаётганимиз бор гап. Кам таъминланган, ишсиз аёлларимизга кўмак сифатида фермер хўжалиқлари ер майдонларидан ажратилаётган маълум гектар ерларда бугун уларнинг бандлиги таъминланяпти. Шу билан бирга, улар оиласига даромад олиб қиряпти, дастурхони ноз-неъматлар билан тўлапти, рўзғори бутланяпти.

Ўзим ҳақимда тўхталар эканман, оилам ҳар бир ютуғимнинг эгаси эканлигини алоҳида қайд этишни истар эдим. Чунки аёл оиласида хотиржам ва бахтли бўлсагина, давлат ва жамият фаолиятида муносиб ўрин эгаллай олади. Бу маънода мен энг бахтиёр аёлман. Ҳар тонгни она-жонимнинг дуолари билан қарши оламан, фарзандларимга боқиб, умрим беҳуда ўтмаётганини ҳис қиламан, набираларим қалбим қувончлари...

Менга берилган бугунги имкониятдан фойдаланиб, барчани Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўз байрами муносабати билан муборакбод этаман. Аёлларнинг ҳар куни байрам бўлишга муносиб. Ардоқларнинг энг чўққисидадир аёл. Баҳор айёмлари муносабати билан юртимизнинг барча хотин-қизларига, энг аввало, мустаҳкам саломатлик, бекамукўст бахт, муваффақиятларга йўғрилган иш фаолияти ҳаммаша ҳамроҳ бўлишини тилайман.

— Мазмунли сухбатингиз учун миннатдорлик билдирар эканмиз, Сизни ҳам журналимиз таҳририяти номидан қўшалок байрам билан самимий табриклаймиз.

Сухбатдош: Маҳмудхон ТОИРОВ.

ҚИШЛОҚ АЁЛЛАРИ — ДАВЛАТИМИЗ ЭЪТИБОРИДА

Бугунги кунда республика иқтисодиётининг юксалиб бориши ва аҳолини озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссалари бор. Улар иқтисодиётнинг турли тармоқлари каби қишлоқ хўжалигида ҳам самарали меҳнат қилиб келмоқдалар.



Қишлоқ аёли деганда биз нафақат фермерлар ва томорқаларида меҳнат қилаётган аёлларни, балки қишлоқ жойларда истиқомат қилиб, ҳисобга олинмайдиган меҳнатлари орқали авваламбор ўз оиласини, қолаверса, аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашда иштирок этаётган заҳматқаш аёлларни кўз олдимизга келтираемиз.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган 20,7 млн. гектар ер майдонларидан 644 минг гектари томорқа ва боғдорчилик-сабзавотчилик уюшмаси ерлари ҳисобланиб, бу ер майдонларида асосан хотин-қизлар меҳнат қилади. Улар аҳолига мева-сабзавот, полиз, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда фаол иштирок этмоқдалар.

Қишлоқ жойларда инфратузилмаларнинг етарли даражада ривожланмаганлиги ва хотин-қизларга кўрсатилаётган хизматларнинг чегараланганлиги сабабли қишлоқ аёллари катта меҳнат эвазига деҳқончилик, чорвачилик ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан бирга ҳақ тўланмайдиган фарзанд тарбияси, рўзгор ишлари ва бошқа юмуш, вазифаларни ўз вақтида уддалайдилар. Қишлоқ аёллари оилавий мажбуриятларини бажариш учун шаҳарликларга нисбатан кўпроқ вақт ва меҳнат сарфлайдилар. Аксарият қишлоқ аёллари учун саҳарда нонуштага иссиқ нон ёпиш, сигир соғиб, оила аъзоларига сут ва қаймоқ тортиқ қилиш иш кунининг бошланиши ҳисобланади.

Шу боис, муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг қишлоқдаги ёшлар ва аёлларга қулай турмуш ҳамда меҳнат шароитларини яратиш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва олиб бораётган изчил сиёсатларини эътироф этган ҳолда бу йўналишдаги ҳаракатларимизни уйғунлаштиришимиз ва кучайтиришимиз лозимлигини қайд этмоқчиман.

Бугунги кунда қишлоқ аёлларининг билим ва кўникмаларини ҳамда моддий-техник ресурсларига эгаллигини ошириш, қарор қабул қилиш ва етакчиликда эркалар билан тенг шароитлар яратиш учун ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада

кучайтириш муҳимдир. Бу масалалар нафақат ишлаб чиқариш жараёнларига, балки уй хўжалиги юритишга ҳам бево-сита дахлдор.

Меҳнат бозорига аёлларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва ўз-ўзини банд қилишлари, агробизнесларини юритиш ва иссиқхоналар ташкил этишлари учун тегишли шарт-шароитлар яратилиши, хусусан, уларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, қишлоқда сервис хизматлари соҳаларини ривожлантириш долзарбдир.

Соҳада гендер тенглик ҳолатини ўрганиш ва гендер тенгликни таъминлаш учун фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг турли тармоқларида фаолият юритаётган хотин-қизлар тўғрисида чуқурлаштирилган статистикани йўлга қўйиш ҳам ўта муҳим.

Айтиш жоизки, ҳозирги кунда қишлоқ хўжалигини инновацион ривожлантиришда, соҳа учун малакали кадрлар тайёрлашда зиёли, олима аёлларимизнинг ҳиссаси ва имконияти катта. Масалан, селекционер олималаримиз томонидан 15 дан ортиқ гўза ва бугдой навлари яратилган.

Сўнгги йилларда хотин-қизлар ўртасида аграр таълимга ва илмга қизиқиш ортиб бормоқда. Бугунги кунга келиб, Тошкент Давлат аграр университети талабаларининг 33,6 фоизини, профессор-ўқитувчиларнинг 37,6 фоизини, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий-тадқиқот институтларидаги илмий ходимларнинг 41,5 фоизини хотин-қизлар ташкил этмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамда Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ҳамкорлигида амалга оширилаётган “Қишлоқ хўжалигида инклюзив сиёсатни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси доирасида соҳада гендер тенгликни таъминлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалигида инклюзив ёндашувни амалга ошириш ва гендер

стратегиясини ишлаб чиқиш қўллаб-қувватланмоқда. Натижада, қишлоқда аёллар бандлигини ошириш, малакали аёл кадрларни етиштириш ва лидерлик қобилиятларини намоён этиш имконияти кенгайди.

Мамлакатимиз аграр соҳа аёллари имкониятларини янада кенгайтириш ва уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2019 йилда соҳадаги етук олим ва профессорлар, етакчи фермер хўжаликлари раҳбарлари ташаббуси билан Ўзбекистон “Аграр соҳа аёллари” уюшмаси ва 2020 йилда эса унинг Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон ва Фарғона филиаллари ташкил этилди.

Уюшма аъзолари улар орасида фермерлар ва томорқачилар, соҳа профессорлари, доцентлар, ёш иқтидорли олима ва магистрантлар ҳамда қайта ишловчи саноат корхоналари вакиллари бор.

Уюшма ўзининг салоҳиятли аъзолари ва фаоллари билан биргалликда жамиятда аграр соҳадаги аёлларнинг мавқеини янада ошириш, уларнинг мамлакат иқтисодиёти ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги иштирокини кучайтириш, қишлоқ аёлларининг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлаш ва соҳада гендер тенгликни таъминлаш борасидаги ишларини давом эттириб, бу борада давлат ва халқаро ташкилотлар ҳамда нодавлат ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишга интиломоқда.

Фурсатдан фойдаланиб, Уюшмамиз номидан аграр соҳада самарали фаолият юритаётган фидойи аёлларимизни қўшалоқ баҳор байрамлари билан сизқидилдан муборакбод этаман. Барчага тинчлик-тотувлик, мусаффо осмон, дастурхонимиз бунданда тўкин-сочин бўлишини тилайман.

Адиба АХМЕДЖАНОВА,
Ўзбекистон Аграр соҳа
аёллари уюшмаси раиси,
қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

ЖЕНЩИНА, ПОСВЯТИВШАЯ СЕБЯ НАУКЕ

— Мы стараемся привлекать к научной, инновационной деятельности молодёжь. Наши бакалавры и магистры столько получают сертификатов и почетных грамот, что они не помещаются в двух шкафах и я демонстрирую их только за последние два года, иначе для них просто нет места, благо мои ученики пополняют их ежегодно. Наша молодежь – талантливая, об этом свидетельствует весь мой 40-летний опыт работы в вузе, — говорит наша собеседница, доктор биологических наук, профессор Ташкентского Государственного Аграрного Университета **АЛЕВТИНА КОЖЕВНИКОВА**.

— Уважаемая Алевтина Григорьевна, в начале беседы расскажите пожалуйста о себе, почему Вы выбрали именно эту профессию?

— Я родилась в Самарканде. Мой отец Григорий Карпович Дубовский, биолог-энтомолог, работал в Самаркандском государственном университете. Затем его перевели в Андижанский педагогический институт (ныне Андижанский государственный университет) на должность доцента. Он стал первым профессором Андижанского государственного университета, Заслуженным работником народного образования, кавалером ордена «Дружбы народов». За долготлетнюю и безупречную работу, активное участие в совершенствовании и подготовке высококвалифицированных кадров, вклад в науку награжден почетными грамотами Правительства и Верховного Совета Республики, Почётной грамотой Министерства просвещения. Он опубликовал более 300 научных статей, выпустил 4 монотематических сборника научных работ, издал 4 учебных пособия, в том числе учебное пособие в трех томах – «Зоологиядан ўқув кулланма» и др. Как учёный он описал для науки свыше 500 видов цикадовых, выпустил монографию «Цикадовые Ферганской долины», подготовил десять кандидатов и докторов наук. До последних дней жизни он работал заведующим кафедрой «Зоологии» Андижанского государственного университета. А для меня он был просто уважаемый и любимый отец и благодаря ему я выбрала свою профессию. Кроме того, у меня были отличные учителя и наставники: мой руководитель Султан Нурматович Алимухамедов, Евдокия Афонасьевна Попова, Алишер Аулиянович Мухаммадиев, Алексей Алексеевич Кан, Абдураим Худайбердиевич Мамадалиев, Толий Солиевич Худайбердиев и другие. Им принадлежит моя громадная благодарность и уважение.

— Каким вопросам были посвящены Ваша кандидатская, докторская диссертации?

— Кандидатскую диссертацию я защитила на тему: «Цикадовые (Auchenorrhyntha) - Северного Узбекистана и биология видов,

повреждающих хлопчатник», а докторскую диссертацию на тему: «Цикадовые (Auchenorrhyntha) - вредители сельскохозяйственной культуры Узбекистана». Названия диссертационных исследований говорят сами за себя. Мы с моим научным руководителем академиком Султаном Нурматовичем Алимухамедовым выбрали научную работу, имеющую не только научное, фундаментальное, но и практическое значение. Научная работа должна приносить пользу, в первую очередь своей стране, и интересоваться научным миром других стран. Мною впервые были определены более 70 новых видов цикадовых – вредителей сельскохозяйственных растений.

— Ваши научные труды... Преподавательская деятельность.

— Я имею около 600 научных и методических работ, в том числе более 400 научных трудов, 5 монографий, 6 учебников, 2 учебных пособия, 2 изобретения и 4 инновации, 50 рекомендаций, свыше 100 методических указаний и др. Постоянно печатаюсь в международных и республиканских научных журналах. За время своей трудовой деятельности работала ассистентом, старшим преподавателем, заместителем декана заочного и очного отделений, деканом заочного факультета, заведующей кафедрами «Защита растений», «Агрохимии, почвоведения и защиты растений», «Защита растений и карантин», затем профессором кафедры, проводила занятия на Государственном языке и в интернациональных группах. В настоящее время являюсь официальным оппонентом в Институте Зоологии и членом Семинара по защите докторских диссертаций этого института. Под моим руководством подготовлены более 130 выпускных работ, 17 магистерских диссертаций, 2 докторские диссертации.

— Над чем Вы работаете сейчас?

— В настоящее время я читаю лекции, провожу лабораторно-практические занятия в интернациональных группах по дисциплинам кафедры, руковожу выпускными работами студентов, магистерскими



и докторскими диссертациями, организую и провожу научно-исследовательские работы. Основными направлениями моей научной деятельности является изучение вредителей и переносимых ими болезней сельскохозяйственных культур, разработка наиболее эффективных и экологически безопасных мер борьбы с ними. Особое внимание уделяю изучению устойчивости новых сортов и линий к насекомым-вредителям и болезням. Основными направлениями и задачами наших исследований в области защиты растений является разработка методов экспресс диагностики вредителей, освоение природных ресурсов энтомофагов и разработка новых биологических средств защиты растений на основе изучения энтомофагов. Исследования в области разработки методов экспресс диагностики вредителей нами проводятся с широким выбором сосущих вредителей, в частности различных видов полужесткокрылых, цикад и др. С результатами своих исследований я регулярно выступаю с докладами на различных международных, республиканских и региональных онлайн конференциях.

— Ваши пожелания читателям нашего журнала в связи с предстоящими весенними праздниками...

— В связи с Международным днём женщин — 8 марта и праздником «Навруз» я всем желаю мира и согласия, счастья, крепкого здоровья и, конечно же, семейного благополучия и благоденствия.

— Мы в свою очередь желаем Вам дальнейших успехов в Вашей научной и преподавательской деятельности.

Беседовал: **Азамат ТАИРОВ**,
наш корреспондент.

ИЛМДА ОЛИМА, ҲАЁТДА ОҚИЛА!

Меҳр ва садоқат ҳақида гапирар эканмиз, ўзининг ҳар бир кунини илмга ва оиласига бағишлаган заҳматқаш, талабчан, чеҳраси ойдин аёллар сиймоси кўз олдимизда гавдаланади. Инжа ташбехлар, ёрқин таассуротларимизни онажонларимизга, опагон ва сингилжонларимизга бағишлагимиз келади. Худди баҳор каби жилва қилиб тургучи бу моҳитоблар 8 март — Халқаро хотин-қизлар кунини янада гўзаллашиб кетади, гўё. Шундай замондошларимиздан бири олима, Урганч Давлат университети табиий фанлар факультети биология кафедраси доценти Интизар Исмаилова билан суҳбатимиз унинг ҳаёти, фаолиятига бағишланди.



— Интизар Исмаиловна, дастлаб ўзингиз ҳақингизда қисқача сўзлаб берсангиз.

— Мен 1977 йилда Хоразм вилоятининг Хонқа туманида туғилганман. 1999 йилда Урганч давлат университети табиатшунослик факультети биология йўналишини муваффақиятли тамомладим ва бугунги кунда шу йўналишда илмий изланишлар олиб бормоқдаман.

— Нима учун айнан шу касбни танладингиз?

— Биология фанига болалигимдан қизиқишим катта бўлган. Қолаверса, ўсмирлик даврларимиздан пахта териб улғайдик. Шундан бўлса керак, ғўза ўсимлигига меҳрим бўлакча. Пахтанинг униб чиқишидан тортиб ҳосилини йиғиб олишгача бўлган даврни кузатиб чарчамайман.

— Илмий ишларингиз айнан қайси мавзуга бағишланган?

— Ўсимликшунослик фанининг нозик жиҳатларини ўрганишимда устозим Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Ғойибназар Сатиповнинг қизиқарли ва сермазмун дарслари туртки бўлди. 2006 йили унинг раҳбарлигида “Хоразм воҳаси ўтлоқ-аллювиал тупроқларида “Хоразм-127” ва “Хоразм-150” навларини кўчат қалинлиги, озиклантириш, суғориш меъёрларининг ўсиш ва ривожланишига таъсири” мавзусида номзодлик диссертациямни муваффақиятли ҳимоя қилдим. Ўтган йили Ўсимликшунослик ихтисослиги бўйича доцент илмий ишларини олишга сазовор бўлдим.

— Илмий ва амалий фаолиятингизда қандай қийинчиликлар билан тўқнашдингиз?

— Қийинчиликлар бўлиши табиий. Иш фаолиятим баробарида оилали, фарзандли бўлдим. Фарзанд тарбиясида онам кўмаклашди. Илмий ишим юзасидан сафардалигимда ҳамма оғирлигим онажонимга тушган. У киши фарзандимни боқиш билан бирга, ўзининг шифокорлик вазифасини ҳам давом эттирди. Оналарнинг фидоийлигини, меҳри дунёлигини ўз онам тимсолида кўрдим. Шунинг учун онажонларимиз олдида бош эгиб таъзим қиламан.

— Илмий мақолаларингиз, ўқитувчилик фаолиятингиз ҳақида ҳам тўхталсангиз...

— Фаолиятим давомида устоз-шогирдлик анъаналарига амал қилиб, иқтидорли ва магистр талабалар билан илмий изланишлар олиб бормоқдамиз. Ҳозиргача

**Муқаддас аёлсан, дунё таниган,
Илмда, амалда меҳринг бир ёлқин.
Сиймонгда нурланар қуёшга инган
Инжа садоқатдан минг тутам тўлқин!**

илмий ва хорижий журналлар тўпламларида 20 дан ортиқ мақолалар, 60 дан зиёд тезис, иккита ўқув услубий қўлланма ва битта тавсияномаларим эълон қилинди. Яқинда биология, агрономия ва тупроқшунослик йўналиши талабалари учун “Ўсимликшунослик” номли ўқув услубий-қўлланма нашрдан чиқди.

— Бугунги кунда нималар устида иш олиб бораёсиз?

— Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йилнинг 29 декабрида Олий Мажлисга Мурожаатномасида қишлоқ хўжалиги соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш борасида илғор технологияларни жорий этиш озик-овқат хавфсизлигини таъминлашда энг муҳим вазифа эканлигини таъкидлади. Яна сув тежайдиган технологиялар жорий этиладиган ер майдонларини беш баробар кўпайтириш масалаларига эътибор қаратди. Шу муносабат билан бизнинг биология кафедраси профессор ва ўқитувчилари бир қатор илмий изланишлар олиб бормоқдамиз. Жумладан: “Гурлан”, “С-8294”, “Омад”, “Хурмо” ғўза навларидан юқори ҳосил олишда сув ва ўғитни тежаш, тежамкор технологияларни қўллаш, тежамкор технология асосида шולי етиштириш, суғориладиган ва томорқа ерларидан бир вақтнинг ўзида икки, учта экиндан юқори ва сифатли ҳосил олиш агротехникаси, янги истиқболли жавдар навлари, буғдойдан тежамкор технология асосида ўғитни тежаб юқори ва сифатли ҳосил олиш бўйича илмий ишлар олиб борилмоқда. Шунингдек, “Ўсимликшунослик” ўқув дарслигини янги тажрибалар асосида тўлдириб, қайта нашр қилиш ниятидамиз. Бир вақтнинг ўзида докторлик диссертациям бўйича илмий ишларни давом эттирмоқдаман.

Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Суҳбатдош: Шукуржон ЖАББАРОВА,
ўз муҳбиримиз.

ФЕРМЕР РАЪНО ОПА



Аёл – меҳрибон она, вафоли ёр, яратганнинг буюк мўъжизасидир. Ҳаёт давомийлигини ўзида мужассам этган аёл зотини, табаррук оналарни қанча улуғламайлик, сўзимизнинг адоғи топилмайди. Сўлим баҳорнинг кўнгилларни илиқ туйғуларга тўлдирган гўзал айёми – 8 март санаси ҳар йили мамлакатимиз бўйлаб кенг нишонланиши ҳам назокатли опа-сингилларимизга бўлган алоҳида эътибор ва ҳурмат намунаси. Ўзининг латофати, нафосати, вафо ва садоқати, қалб саховати ҳамда фидойилиги билан оилани, жамиятни чароғон қилиб келаётган хотин-қизларимиз ҳар қанча эъзоз ва эҳтиромга муносибдир. Юртимизнинг барча ҳудудларидаги каби Навоий вилоятида ҳам, яратилган имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда асосий вазифа – фарзанд тарбиясидек мураккаб ва шарафли вазифани адо этиш билан бирга, жамиятнинг турли соҳаларида фидокорона меҳнат қилишаётган аёллар учун барча шарт-шароитлар яратиб берилган.

Юртимизда бошқа кўплаб касб эгалари қатори фермер аёллар ҳам фидойилик билан фаолият юритмоқда. Бугун шубҳасиз уларнинг манфаатларини муҳофазалашнинг тегишли ҳуқуқий асоси яратилган. Натижада фермер аёллар пахта, ғалла етиштиришда, умуман, қишлоқ хўжалигининг турли йўналишларида катта муваффақиятларга эришмоқда. Самарадорликнинг ошиб бориши аёлларимизни ўз фаолияти кўламини янада кенгайтиришга ундамоқда. Ўз хўжалигида қайта ишлаш, хунармандлик, тикувчилик цехлари очган ҳамда касаначиликни йўлга қўйган мулк соҳибалари талайгина.

Қизилтепа туманининг Ўртачўл ҳудудида 22 йилдан буён, “Валиобод” фермер хўжалигини бошқариб келаётган “Эл юрт ҳурмати” ордени соҳиби Раъно Валиева ҳам меҳнатидан барака топди. Ҳозирда опа 151 гектар экин майдонида деҳқончилик қилиб, кўпчиликка ўрнак бўлиб келмоқда.

— Юртимиз хотин-қизлари барча жабҳада ўз фаоллигини намоён этмоқда, — дейди Раъно Валиева. — Фермер хўжалигимизда 52 гектар ғалла, 30 гектар пахта майдонида деҳқончилик қиламиз. Техника ва ишчи кучимиз етарли. Хўжалигимизда янги янги тармоқларни ишга туширмоқдамиз. Очиғи, илгари оддий қишлоқ

аёлининг мулк эгаси бўлиб, бундай ишларни амалга ошира олишини тасаввур ҳам қилиб бўлмасди.

Хўжалик чўл ҳудудида жойлашган бўлиб, шароит бирмунча оғир. Бу шароитда айниқса сув ресурсларидан самарали фойдаланишда, иқтисод қилинишида самарали усул ва илғор технологиялардан, хусусан, томчилатиб суғориш тизимидан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади. Шу сабаб жорий йилда фермер хўжалигидаги барча пахта далаларига томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилар экан.

— Аёл бўла туриб қарийб эллик чоғли ишчи-ходимни юқори ҳосил, эл манфаати йўлида бошини бириктириб туришнинг ўзи бўлмайди, албатта. Агар давлатимиз бизни кўплаб-қувватламаса, бугунгида натижаларга эришмаган, кўзланган ҳосилни ололмаган бўлардик, — дейди фермер янги тизим ҳақида гапирар экан. — Ҳозирги пахтачилик кластери тизими яратилгани деҳқонларнинг эртанги кунига бўлган ишончини янада оширди. Хом ашёнинг олувчиси аниқ, териб олиш бўйича ҳам,

теримчиларнинг иш ҳақларини беришда ҳам муаммолар, ортиқча бош қотиришлар ўз-ўзидан барҳам топди.

Бугунги кунда қишлоқ хўжалигида етакчи кучга айланган фермерлар нафақат пахта ва ғалла етиштиришнинг жонкуяри, балки кам таъминланган оилаларга меҳр-мурувват кўрсатаётган, ободончилик ишларида фаол қатнашаётган саховатпеша инсонлар сифатида ҳам эл-юрт дуосини олмоқда. Раъно Валиева раҳбарлик қилаётган фермер хўжалиги туман касалхонасини таъмирлашга кўмаклашди. Кўп болали оилаларга қорамоллар тарқатиш, кам таъминланган оилаларга кийим-кечак, озиқ-овқат маҳсулотлари етказиб беришда ҳам наъмуна кўрсатди.

Авалло, оила, шу қаторда жамиятга ҳам файз киритадиган, хонадонларни меҳр-муҳаббат, эзгулик нури билан мунаввар этадиган бундай фидойи хотин-қизларимизнинг эзгу ишлари, умр йўллари барча аёлларимизга йўлчи юлдуз бўлса не ажаб.

Шухрат НОРМУРОДОВ,
ўз мухбиримиз.

АМЕРИКАЛИК МЕҲМОННИНГ ЭЪТИРОФИГА САЗОВОР БЎЛГАН АЁЛ



Ўзбекистон Ахборот агентлигининг интернет сайтыда эътиборни ўзига тортадиган бир янгилик чоп этилди. Унда Шароф Рашидов туманидаги “Холмўминов Зоҳид” кўп тармоқли фермер хўжалигига АҚШнинг Ўзбекистондаги элчи-хонаси жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг раҳбари Алексис Салливан хоним ташрфи буюргани ҳақида хабар берилган эди.

Шубҳасиз, нуфузли меҳмонни Жиззахга келишга ундаган нараса – бу кўп тармоқли фермер хўжалиги ва унинг раҳбари – “Шухрат” медали соҳиби Шарофат Нориева томонидан қўлга киритилаётган меҳнат натижалари довуғи эди. Зеро, оддий ўзбек аёли томонидан ташкил қилинган, бошида гулчиликка ихтисослашган кичкина меҳнат жамоаси 15 йилга яқин муддат ичида йирик хўжалик субъектига айлангани, ушбу жамоа аъзолари бугунги кунда гулчилик билан бир қаторда пахтачилик, ғаллачилик, балиқчилик, паррандачилик (товуқчилик, беданачилик), қуёнчилик, эчкичилик соҳаларида ҳам яхши натижаларга эришиб келаётгани борасидаги маълумот республика статистик идоралари маълумотларида ўз аксини топган эди.

Салливан хоним Жиззахга ташрифи давомида Шарофат Нориеванинг нафақат аграр соҳада фаолият юритаётгани, балки яна тикувчилик, эшик-дераза ромлари яшаш цехлари барпо этгани, унинг раҳбарлигида давлат-хусусий шериклик асосида 2 та мактабгача таълим ташкилоти, замонавий қаҳвахона ишлаб турганига гувоҳ бўлди. Туманнинг “Олмачи” маҳалласида ташкил этилган мўъжазгина кутубхона ҳам фермерга тегишли экани, энг аҳамиятли томони, илк бора атиги 3 киши билан иш бошлаган қишлоқ тадбиркори бугун 80 кишини доимий, 200 кишини эса, мавсумий иш билан таъминлагани Алексис Селиваннинг эътиборини ўзига тортди.

Ушбу факт ва рақамларнинг ҳақиқатига шахсан икром бўлган аме-

рикалик меҳмон хайратини яшириб ўтирмади. Салливан хоним ўзига ҳамроҳ бўлган мулозимлар ва оммавий ахборот воситалари ходимларига “Шарофат фермернинг ишлари, у эришаётган натижаларни кўриб, жуда илҳомландим. Унга хавас қилиб, менинг ҳам фермер бўлгим келаяпти!” дегани ҳам буни тасдиқлайди.

– Фермерчилик соҳасидаги бугунги имкониятлар, шарт-шароитлар билан бундан 15-20 йил ҳолатни асло таққослаб бўлмайди, – дейди Ш.Нориева. – Ўзингиз ўйланг, авваллари оддий бир фермер туман ҳокими, прокурори ёки ички ишлар идораси раҳбари олдига ўз муаммосини кўтариб кириши мумкинмиди?! Ҳозир эса, сектор раҳбарларининг ўзи сизни излаб келишади: “Нима камчилигинг бор, ким сенга ишлашга тўсқинлик қилмоқда, янги режа ва лойиҳалар учун қанча кредит керак”, деб сўрашмоқда, бу борада бирон бир масала бўлса, шу ерда, шу оннинг ўзидаёқ ижобий ҳал бўлмоқда.

Шарофат Нориева Президентимизнинг бевосита эътибори натижасида амалга ошаётган ана шу имкониятлардан оқилона фойдаланмоқда. Ўтган йили ўғли Зоҳидбекнинг 17 гектар ер олиб, “Ёшлар кооперацияси” ташкил қилишига бош-қош бўлди. Маҳалланинг кам таъминланган оилаларининг 15 нафардан ортиқ йигит-қизлари бу ҳудудда деҳқончилик билан шуғулланиб, икки-уч марта ҳосил олишди, хонадонлари бюджетини мўмай даромад билан тўлдиришди. Шарофат фермер, шунингдек, 50 нафар ён-атрофидаги қўни-қўшни аёлларни жамлаб, улар

билан ўзининг томорқадан фойда олиш сирлари билан ўртоқлашди. Техника, уруғ, эҳтиёжмандларга ишчи кучидан ёрдам берди.

– Австралиядан сўт беришга мослашган 400 бош зотдор эчкилар олиб келдик, – дейди Ш.Нориева. – Уларнинг 50 бошини “Темир дафтар”га киритилган оилаларга бўлиб бердим. Яқинда эчки сутини қайта ишлашга мўлжалланган мини заводимиз ишга тушади. Фермамиз ва эчки тарқатилган ҳодадонларнинг сутини қайта ишлаб, камида 15 хил парҳезбоп маҳсулот тайёрлашни кўздаб турибмиз

...АҚШнинг Ўзбекистондаги элчи-хонаси жамоатчилик билан алоқалар бўлимининг раҳбари Алексис Салливан хонимга “Холмўминов Зоҳид” фермер хўжалиги даласида ана шулар ҳақида батафсил маълумот берилди. Нуфузли меҳмон хўжалик раҳбари Шарофат Нориева мисолида ўзбек аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеи кундан кунга ўсиб бораётганига, Ўзбекистон Президентининг Олий Мажлисга йўллаган мурожаатидаги “Жамиятимизда аёллар ўрни ва нуфузи оширилади”, деган сўзлар амалда ўз тасдиғини топаётганига ишонч ҳосил қилди.

Худойберди КАРИМОВ,
ўз мухбиримиз.

Суратда: Шарофат Нориева ҳамда Алексис Селливан (чапдан учинчи ва бешинчи) “Холмўминов Зоҳид” фермер хўжалиги аъзолари билан эсдалик учун суратга тушишди.

КЎКЛАМГА ПЕШВОЗ

Қорақолпоғистоннинг Беруний туманидаги Беруний ММТП худудидаги фермер хўжаликларида фақат пахтачилик эмас, балки қишлоқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқлари ҳам янада ривожланиб бормоқда. Пахтачиликдан ўтган йил 4000 тоннадан зиёд ҳосил олиниб, режа республикада биринчилардан бўлиб уддаланди. Давлатга режадагидан кўпроқ гўшт, сўт, полиз, савзавот, боғдорчилик, паррандачилик маҳсулотлари, балқ ва асал ҳам топширилди.

Албатта, бу борада пахта ҳосили етиштиришга ихтисослашган 31 тадан зиёд фермер хўжаликларининг 4000 тонналик “Оқ олтин” хирмон уйгани мақтанса арзиғулик ишдир. Бу улкан хирмонни барпо этишда “Олмосбек Тўлқинжон ўғли” фермер хўжалигининг алоҳида ҳиссаси бор. Ёш деҳқон Тўлқинжон Жумамурадов раҳбарлигида мазкур хўжалик кейинги йилларда илғорликни қўлдан бермай келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хўжаликнинг 104 гектар майдони бор. Пахтачиликдан ташқари, ғаллачиликка 15 гектар майдон ажратилган. Ички эҳтиёж учун полиз-савзавотчилик билан ҳам шуғулланади. Ўтган йили давлатга 60 гектар ердан 200 тоннага яқин пахта, 15 гектар ерда 20 тонна ғалла топширди. — Ёмон ер йўқ, — дейди фермер. — Агар каловини топсанг қор ҳам ёнади. Баъзи ҳамкасбларим ерим талабга жавоб бермайди, шўрхок, ҳосилдорлиги паст деб ёзғиришади. Бу нотўғри фикр,

аслида ёмон ер эмас, ёмон деҳқон бор. Она заминни қанча эъзозласанг, бу тупроқни қанча кўзинга тутиё қилсанг, у сендан ўз эҳсонларини аямайди. Биз билан бир ҳудудда жойлашган “Йўлдош катли” ва “Бийбозор ҳосили” фермер хўжаликлари ҳам худди шу йўсинда иш юритганликлари туфайли 2020 йилда пахта ва ғалладан мўл ҳосил етиштириб, режаларини сентябрь ойининг иккинчи ўн кунлигида уддаладилар.

Шу мақсадда ҳосили йиғиб-териб олиниб, текисланган 1700 гектар ер майдони чуқур шудгор қилинди. 2500 гектардан кўпроқ ер майдонининг шўри ювилди. Чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари аъзолари жониворларни қишдан тўқ ва соғлом олиб чиқиш учун ғайрат камарини маҳкам боғлаганлар. Ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари эса кузги буғдой майсаларини юксак агротехника қоидаларига биноан парваришлаб, яхоб сувига қондиришмоқ. Ерлар маҳаллий ўғит билан ҳам озиклантириляпти.

БЎЗАТОВДА ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

Кейинги йилларда мамлакатимизнинг шимолида жойлашган Қорақолпоғистон Республикасида етти хазинанинг бири чорвачилик ҳам жадал ривожланиб, мўл-кўл чорва маҳсулотлари етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, бу борада Президентимизнинг “Қорақолпоғистон Республикасида чорвачилик тармоқларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори дастуруламал бўлиб хизмат қиляпти.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур қарор асосида Қорақолпоғистоннинг Мўйноқ, Бўзатов, Тахтақўпир ва Қўнғирот туманлари чорвачиликка ихтисослаштирилди. Мақсад аниқ – мамлакатимиз озик-овқат хавфсизлигини таъминлаш ҳамда шу асосда аҳолининг чорвачилик маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш. Жорий йилда ана шу улуғвор вазифаларни амалга ошириш учун барча турдаги хўжаликларда 141,7 тонна гўшт, 404,1 минг тонна сўт, 444,3 минг дона тухум, 25 минг тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилади.

Шу ўринда хўш, бунга давлат томонидан қанча маблағ ажратилган, деган ҳақли савол туғилиши мумкин. Республика қишлоқ хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, шу мақсадга 990 млрд 116 миллион сўм ажратилган. Бу маблағнинг 217 млрд сўми банк кредити ҳисобидан. Бугунги кун ҳолатига кўра Европа давлатлари – Венгрия, Чехия, Литва, Германия, Эстония, Польша ва Россиядан жами 7 минг 551 бош насли қорамол олиб келинди. Уларнинг 5 минг 258 боши йирик шохли қорамол, 2 минг 993 боши майда шохли қўй-эчки. Бу ҳам ҳаммаси эмас. Юқорида айтиб ўтилган туманларга чорва моллари учун зарур бўлган озукабон экинларни экишга ва чорвачилик комплексларини ташкил этишга 20 минг 494 гектар ер майдони ажратилди. Шунинг 7235 гектари экиладиган ерлар, 13 минг 259 гектари яйловлардир.

Айни кунларда, чорвачиликка ихтисослашган Мўйноқ, Бўзатов, Тахтақўпир ва Қўнғирот туманларида қорамоллар асраладиган комплекслар, чорвадорлар уйлари, силос ўралари, сўт тайёрлаш цехлари, ёш чорвадорлар малакасини ошириш маркази, ветеринария хизмати объектлари ва бошқа объектлар қурилиши бошланди ва белгиланган ер майдонларига озикабон экинлар экилиши жадал суръатларда давом этмоқда.

Бу ишлар, айниқса, Бўзатов туманида намунали олиб бориляпти. Туманда ана шу мақсадда 54,8 млрд сўмлик лойиҳалар амалга оширилиши кўзланган ва 127та янги иш ўрни яратилиши белгиланган. 1800 бош наслдор қорамол, 775 бош қўй-эчки, 5000 бош парранда олиб келинди. Балиқчилик, асаларичилик ҳам белгиланган лойиҳалар асосида ривожлантирилади. Бунинг учун 37 гектар сунъий қўл, 90 қути асалари уяси ўрнатилди. Йилги 150 тонна сутни қайта ишлаш заводи, 6 та замонавий чорва комплекси қуриб фойдаланишга топширилди. Бундай ишлар республикамизнинг нафақат чорвачиликка ихтисослашган туманларида, балки пахтачиликка ихтисослашган туманларида ҳам жадал суръатларда давом эттирилмоқда.

Бўзатов тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими бошлиғи Н. Назаровнинг бизга берган маълумотларига қараганда, туманда жорий йилда 3414 тонна гўшт, 10198 тонна сўт, 12 тонна асал, 93 тонна балиқ етиштирилди.

Бўзатов тумани бекорга Қорақолпоғистоннинг Швецарияси деб аташмайди. Бу ерда ўсган асрий тўронғилу, оқ тераклар, бошқа дов-дарахтлар киши ҳавасини келтиради. Кўз илғамас майдонлардаги ўрмону тўқайзорлар ҳар хил ёввойи ҳайвонлар, қушлар маконидир. Қадимдан Бўзатовда аҳоли чорвачилик ҳамда овчилик билан шуғулланиб келишган. Об-ҳавоси мўътадил, одамлари меҳнатқашдир.

Рейимбай ҚОЗОҚОВ,
ўз мухбиримиз.

КЎЧАТЧИЛИК ДАРОМАДЛИ СОҶА



Биз Фарғона вилоятининг Кува туманида жойлашган Академик М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик ИТИнинг Фарғона ИТС раҳбари Ахлиддин Машрапов билан суҳбатда бўлдик.

— **Собиқ иттифоқ даврида кўчатчилик ва уруғчилик каби соҳаларда анчайин сусткашликларга йўл қўйилди.**

— Албатта, ўша даврлар оралиғида соҳага бўлган эътиборсизлик натижасида етиштирилган янги-янги навлар рўйхатга олинмади. Уларни республикамиз бўйлаб тарқалишида ҳам сусткашликларга йўл қўйилди. Бунинг замирида, менимча, жуда катта майдондаги боғдорчилик хўжалиklarини қисқартирилиши ётса керак.

— **Сизни Фарғона аҳолиси мустақил тадқиқотчи сифатида ҳам яхши билади.**

— Мана бир неча йиллардан буён ўз соҳам бўйича илмий изланишлар олиб бораман. Ҳозирда ўсимликларни ҳимоя қилиш ихтисослиги бўйича қишлоқ хўжалиги бўйича фалсафа доктори илмий даражаси олиш учун “Анор биоценузида учрайдиган зараркундаларни биологияси ва уларни бошқариш усуллари” мавзусида илмий иш бошлаганман. Бу соҳада ўзбек олимларидан ҳеч ким илмий изланиш олиб бормаган экан. Фақат Россия Федерациясида бу иш амалга оширилган. Бизнинг иқлимимиз тубдан фарқ қилганлиги сабаб, тажрибаларни аста-секинлик билан амалга ошириб боряпман. Мақсадим жаҳонда анор брендини яратиш.

— **Кейинги йилларда чет давлатлардан мевали ва манзарали дарахтлар кўчатларини кириб келиши кузатилмоқда. Бу ҳолатга сиз қандай қарайсиз?**

— Албатта, чет давлатлар тажрибасини ўрганишимиз ва оммалаштиришимиз

Сайёрамизнинг барча мамлакатларида аҳолини арзон ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш устувор вазифа саналади. Қайсики юрт раҳномолари ушбу вазифага маъсулият билан ёндошса, албатта, ўша давлатда фаровонлик ва тўкин-сочинлик бўлади. Бу борада бизнинг юртимизда ҳам катта ислохотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш ва ўрганган билим ҳамда тажрибаларни мамлакатимизда қўллашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Натижада ички бозорларимиз тўкин бўлиб, юртимиз мева маҳсулотларини чет давлатларга экспорт қилувчи давлатлар сафидан мустаҳкам жой олиб бормоқда.

керак. Лекин кенг кўламда юртимизга кириб келишига эҳтиёткорлик билан ёндошимиз зарур. Сабаби, кўчатлар билан биргаликда турли хил касалликлар ва вируслар кириб келади. Юртимиз чегара пунктларида назорат масканлари бор. Аммо барча кўчатларни бирма-бир кўриб, текшириб чиқишнинг иложи йўқ. Шунинг учун кўпгина давлатлар четдан уруғлар ва кўчатларни кириб келишига чекловлар қўйишган. Шунинг учун юртимизда соҳани ривожлантириб, янги серхосил кўчат навларини ўзимиз яратишимиз ва халқимизга арзон нархларда етказиб беришни йўлга қўйишимиз зарур.

Яқинда давлатимиз раҳбариятига таклиф билан чиқдик. Чет давлатларга экспорт қилинаётган маҳсулотларимизнинг айнан қайси нави талаб катта? Масалан, божхонада олмами, устига “Олма” деб ёзиб қўйишади. Нави ёзилмайди. Агар қайси нав экспорти яхши эканлигига ҳам аниқлик киритилса, халқимиз ўша харидоргир навни экишга ва кўпроқ ҳосил олишга ҳаракат қилади. Даромад ҳам шунга яраша бўлади.

— **Маълумки, халқимиз омилкор. Боғбонларимиз тарафидан яратилган шундай навлар борки, ҳозирда бу навни муаллифи кимлиги ҳам номаълум.**

— Тўғри, халқимиз томонидан олма, анор, ўрик ва бошқа кўплаб мевали дарахтлар навлари яратилган. Ҳозирги кунда ҳам айнан шу навларга эҳтиёж катта. 2021 йил 7 январь куни Қишлоқ хўжалик вазирлигининг Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш маркази томонидан ярим пакана олманинг “Сўх маликаси” нави, беҳини “Олма-беҳи” нави ва ўрикнинг “Чимён Эргаш қандак” навига нав гувоҳномаси берилди. Бундан ташқари, 2008-2010 йилларда яратилган

шафтолининг ярим пакана “Муяссар”, беҳининг “Мушк беҳи”, ўрикнинг “Бобо Ражабий” навлари ўша пайтларда давлат рестрига киритилган, лекин нав гувоҳномаси берилмаган. 2021 йил 13 январь куни бу навларнинг ҳам гувоҳномаларини олишга муваффақ бўлдик.

— **Маҳаллий навларни яратиш устида қандай илмий изланишлар олиб боряпсизлар?**

— Станцияимизда 2018-2020 йиллар давомида Фарғона вилояти тупроқ иқлим шароитида маҳаллий ва четдан келтирилган мева навларини экологик услубини ўтказиш асосида юқори ҳосилли, касаллик ва зараркундаларга чидамли мева, резавор экинларини шакллари аниқлаш ҳамда янги навларни яратиш мавзусида илмий-амалий лойиҳа бўлиб ўтди. Уч йиллик тадқиқот натижасида 27 та илмий мақола чоп эттирдик. Айни кунларда “Сўх маликаси” олма навининг 100 000 тупи, “Олма-беҳи” навининг 50 000 тупи ва “Чимён Эргаш қандак” ўрик навининг 50 000 тупи 2022 йил учун сотувга тайёр. Ушбу кўчатларимиз чеп давлатлардан келаётган кўчатлар билан бемалол рақобатлаша олади.

— **Авалло, мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат. Март халқимизнинг сеvimли ойларида бери. Чунки, бу ойда Халқаро хотин-қизлар куни ва Наврўзи олам нишонланади.**

— Тўғри айтасиз, фурсатдан фойдаланиб юртимизнинг барча хотин-қизларини ҳамда барча журналхонларни қўшалок байрам билан ўзим ва станцияимиз ходимлари номидан табриклайман. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин.

Каримжон ЭРГАШЕВ,
ўз мухбиримиз.

МЕҲНАТДАН ҚАДР ТОПАЁТГАНЛАР

Мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз турмуш фаровонлиги, дастурхонимиз файзу баракиси барча соҳалар қатори қишлоқ хўжалиги истиқболига ҳам боғлиқ. Шу боис сўнгги йилларда иқтисодийетимизнинг мазкур муҳим тармоғини ривожлантириш, самарадорлигини ошириш масаласи устувор аҳамият касб этмоқда. Бунинг юртимизда дунёнинг тараққий топган давлатлари тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракати жорий қилингани мисолида яққол кўриш мумкин.

Шу ўринда кейинги йилларда фермерлик истиқболига қаратилган ислохотлар туфайли, мулкчиликнинг мазкур янги шаклини босқичма-босқич ривожлантириш муҳим ҳамда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Айниқса, тармоқларни кенгайтириш орқали маҳсулот етиштириш ва қайта ишлаш, янги иш ўринлари яратиш ҳамда аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш фермерларнинг асосий мақсадига айланди. Бунинг учун эса улар қўшимча тармоқларни кўпайтириб, кўптармоқли хўжаликка айланишга тинимсиз ҳаракат қилишмоқда.

Нарпай туманидаги “Йўлдош Тошназар” фермер хўжалиги раҳбари ҳам ана шундай кишилардан. Фермер ўзи тиниб-тинчимайдиган, хўжалик аъзоларидан ҳам шундай ҳаракатни талаб қиладиган одам. Шунинг учун барча экинчалардан мўл ҳосил етиштиради, режалар ортиги билан адо этилади. Фермер 2020 йилда “Илғор фермер” кўкрак нишони билан тақдирланди.

2006 йилдан фермерлик соҳасида фаолият олиб бораётган Тошназар Йўлдошев пилла, ғалла, пахтадан ташқари тухум, гўшт, асал ҳам етиштириб келмоқда.

— Фермерликнинг нони жуда қаттиқ, — дейди Тошназар Йўлдошев, — Фермерликни бошлаганимизга 17 йил бўлди. Дастлаб деҳқончиликни 30 гектар майдонда 4 киши билан бошлаган эдик, бугун 75 гектар майдонда, 25 нафар ишчи билан фаолият кўрсатяпмиз. Пахта, ғалла ва пилла етиштирамиз. Ўтган йили ғалладан 60, пахтадан 40 центнердан ҳосил кўтардик. Хўжалигимиз аъзолари билан риск-насибамиз шу заминга сочилганини, эртанги фаровон кунимиз бугунги меҳнатимизга боғлиқлигини яхши билган ҳолда меҳнат қиламиз, эришаётган ютуқларимизнинг бош омили ҳам шунда деб биламан.



Фермер Йўлдош Тошназаров ўғли Аслбек Йўлдошев билан.



Чапдан: фермер Ўмрбек Қувонов, туман фермер, деҳқон хўжалиги ва томорқа ер эгалари кенгаши раҳбари ўринбосари Шерзод Туропов билан.

Албатта бугун Нарпайда фермерларга яратилаётган шарт-шароитлар, халқимиз дастурхонини тўкин этишга пухта замин ҳозирлангани, туманда қишлоқ хўжалигининг ибратли мактаби яратилгани, соҳада катта тажриба тўплангани улкан зафарлар қўлга киритилишига мустаҳкам асос бўлмоқда. Тумандаги яна бир қишлоқ мулкдори, “Илғор фермер” кўкрак нишони соҳиби бўлган фермер Умрбек Қувонов ҳам ернинг ҳар қаричидан унумли фойдаланадиган ва юқори ҳосилни кўзлайдиган миришкорлардан.

— Деҳқончилик ота-боболарим касби ҳисобланади. Хўжалигимизга отам 1991 йилда 4 гектар ер майдонида асос солган, — дейди Умрбек Қувонов. — Ҳозирги кунда асосий мақсадимиз, хўжалигимизни тармоқларини кенгайтириш. Шу мақсадда пахта ва ғалладан ташқари, чорвачилик, боғдорчиликни ҳам ривожлантиряпмиз. Олинаётган даромадларимиз ҳисобидан янги техникалар харид қиляпмиз. Мақсадимиз янги иш ўринлари яратиш, туманимиз иқтисодийетига ўз ҳиссамизни қўшишдир.

Бугунги фермер – чинакам мулкдор. Астойдил меҳнат қилса, албатта, роҳатини кўряпти. Йилдан-йилга даромади, имкониятлари ортиб бормоқда. Асосийси, бугунги ишонч, шижоат ва ташаббус, келгуси фаровонлик ва тараққиётга муҳим қадам бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўз мухбиримиз.

БУГУНГИ АМАЛ — КЕЛГУСИ ФАРОВОНЛИККА ТАМАЛ

Бугунги кунда ер юзида озиқ-овқат маҳсулотлари етишмаслиги кўпгина халқларини ташвишга солаётган бир пайтда, шукрки, юртимиз аҳолиси тўқ ва фаровон ҳаёт кечирмоқда. Мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга, аграр соҳани, жумладан, чорвачиликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қабул қилинаётган дастурларнинг амалга оширилиши натижасида янги хўжалик юритувчи субъектлар, кўп тармоқли фермер хўжаликлари ташкил этилиб, қўшимча иш ўринлари яратилаётди.



Бу борада Навоий вилоятида 2021 йилда жами 602та лойиҳа — 187 та қорамолчилик, 85 та паррандачилик, 53 та балиқчилик, 35 та асаларичилик, 241 та қўйчилик, 21та қуёнчилик, 18 та йилқичилик, 21 та туячилик хўжаликларни ташкил қилиш белгилаб олинган. Ушбу дастурлар бўйича 2021 йилнинг I ва II чоракларида ишга туширилиши лозим бўлган лойиҳаларни амалга оширишга асосий эътибор қаратилиб, маблағ масалаларини тижорат банклари билан ҳал этиш ва талаб этиладиган ускуналарни жойларга етказиб бериш чоралари кўриляпти.

Вилоятнинг Хатирчи туманида ҳам жорий йилда насли қорамолчиликни ривожлантириш бўйича 42 та лойиҳа ишга туширилиши ва шу аснода 164 та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

— Худудда қорамоллар наслини яхшилаш мақсадида туман ветеринария бўлимимиз томонидан кўпгина амалий ишлар қилинмоқда. Жумладан, бугун аҳоли ва фермер хўжаликлари ҳисобидаги сигирларни сунъий уруғлантиришга мўлжалланган ва барча махсус воситалар билан жиҳозланган 18 та участкамиз фаолият олиб бормоқда. Ўтган 2020 йилда улар томонидан ҳудудларда жами 15 минг 196 та бош, жорий йил аввалидан буён эса 900 бош сигир сунъий уруғлантирилди, — дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи ўринбосари Шерзод Нурмуродов.

Албатта, бу иш туманда чорва наслини яхшилабгина қолмай, гўшт ва сут маҳсулотларини кўпайишига ҳам хизмат қилади. Тумандаги “Истиқолнинг 10 йиллиги” фермер хўжалигида айни кунларда сунъий уруғлантириш ҳосиласи бўлган 20 бошга яқин бузоқ парваришланмоқда. Ҳозирда фермер хўжалигида жами 300 бош қорамол бўлиб, улардан кунига 1200 кг. сут соғиб олинапти. Албатта, соҳага қаратилаётган эътибор ва изчил ислохотларнинг амалга ошиши оқибатида аҳоли дастурхонига файз бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ортмоқда. Туманда 2021 йилда ташкил

этилаётган янги лойиҳалардан бири “Давронбек Шамс” корхонаси аъзолари ҳам хориждан 1000 бош қорамол олиб келишни мўлжаллаётган экан. Шижоатли тадбиркор Абдували Абдурашидовнинг айтишича, лойиҳа ишга тушса, кунига 10 тоннадан ошиқ сут ишлаб чиқарилади, 20 та янги иш ўрни яратилади.

Вилоятнинг чорвачилик ривожланган яна бир ҳудуди Конимех туманидир. Жорий йилда туманда чорвачилик ривожига оид 71 та лойиҳа шакллантирилмоқда ва шу аснода 305та янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган. Туманда қорамолчилик, қўйчиликни ота касб қилиб олган фермер ва чупонлар чўл шароитининг ўзига хос машаққатларига ҳам қарамай гўшт, сут маҳсулотлари етиштириб келишмоқда. Ана шундай фермерлардан бири Тойир Жамолов ҳам 2021 йилги дастур асосида хориждан 40 бош қорамол, қўй олиб келишни, қўшимча иш ўринлари яратишни режалаштирган.

— Туманимизда ҳозирги кунда қорамоллар сони 23 минг 319 бошни ташкил этса, унинг 9 минг 249 боши сигирлардир. Туман ветеринария бўлими билан биргаликда чорва наслини яхшилаш мақсадида ҳар бир ҳудудда сунъий уруғлантириш пунктлари ташкил этганмиз. Ана шу пунктлардаги амалий ишларимиз ва туманимизга хориждан олиб келинаётган қорамоллар ҳисобига чорва насли йилдан йилга яхшиланиб, гўшт, сут маҳсулотлари етиштиришда ҳам ўсиш кўзга ташланмоқда, — дейди чорва насл марказининг вакили Ақлбек Ўтаулов.

Эътирофлиси, 2021 йилда вилоятда дастурларнинг изчил амалга оширилиши натижасида ташкил этиладиган хўжаликларда янгидан 2 минг 328 та янги иш ўрни яратилиши кутилмоқда. Албатта, аграр соҳанинг етакчи тармоқларини истиқболи учун амалга оширилаётган бу каби чора-тадбирлар, саъй-ҳаракатлар пировардида бозорларда чорва маҳсулотлари — сут, гўшт, тухум, балиқ, асал, товук гўшти сероблигини ва арзонлигини таъминлайди, аҳоли дастурхонига файз-барака киритиб, иқтисодийтимизнинг янада юксалишига хизмат қилади.

Суратда: Хатирчи туман ветеринария бўлими бошлиғи ўринбосари Шерзод Нурмуродов “Истиқолнинг 10 йиллиги” фермер хўжалиги аъзолари билан.

Ўз мухбиримиз.



Конимех туман чорва насл маркази вакили Ақлбек Ўтаулов фермер Тойир Жамолов билан.

лиги” фермер хўжалигида айни кунларда сунъий уруғлантириш ҳосиласи бўлган 20 бошга яқин бузоқ парваришланмоқда. Ҳозирда фермер хўжалигида жами 300 бош қорамол бўлиб, улардан кунига 1200 кг. сут соғиб олинапти. Албатта, соҳага қаратилаётган эътибор ва изчил ислохотларнинг амалга ошиши оқибатида аҳоли дастурхонига файз бўлувчи озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажми ортмоқда. Туманда 2021 йилда ташкил

*Жонажон Ватанимиз фаровонлиги
 йўлида меҳнат қилаётган аграр
 соҳа ходимларини, тизимда
 самарали фаолият олиб бораётган
 ирригаторларни, деҳқон ва
 фермерларни диёримиз саришталиги,
 ободлиги, меҳр-саховат рамзи ўлароқ
 кириб келаётган*

Наврўз байрами

билан самимий табриклаймиз!

*Хонадонларига тинчлик-хотиржамлик,
 хайрли ишлари бароридан келишини
 тилаймиз!*

Урганчда сув қурилиши инвестиц. ДУК

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНИДАГИ АЙРИМ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР

Давлатимиз раҳбари томонидан аграр соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар самараси натижасида мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ошиб бормоқда, экспорт салоҳияти юксалиб, экспортбоп маҳсулотлар тури ва миқдори кўпаймоқда. Мулкчиликнинг янги, самарадор шакллари – кластерлар ва кооперациялар ташкил этилиб, мулк ва меҳнатга бўлган қарашлар тубдан ўзгармоқда. Вилоят ва туманларда турли йўналишлар бўйича билимларни тарқатиш маркази ҳамда кластер ва кооперациялар ҳузурида илмий-тадқиқот марказлари ташкил қилинмоқда, илмий-тадқиқот институтлари кластер ва кооперациялар билан шартнома асосида ўзаро ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида маҳсулот етиштириш ва экспорт қилиш борасида етакчилик қилаётган деярли барча хорижий давлатларда таълим — фан — ишлаб чиқариш интеграцияси ўзаро ҳамбарчас ҳолда, уйғунлашган тизимда иш юритилаётганлиги ва бу тизим ўзининг маҳсулини бериб келаётганлиги кўпчиликка маълум.

Республикада қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тўлақонли амалга ошириш, шунингдек, тадбиркорлик субъектларига илмий асосланган ахборот, замонавий хизматларни кўрсатиш, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш мақсадида яқинда давлатимиз раҳбарининг “Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар тизими ҳамда замонавий хизматлар кўрсатишни янада такомиллаштириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузурида Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Ҳақиқатан ҳам, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш ва чуқурлаштириш, хомашё базасини мустаҳкамлаш, маҳсулот сифатини ошириш, уларни дунёдаги “бренд маҳсулот”лар руйхатига киритиш, импорт ҳажмини қисқартириб, экспорт ҳажмини кўпайтиришни, Президентимиз таъкидлаганидек, таълим сифатини яхшилаш, илм-фан ютуқлари ва инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга узлуксиз татбиқ этиш орқалигина амалга ошириш мумкин.

Шу ўринда, мамлакатимиз қишлоқ хўжалик фанида айни вақтда долзарб масала бўлаётган, олимларимиздан ечимини кутаётган айрим долзарб муаммоларга тўхталиб ўтмоқчиман.

Кейинги йилларда биргина ўсимликшунослик фанида, хусусан, пахтачилик йўналишида ғўзанинг 20 дан ортиқ янги, эртапишар, истиқболли навлари яратилиб, IV тип тола берувчи, пахта тола чикими 26-31 фоиздан 34-40 фоизгача, узунлиги 20-28 миллиметрдан 32-35 миллиметргача, битта кўсақдаги пахта вазнини эса 3-5 граммдан 6-7 граммгача оширишга, ғўзанинг вегетация даврини 10-15 кунга қисқартиришга эришилди, касаллик ва зараркунандаларга чидамли навлар яратилди. Ёки ғўзани парваришда бир қатор ресурстежовчи агротехнологиялар (ғўзани суғоришда қатор орасига плёнка тўшаб, эгилувчан қувурлар орқали, томчилатиб суғориш, тупроққа асосий ишлов беришда минимал ишлов бериш технологияси, ерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, тупроқни шомол эрозиясидан ҳимоя қилишда замонавий ихотазорлар барпо қилиш, захбур ва коллектор сувларидан экинларни суғоришда фойдаланиш технологияси ва ҳ.к каби) ишлаб чиқилди ва ҳозирда ҳам мазкур масалалар бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Бироқ, ўтган асрнинг 90-йилларидан бошлаб ҳозирги вақтга қадар дунёда, хусусан, мамлакатимизда ҳам глобал иқлим ўзгаришининг кузатилаётганлиги, ҳаво ҳароратининг йил сайин ошиб бораётганлиги, сув захираларининг тобора камайиб бориш тенденцияси, Орол муаммоси, тупроқларимиз унумдорлигининг камайиб бораётганлиги каби бир қанча ҳолатлар наботот ва ҳайвонот дунёсига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Гарчи, юқорида келтирилганидек, қишлоқ хўжалик фанида бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилаётганлиги ва бу борада айрим ютуқларга эришилаётган бўлса-да, селекционер олимлар томонидан нав яратиш борасида маълум бир қолипга солинган, узоқ йиллардан буён мазмун ва моҳияти ўзгармай келаётган селекция услуги, тупроқ унумдорлигини ошириш, тупроқларнинг таъминланганлигига кўра маъдан ўғитлар меъёрини қўллаш мутаносиблиги, сизоб сувларининг жойлашишига кўра суғориш тизимлари, умуман олганда, республикаимизнинг турли тупроқ иқлим шароитларида пахтадан мўл ва сифатли ҳосил олишга қаратилган ўтган асрнинг 60-70-80 йилларида ишлаб

чиқилган тавсия ва услублар ҳозирги мавжуд ўзгарувчан иқлим ҳамда янги деҳқончилик шароитига жавоб бермай қолмоқда.

Маълумки, ҳозирда республикаимизда парвариш қилинаётган барча ғўза навлари тупроқнинг 5-10 см. қатламидаги ҳарорат 12-14°C бўлганда униб чиқади. Бу ҳарорат эса республикаимизда турли йилларда турли муддатларда кузатилиб, чигит экиш ишларининг бошланиши баъзи йилларда март ойининг охирида кузатилса, баъзи йилларда апрел ойининг дастлабки кунларидан бошланади ва асосий майдонга чигит экиш ишлари апрел ойининг 20-25 саналарида яқунланади. Айнан шу муддатларда чигит экилган майдонларда ғўза ривожининг авж палласи асосан июл ойига тўғри келади. Ушбу ойда ғўзанинг ривожланиши энг юқори даражада бўлиб, бир туп ғўза ўзида ўртача 70-80 донагача ҳосил элементлари (шона, гул, тугунча, кўсақлар) шакллантиради.

Аммо, юқори ҳаво ҳароратининг таъсирида ғўзадаги моддалар алмашинуви, ўсиши ва ривожланиши кўп ҳолларда ҳароратнинг таъсир этиш даврига боғлиқ бўлади. Ҳаво ҳарорати 37-40°C га етганда, ғўза қийнала бошлайди, ўсимликда рўй бераётган бир қатор физиологик жараёнлар сустлашиб боради, ҳарорат 50°C га яқинлашганда эса хужайра цитоплазмаси қуюқлашиб, унинг ҳалокати содир бўлади. Ғўза учун оптимал бўлган ҳарорат (30-35°C) нинг кўтарилиши қисман ёки оммавий равишда хужайрадаги оксилларнинг денатурациясига (оксиллар, нуклеин кислоталар ва биополимер молекулаларнинг табиий хусусиятининг йўқолиши) олиб келади. Бу эса хужайра осмотик хусусиятининг бузилишига, хужайранинг кўплаб бажарадиган вазифаларининг издан чиқишига сабаб бўлади. Қисқа қилиб айтганда, усимлик учун максимал ҳарорат рўй берганида нафас олиш жараёнидаги органик моддаларнинг парчаланиши ва сарфланиши уларнинг ҳосил бўлишидан кўп бўлади.

Бунинг натижасида республикаимизнинг пахта етиштирувчи ҳудудларида кейинги йилларда ғўзанинг баравж ривожланиб, максимал ҳосилни тўплаган июл ойида узоқ давом этаётган юқори ҳаво ҳарорати ва аксарият ҳудудларда (асосан, Сурхондарё, Қашқадарё, Бухоро, Навоий вилоятларида, баъзи йилларда барча вилоятларда) иссиқ гармсел шомолларининг кузатилиши ғўзадаги мавжуд ҳосил элементларининг 50-60 фоизи нобуд



бўлишига, бунинг натижасида эса ғўза ҳосилдорлигининг кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Ѓўза ҳосилдорлигини оширишда тўсиқ бўлаётган сабаблардан яна бири мамлакатимизда экилаётган ғўза навларининг (Бухоро навларидан ташқари) кучсиз илдиз тизими эгалигидир. Кейинги йилларда тупроқ унумдорлигининг, хусусан тупроқларда гумус миқдорининг камайиши тупроқларнинг агрофизикавий (ҳажм, масса, сув ўтказувчанлик ва ҳ.к.) хоссаларини, яъни тупроқ қатламларининг зичлашишига, тупроқнинг сув ўтказувчанлик ва иссиқлик режимига, тупроқ қатламларидаги азрация жараёнига салбий таъсир этиб, тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги намликнинг тез муддатларда транспирация бўлишига олиб келмоқда. Тупроқнинг ҳайдалма қатламидаги намликнинг йўқолиши эса ғўзада дастлабки биринчи тартиб ён илдизларининг бирмунча чуқурликда, тупроқнинг озиқа моддалари кам бўлган чуқурроқ қисмига қараб ўсишига, бу эса ўсимликнинг ер устки қисми секин ўсиб, суст ривожланишига ва кўсагининг кам бўлишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ғўза ҳосилдорлигини ошириш учун тўсиқ бўлаётган ғўза навлари билан боғлиқ ана шу иккита асосий муаммони ҳал этиш пахтачилик селекционерлари олдида турган энг муҳим долзарб масалалардандир. Бунинг учун селекционерлар чигитни тупроқнинг ҳарорати 8-10°C бўлганда экса бўладиган, илдиз тизими бақувват (ҳайдалма қатламда кўп масса қиладиган ҳамда тупроқнинг остки қатламларига ёриб кирадиган)

бўлган ғўза навларини яратишга эътибор қаратишлари керак. Ана шунда мазкур навлар трипс ва шира каби зараркундалар зараридан (зараркундалар пайдо бўлгунга қадар барг пластинкасининг қалинлашиши ҳисобига) халос бўлади ёки зарари камайди, шунингдек, ҳаво ҳарорати максимал даражага етадиган даврга (июл ойи) қадар ўзида маълум миқдорда кўсақларни тўлиқ шакллантириб олишга улгуради ва нобудгарчилик камайди.

Маълумки, ўтган асрнинг 50-60 йилларида қишлоқ хўжалик экинларини, хусусан, ғўзани маъдан ўғитлар (азот, фосфор ва калий) билан озиқлантиришда тупроқларнинг маъдан ўғитлар билан таъминланганлик даражаси асосида ишлаб чиқилган 1:0,7:0,5 нисбатдаги ўғитлаш тизими ишлаб чиқилиб, мазкур тизим ҳанузгача ишлаб чиқаришда жорий қилиб келинмоқда. Тўғри, ўша вақтларда, яъни бундан 60-70 йиллар муқаддам тупроқларимизнинг маъдан ўғитлар билан таъминланганлик (азот кам, фосфор ўртача, калий етарли) даражасига кўра мазкур нисбат (1:0,7:0,5) жорий қилинган. Аммо, ҳозирда-чи? Мазкур нисбат тупроқларимизнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб жавоб берадими? Ушбу саволга тупроқларимизнинг ҳозирги ҳолати бўйича 35 йиллик (1985-2020 й) маълумотларни ўзаро таққослаб олинган натижаларда кўриш мумкин.

Натижаларга кўра, республикаимизда тупроқларнинг фосфор билан таъминланганлик даражаси бўйича “жуда кам” таъминланган майдонлар 170 минг, “кам” таъминланган майдонлар 149 минг гектар-

га кўпайган, яъни бу майдонлар таъминланганлиги “юқори” ва “жуда юқори” майдонлар ҳисобига кўпайган. Тупроқлардаги калий миқдори бўйича таъминланганлик даражаси “жуда кам” бўлган майдонлар 140 минг гектарга, “кам” даражада таъминланган майдонлар 215 минг гектарга, “ўртача” таъминланган майдонлар 89 минг гектарга ошиб, бу ҳам таъминланганлиги “юқори” ва “жуда юқори” бўлган майдонлар ҳисобига кўпайган. Шунинг учун ҳам ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик экинлари парваришида, хусусан, ғўза ва ғалла парваришида фосфор ва калий ўғитларини нисбатан юқори меъёردа қўллаган фермер хўжаликлари, кластерлар ва кооперацияларда қишлоқ хўжалик экинларидан мўл ва сифатли ҳосил олинаётганлиги бежизга эмас.

Шунинг учун ҳам олимлар қишлоқ хўжалиги экинларини, хусусан, ғўзани озиқлантиришда маъдан ўғитларни қўллаш нисбатларини тупроқларнинг ҳозирги ҳолатидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқишлари зарур.

Юқорида келтирилган мазкур муаммоларнинг ечими давлатимиз раҳбари томонидан яқинда қабул қилинган, номлари юқорида келтирилган фармон ва қарорда бўлиб, ишлаб чиқаришга илм-фан ютуқлари ва инновацияларни кенг жорий этиш, таълим, илм-фан, ишлаб чиқариш ва агрохизматлар кўрсатиш тизимининг узвий интеграциясини таъминлаш келгусида қишлоқ хўжалиги илм-фанининг келажагини белгилаб беради.

Баҳодир ХАЛИКОВ,
қ.х.ф.д., профессор.

УДК: 633.11:632.51.

ИССЛЕДОВАНИЕ

АНАЛИЗ СОСТОЯНИЯ КОНТРОЛЯ ВЛАЖНОСТИ ЗЕРНА В УДАЛЁННОМ РЕЖИМЕ В УСЛОВИЯХ АО “ГАЛЛА-АЛТЕГ”

The article analyzes the state of industrial processing of grain and grain products of local varieties grown in the Republic of Uzbekistan. The problems of automation and use of humidity control devices in the process of processing and cooling are discussed on the example of JSC “GALLA-ALTEG” in real time.

Зерно и получаемые из зерна продукты питания по сравнению с другими продуктами являются наиболее востребованными и доступными по цене. По оценкам «Организации экономического сотрудничества и развития» (ОЭСР), мировое производство пшеницы в 2020 году было на уровне 750,0 млн. тонн. В ближайшие 10 лет прогнозируется замедление прироста мирового производства пшеницы. К 2024 году производство пшеницы вырастет на 7,9 процентов, это на 59,7 млн тонн больше чем в 2014 году. В мире особое внимание уделяется как количеству выращиваемого зерна, так и их качеству. В этой связи, целесообразным является увеличение объёма качественных зерновых культур в республиканском и мировом масштабе.

Для решения проблемы развития сельского хозяйства необходима всесторонняя интенсификация сельскохозяйственного производства. В Узбекистане производство зерна является

одним из наиболее востребованным продовольственным продуктом. Выращивание пшеницы в стране составляет порядка 7,5 млн. тонн в год.

Выращивание пшеницы осуществляется во всех областях республики. В таблице 2 приведены распространенные сорта пшеницы за последние пять лет в разрезе по областям.

Таблица 1.

Объём производства пшеницы в Республике Узбекистан.

Период (год)	Валовой сбор (млн.тн.)	Урожайность (ц/га)	Гос.закупка (млн. тн.)
2018	6.124	67	3.2
2019	7.800	68	3.3
2020	7.640	71	3.1





К основным зерносеющим регионам относятся: южный и средний. При этом, качество сортов пшеницы выращиваемых на территории Республики Узбекистан соответствуют ГОСТу.

провести модернизацию существующих систем, а также внедрить современные технологии на некоторые этапы процесса отволаживания.

Основные сорта пшеницы, выращиваемые в регионах республики

Таблица 2.

Регионы				
Северный регион (Хоразм, К/К)	Южный регион (Сурхондарья, Кашкадарья)	Центральные регионы (Самарканд, Бухоро, Навоий)	Средние регионы (Ташкент, Сырдарья, Жиззах).	Восточные регионы. (Ферганская долина)
1. Краснодар-99 2. Аср 3. Яксарт 4. Зимница 5. Гром	1. Гром 2. Яксарт 3. Таня 4. Гозгон 5. Краснодар-99	1. Краснодар-99 2. Старшина 3. Аср 4. Гром 5. Васса 6. Жасмина	1. Краснодар-99 2. Аср 3. Таня 4. Дуслик 5. Васса 6. Гром	1. Таня 2. Аср 3. Васса 4. Краснодар-99 5. Гром 6. Нота

В настоящее время в процессе отволаживания не существует достоверного и точного метода контроля влажности, в результате чего управлять процессом существующими методами является сложно. Время отволаживания определяется на предприятиях путем лабораторных

Средние показатели качества местных сортов зерна по регионам.

Таблица 3.

Показатели качества	Регионы				
	Северные регионы	Южные регионы	Центральные регионы	Средние регионы	Восточные регионы
Влажность, (%)	12.0-13.0	10.0-13.0	11.2-12.3	12.0-12.5	11.7-13.6
Примесь сорная, (%)	2.4-3.5	2.6-4.8	2.2-4.4	2.8-3.8	3.0-4.0
Примесь зерновая, (%)	7.0-3.0	3.1-7.4	5.3-7.0	4.3-6.0	4.0-7.0
Масса 1000 зёрен, (г)	37.0-42.0	35.0-42.0	37.0-42.0	35.0-42.0	36.0-42.0
Объёмная масса, (г/л)	750-788	750-768	750-770	748-805	748-770
Стекловидность, (%)	48.0-54.0	48-56	48-53	48-54	46-50
Клейковины (%)	23-25	23-24	23-25	24-26	23-25
Качество ИДК (е.д.ц)	95-100	95-100	85-90	95-100	90-95
Число падения, (с)	180	180	180	180	180
Зольность (%)	1.94-1.96	1.98-2.0	1.96-2.00	1.96-1.98	1.94-1.96

В государственных стандартах на пшеницу установлены ограничивающие для заготавливаемой и поставляемой пшеницы нормы. Одним из основных процессов подготовки зерна к помолу, качественно улучшающий его продовольственное использование, является ее гидротермическая обработка. Применение гидротермической обработки зерна дает комплексный производственный эффект, который включает три группы показателей: технологический, энергетический и экономический. В процессе ГТО зерна на мельницах облегчается отделение оболочек, в драном процессе увеличивается выход крупок. В результате увеличивается выход муки, уменьшается ее зольность, улучшается качество готовой продукции.

измерений. Это приводит, в частности, к целенаправленной передержке зерна в закромах отволаживания для завершения процесса перераспределения влаги, что пагубно отражается как на технологических свойствах муки, так и на производительности подготовительного отделения мельницы. Это в свою очередь, еще раз подтверждает необходимость создания автоматизированной системы управления процессом холодного кондиционирования, учитывающей исходные гидротермические показатели зерна в закромах. Внедрение современных систем автоматизации предприятий по хранению и

переработке зерна позволяет качественно подготовить зерно к размолу и автоматически (оптимально) определять влажность зерна. Время отволаживания при «холодном» способе кондиционирования должно быть установлено не менее требуемого условиями перераспределения влаги и разрыхления эндосперма, которое, по обзору литературных данных, находится в пределах 8-20 часов. Для зерна пшеницы высоко стекловидных и твердых сортов требуется еще больше времени. При определении влажности зерна, а также в технологическом процессе немаловажно учитывать физико-механические качества зерна.

Физико-механические свойства зерна среднего региона

Пшеница	длина, мм	ширина, мм	толщина, мм	плотность, г/см ³	масса 1000 зерна, гр	насыпная масса, г/м ³	коэф. внутр. трения	коэф. внеш. трения	скор. витания, м/с ²	эквивалент динамики
		6,5-7,5	3,2-3,7	2,0-2,8	1,200-1,500	35-38	748-805	0,47-0,73	0,37-0,58	9,8-11,0

при переработке параметры зерна для сортового помола влажности пшеницы, поставляемого на промышленные предприятия, должны быть не более 14,0 процентов. В изученных пробах пшеницы влажность зерна колеблется в пределах нормы. На мукомольных предприятиях республики автоматизированные системы управления процесса отволаживания зачастую не обеспечивают требуемой точности увлажнения, из-за моральной и физической изношенности системы и невозможности точного прогнозирования конечной влажности зерна. Поэтому, в мукомольной промышленности требуется

В АО «Галла-Алтег» в основном перерабатывают зерно поступающих из средних регионов. С элеватора в зерноочистительное отделение поступает зерно-пшеница стекловидность которых достигает до 48-50 процентов, влажность 10-12 процентов (среднегодовые показатели). После очистки сорных примесей подвергается ГТО в два этапа, увлажнение с суточным отволаживанием 24 часа, а также при необходимости увлажнения перед I драной системой.

Пользуясь отдельными экспериментальными и аналитическими данными отечественной и зарубежной науки и практики, можно допустить в качестве ориентировочных нормативов для первого увлажнения и отволаживания эндосперма для местных сортов. Влажность поступающего зерна 13%, её пропускают через моечную машину. Время отволаживания для местного

Таблица 4.

стительное отделение поступает зерно-пшеница стекловидность которых достигает до 48-50 процентов, влажность 10-12 процентов





зерна 24 часов, размер закрома для отволаживания составляет 2x2x16м. После моечной машины зерно транспортируется в закроем для отволаживания. Первый этап отволаживания продолжается около 12 часов, в это время влажность зерна достигает порядка 3.0-3.5% (это больше чем у исходного зерна).

Процесс отволаживания проводится статическим способом. После многолетних исследований для местного зерна на предприятии является целесообразным применение статического способа отволаживания, так как это позволит регулировать расход воды для второго этапа. Преимущество данного метода заключается в том, что вариация влажности зерна в потоке будет меньше, чем при динамическом способе. Расход воды после первого отволаживания 45 тонн зерна составляет около 1200-1400 литров. При динамическом способе расход воды составляет порядка 1600-1800 литров. Результаты исследований показали, что расход воды можно сэкономить в пределах 1 м³ на 100 тн зерна. После 12 часового простоя зерно должно вторично увлажняться, для увеличения влажности зерна. Рекомендуемые показатели должны быть в следующих пределах: для местного зерна не менее 15,5 %, но не более 16,8%. Между первым и вторым увлажнением необходимо систематически проверять влажность зерна лабораторным методом. Существующие традиционные методы очень трудоёмкие и требуют много времени. Для определения влажности зерна традиционно используется сушильный шкаф. Этот способ – энергозатратный и трудоёмкий, поскольку требует значительное время для проведения анализа. В дополнение к самому шкафу для традиционного метода необходимо наличие ряда лабораторных принадлежностей, в частности, бюксы, эксикатор, аналитические весы. Для технологических процессов этот этап является более ответственным, т.к. запрещается допускать ошибки человеческого фактора, из-за невозможности ее дальнейшего исправления. Чтобы устранить трудоёмкий процесс, необходимо автоматизировать систему между первым и вторым увлажнением, расхождение вариации можно устранить только при помощи автоматического метода и использования средств автоматического контроля влажности. В зерноперерабатывающих предприятиях страны фактически отсутствуют автоматические приборы контроля влажности местного зерна. Для этого требуется провести научные исследования с указанием научно обоснованных преимуществ и недостатков рекомендуемых методов, а также создания на их основе приборов контроля влажности как в дискретном, так и технологическом режиме (для местного зерна).

Применяемые на мукомольных предприятиях технологические процессы и ряд других систем зачастую не обеспечивают требуемой точности увлажнения зерна из-за своей моральной и физической изношенности, невозможности точного прогнозирования конечной влажности, отсутствия контроля динамики изменения его влажности в бункерах отволаживания и т.д. На сегодняшний день существуют различные методы определения влажности. Однако, единого мнения о превосходстве того или иного метода не имеется. В связи с этим, многие известные на мировом рынке производители влагомеров при разработке стараются охватить в своём производстве несколько комбинированных методов измерений. Это связано с наличием большого количества разнородных материалов, влажность которых должно контролироваться с требуемой точностью и быстродействием, а также с удобным конструктивным исполнением.

Ручное регулирование процесса увлажнения в совокупности с лабораторным контролем влажности не позволяет обеспечить подачу на первую драную систему зерна требуемой влажно-

сти. В результате абсолютная погрешность достигает порядка 2 % влажности, что требует постоянной регулировки процесса размола зерна.

Практика показывает, что современные методы измерения влажности зерна экспресс приборами являются эффективными и интенсивными при определении влажности в любых условиях, а именно:

- полевых (при сборе урожая);
- складских (в зернохранилищах, на зерновых токах и т. д.);
- при транспортировке;
- перед помолом.

Проведённый нами анализ реализуемых влагомеров позволил выделить группу методов, получивших наибольшее распространение для измерения влажности зерна и зерновых материалов. Среди них можно выделить кондуктометрический, диэлектрический, инфракрасные методы анализа спектра в ИК диапазоне, а также метод сверхвысоких частот (СВЧ).

Современные влагомеры для зерна отличаются высокой точностью, компактными размерами и максимальным удобством при эксплуатации. В стране функционирует более пятидесяти современных зерноперерабатывающих комбинатов, общей мощностью до 4,0 млн. тонн. Необходимо отметить, что в Узбекистане использование современных систем контроля качества зерна и зернопродуктов является недостаточным. Также, отсутствие на рынке приборов и устройств отечественного производства, соответствующих необходимым требованиям как по цене, так и по точности, надёжности, не позволяют более точно контролировать влажности в режиме реального времени.

Однако, многие предприятия зерноперерабатывающей промышленности по-прежнему используют термогравиметрический метод (метод высушивания). Данный метод разработан до 1990 года и является стандартным. Погрешность находится в пределах $\pm 0,3\%$. Данный метод не может быть использован для оперативного получения результатов и для градуировки приборов контроля влажности.

Проведенный анализ подтверждает, что существующие системы самого технологического процесса не полностью отвечают современным требованиям производства продукции, а также не являются энергоэффективными. Указанные проблемы требуют принятия решения по ряду малоизученных задач:

1. Разработать научное обоснование выбора диэлектрического метода контроля, в целях измерения влажности зерна в процессе отволаживания и управление процессом ГТО.
2. Провести исследование регулирования расхода воды и режимов отволаживания.
3. Провести сравнение результатов исследований обычной и автоматизированной системы контроля влажности при технологическом процессе ГТО. Это позволит реализовать стабильность режима для размола отделения.
4. Разработать научное обоснование по увеличению эффективности использования сырьевых ресурсов и оборудования при стабильном режиме рабочего процесса.
5. Показать качество конечного продукта с точным соблюдением технологических параметров при использовании новых методов и приборов в составе АСУ ТП.

Результаты наших исследований указывают следующее: разработанный измерительный преобразователь влажности (опытный образец) используемый при переработке зерна, даёт возможность проводить периодическую коррекцию текущих градуировочных характеристик. Также, преимуществом является бесперебойная ее работа в условиях вибрации, проведение дискретно-непрерывного режима измерения влажности зерна,





простота обслуживания и удобство проведения проверок и передача данных в режиме реального времени.

Подводя итоги можно резюмировать, что применение автоматизированной системы увлажнения с использованием высокоточных измерителей влажности зерна, основанные на электрическом диэлектрическом методе, обеспечивают оперативно контролировать состояние влажности зерна (в бункере

отвлажнивания). Это позволяет стабилизировать выходную влажность зерна, следовательно добиться оптимальных помольных свойств партии, дает существенный экономический эффект и быструю окупаемость затраченных средств.

Палван КАЛАНДАРОВ, д.т.н., профессор,
Зиявиддин МУКИМОВ, соискатель,
ТТИИМСХ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Современные требования к качественной переработке зерна и зернопродуктов. Universum: технические науки 2019 № 9(66) Мукимов З., Турсунов С. с. 48
2. Турсунов С., Мукимов З., Каримов И. Основные требования для качества локализованных сортов пшеницы при переработке. Высшая школа Научно-практический журнал №19/2019. с. 44.
3. Каландаров П.И., Мукимов З.М. Приборное обеспечение контроля влажности при гидротермической обработке зерна и продуктов его переработки. Приборы. №11. - 2020. с.16-21.
4. Каландаров П.И. Матякубова П.М. Газиева Р.Т. Сушка и контроль влажности зерна и зернистых материалов. -Т. "ТТИИМСХ". 179 с.
5. P.I. Kalandarov. Z.M. Mukimov. O.S. Logunova. Analysis of hydrothermal features of grain and instrument desulphurization of moisture control. Tashkent state technical university named after Islam Karimov. technical science and innovation. №1/2020. PP. 117-122.

ҚУТЛОВ

*Мамлақати.мизнинг барча меҳнат-
кашларини гўзаллик, нафосат, уй-
ғонини фаёли бўлган Ҳаврўз айёми
билан чин қалбдан табриқлай.миз.
Қириб келаётган Ҳаврўз байра.ми
юрти.мизга файзу барака, дастурхо-
ни.мизга тўқин-сочинлик олиб келсин.
Баҳорий шукр ўл бўйи сизни
асло тарк этмасин.*

**“Ғалла-Алтег” ОАЖ
корхонаси жамоаси**



ТУРЛИ ИҚЛИМ ШАРОИТЛАРИНИНГ ЮМШОҚ БУҒДОЙ ДОНИДАГИ КЛЕЙКОВИНА МИҚДОРИГА ТАЪСИРИ

One of the important tasks is to study the quality of grain, especially nonbolic, along with the yield, early ripening, disease resistance of varieties created in the selection of wheat. The article examines the comparison of grain gluten content of new varieties and samples of soft wheat in different climatic conditions of Uzbekistan in the climatic conditions of 3 regions.

Одной из важных задач является изучение качества зерна, особенно небольшого, наряду с урожайностью, скороспелостью, устойчивостью к болезням сортов, созданных при селекции пшеницы. В статье исследуется сравнение содержания клейковины в зерне новых сортов и образцов мягкой пшеницы в различных климатических условиях Узбекистана в климатических условиях 3 регионов.

Турли минтақаларда юқори ҳосил ва сифатли дон етиштириш учун тупроқ-иқлим шароитларининг ҳисобга олиб илмий асосланган ҳолда минтақа шароитларига мос, барқарор ҳосил берадиган, дон сифат кўрсаткичлари ўзгармас бошоқли дон экинлари навларни яратиш ва жойлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Клейковина таркибидаги муҳим таркибий оқсил бўлиб, кўплаб пиширилган маҳсулотларнинг кўриниши, майдаланиши ва истеъмолчилар томонидан қабул қилинишига ёрдам беради. Шу сабабли, озиқ-овқат соҳасидаги олимлар ва новвойлар учун клейковинасиз маҳсулотлар соҳасида энг катта муаммо, эҳтимол юқори сифатли клейковинасиз дон ишлаб чиқаришдир.

Об-ҳаво шароити буғдой дони таркибидаги оқсил ва клейковина миқдorigа таъсир этади. Дон сифатининг шаклланишида ҳарорат ва намлик ўсимлик ўсув даврида, асосан дон тўлишиш фазасида катта аҳамиятга эга. Бу пайтда етарли юқори ҳарорат билан бирга намгарчиликнинг кам бўлиши донда юқори сифатли оқсил миқдorigа ошишига олиб келади.

Республиканинг жанубий ҳудудлари тупроқ-иқлим шароитлари ўзининг иссиқ ва қурғоқчилиги билан республиканинг бошқа ҳудудларига нисбатан кескин фарқланиб, ўртача ҳаво ҳарорати баҳор ойларининг ўртасида сезиларли даражада кўтарилиши ва ёғин миқдорининг кам бўлиши буғдойни дон сифати кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатиб келмоқда. Шимолий ҳудудларнинг иқлим шароитлари, тупроқларининг шўрланиш даражаси ўта юқорилиги, баҳор ва ёз ойларида ҳаво ҳарорати иссиқ ва қурғоқчилиги, қиш ойларида хавонинг ўта (-20°C дан) паст бўлиши билан бошқа ҳудудларига нисбатан кескин фарқланади. Бундай ҳолатлар айниқса кузги бошоқли дон экинларининг дон сифати кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Тажрибалар Республиканинг учта ҳудудида Қашқадарё (Қарши тумани), Тошкент (Қибрай тумани) вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси (Чимбой тумани)да ўтказилди.

Тадқиқот йилларида энг паст ўртача ойлик ҳарорат 2017 йил Чимбой туманида декабрь ойида -5,4°C, энг юқори ҳарорат эса 2020 йилда Қарши туманида июн ойида 28,9°C бўлганлиги қайд қилинди. Худди шунингдек, ёғингарчилик

миқдорининг энг юқори кўрсаткичи 2019 йил апрел ойида Қибрай туманида 130,3 мм бўлганлиги кузатилди (1-жадвалга қаранг).

Юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг Қарши тумани шароитида экиб синаб кўрилганда, уларнинг клейковина миқдorigа куйидагича бўлди. Ўртача клейковина миқдorigа 2018 йилда 23,0-26,1% ни, 2019 йилда 27,2-31,0% ни ва 2020 йилда 25,9-29,5% ни ташкил қилди.

1-жадвал.

Минтақаларнинг об-ҳаво маълумотлари (2017-2020 йй)

Об-ҳаво	Йиллар	Худудлар	Январь	Феврал	Март	Апрель	Май	Июнь
Ўртача ҳаво ҳарорати, °C	2017-2018 й.	Қарши	3,5	6,5	15,7	17,2	23,2	28,3
		Қибрай	1,8	2,4	12,8	15,4	20,4	25,8
		Чимбой	-0,2	3,1	8,5	14,5	23,7	27,6
	2018-2019 й.	Қарши	7,2	6,2	12,7	16,7	23,9	27,3
		Қибрай	4,8	4,7	11,7	15,1	21,8	25,3
		Чимбой	-4,7	-3,2	6,8	13,5	21,5	25,6
	2019-2020 й.	Қарши	2,5	8,1	12,8	16,5	23,4	28,9
		Қибрай	1,2	6,1	11,6	15,7	22,2	26,3
		Чимбой	0,4	-0,1	8,8	13,4	23,1	27,6
Ёғин миқдorigа, мм	2017-2018 й.	Қарши	7,8	31,4	9,1	10,1	6,8	0
		Қибрай	29,2	63,9	129,6	73,4	24,7	10
		Чимбой	5,6	51,7	13,2	13,5	0	0
	2018-2019 й.	Қарши	39,7	67,2	27,7	75,5	32,9	16
		Қибрай	88	37,4	42,9	130,3	3,4	12,1
		Чимбой	4,9	9,3	29,5	12,8	10,9	2
	2019-2020 й.	Қарши	55,9	52,3	19,8	68,7	62,7	0
		Қибрай	38,9	82,1	25,2	80,2	73,7	1,7
		Чимбой	0,9	7	3,7	42,3	13,9	0

Чимбой тумани шароитида ўрганилган нав ва намуналарнинг клейковина миқдorigа 2018 йилда Андоза Краснодарская-99 навида 26,8% ни ташкил қилган бўлса, танлаб олинган KR15-9808 (Сарбон) ҳамда KRBW17-3 (Довон) навларида 27,3-27,2% ни қайд қилди. 2019 йилда олиб борилган тажриба натижалари шуни кўрсатадики, намуналарнинг клейковина миқдorigа 25,6-31,2% гача бўлган, 2020 йилда эса 26,0-31,3% ни ташкил қилганлиги аниқланди.


Қибрай тумани шароитида ўрганилган нав ва намуналарнинг клейковина миқдorigа ўртача 2018 йилда 25,9-31,3% ни, 2019 йилда 26,4-31,9% ни ва 2020 йилда 23,4-28,2% ни ташкил қилди.

Минтақалар бўйича 3 йиллик ўртача натижалар таҳлил қилинганда, юмшоқ буғдой нав ва намуналарининг клейковина миқдorigа Қарши тумани шароитида 25,4-28,8% ни, Чимбой тумани шароитида 25,7-30,2% ни ҳамда Қибрай тумани шароитида 25,2-30,5% ни ташкил қилганлиги аниқланди. (1-диаграммага қаранг).



1-диagramма.

Минтақаларда юмшоқ бугдой нав ва намуналарининг дондаги клейковина миқдори, % (2018-2020 йй).



Ўрганилган илмий тадқиқот натижаларидан шундай хулоса қилиш мумкинки, танлаб олинган намуналар йиллар мобай-

нида андоза навларга нисбатан дондаги клейковина миқдори юқори бўлганлиги ҳамда минтақаларининг иқлим шароитларига мослашувчан бўлганлиги аниқланди.

Зохид ЗИЯДУЛЛАЕВ,
қ.х.ф.д., профессор,
Ойбек АМАНОВ,
қ.х.ф.д., к.и.х

Абдулла ФАЙЗУЛЛАЕВ,
мустақил тадқиқотчи,
ДДЭТИ Қашқадарё филиали.

АДАБИЁТЛАР

1. Batey L.L. "GLUTEN AND MODIFIED GLUTEN". Encyclopedia of Grain Science, 2004
2. Elke K. Arendt va бошқалар. "Gluten-free breads" Gluten-Free Cereal Products and Beverages, 2008
3. Sharma R.C and at all. High yielding winter wheat genotypes for Uzbekistan//«Ўзбекистонда ғаллачиликнинг яратилган илмий асослари ва уни ривожлантириш истиқболлари» мавзусидаги халқаро илмий – амалий конференцияси. Илмий мақолалар тўплами. Жиззах-2013 йил, 23-май –Б. 7-11.

УЎТ: 633.59:632.60:11.

ТАДҚИҚОТ

ШЎРЛАНГАН ТУПРОҚЛАРДА КУЗГИ БУҒДОЙ ЕТИШТИРИШ

In this article, in the conditions of saline soils of Bukhara region in the cultivation of winter wheat variety Krasnodar-99 pre-irrigation soil moisture is 70-80-70% relative to the limit field moisture capacity, the rate of mineral fertilizers is N240; P180; When applied at the rate of K90 kg / ha, the amount of water used for irrigation was saved by 1934 m³ / ha, which allowed to obtain an additional yield of 9.2-11.8 t / ha of wheat, and the accumulation of salts in the soil was 0.27-0.21% less than the control option.

Давлатимиз раҳбарияти томонидан олиб борилаётган изчил сиёсат мамлакатимиз аҳолисининг дон ва дон маҳсулотларига бўлган талабини фақатгина ўзимизда етиштириладиган дон маҳсулотлари билан таъминлашга, бarchа соҳада бўлгани каби, қишлоқ хўжалиги соҳасида ҳам чет эл техника ва технологияларини, айниқса, шўрланган тупроқларда қўллашга қаратилгандир. Шу ўринда айтиш жоизки, Бухоро вилояти ғаллакорлари 1999 йилда ҳар гектар майдондан ўртача 34 ц/га, 2000 йилда 35,4 ц/га ва 2010 йилда 42,5 ц/га дан ва 2020 йилда 60,4 ц/га дан дон ҳосили етиштиришга эришилди. Президентимиз таъкидлаганидек, биз ғаллакорларнинг эндиги мақсадимиз нафақат ўзимизнинг аҳолимизга дон ишлаб чиқариш, балки ортиқчи етиштириб, чет мамлакатларга сотишни ҳам режалаштиришимиз зарур.

Бухоро вилоятининг тупроқ ва иқлими шароитига мос, шўрга чидамли, сувтежамкор усулларини қўллашга қулай келадиган бошоқли ва дуккакли экинлар навларини танлаб, улардан юқори сифатли уруғ етиштириш агротехнологияси асосларини ўрганиш, кузги дон экинлари ҳосилдорлигини оширишнинг жадаллаштирилган усулларини ишлаб чиқиш вилоят учун асосий вазифалардан ҳисобланади.

Тадқиқотлар давомида кузги бугдойнинг "Краснодар-99" навини етиштиришда суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70%, маъдан ўғитлар меъёри N240; P180; K90 кг/га меъёрида қўлланилган дала хўжалик шароитида

етиштирилган дала билан солиштирилган ҳолда ўрганиб борилди.

Олиб борилган тажрибалардан шундай хулоса қилиш мумкинки, кузги бугдойни сув тақчил бўлган йилларда хўжалик шароитида 6 марта суғориш ўрнига кам сув сарфлаб, суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70% да 2-2-1 тизимида, яъни 5 марта суғориш мақсадга мувофиқ бўлди. 2009-2012 йилларда кузги бугдойни суғоришларда 642-1125 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 4288 м³/га ни ташкил қилиб, назорат вариантига нисбатан 1934 м³/га кам сув сарфланди. Тажрибаларнинг назорат, яъни суғориш тартиби хўжалик шароитида етиштирилганда, 6 марта суғорилиб, суғориш меъёри 948-1142,6 м³/га, мавсумий суғориш меъёри эса 6222 м³/га ни ташкил қилди.

Тупроқ таркибидаги тузлар миқдорининг ўзгариши таҳлил қилинганда, дастлаб хлор иони миқдори кузги бугдойни экиш олдида ҳайдов (0-40 см) қатламда 0,011% ни, ҳайдовости қатламида 0,010% ни ташкил қилган бўлса, амал ўсув даври охирига бориб тупроқ таркибидаги хлор иони миқдори хўжалик шароитида етиштирилган кузги бугдой даласида тупроқдаги хлор иони миқдори вегетация охирида ҳайдов қатламида 0,026% га, 1 метрлик қатламда эса 0,028% га тенг бўлди. Бу эса 2-вариантга нисбатан 0,015-0,018 % гача ошган. Изланишларнинг 2-вариантда, яъни суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70%, маъдан ўғитлар меъёри N240; P180; K90 кг/га меъёрида қўлланилиб етиштирилган далада ҳайдов (0-40 см) қатламда 0,021% га тенг бўлган бўлса, 1 метрлик қатламда бу кўрсаткич 0,024% ни ташкил қилиб, вегетация бошига нисбатан 0,010-0,013% гача ошганлиги маълум бўлди.

Илмий изланишлар давомида тупроқ таркибидаги қуруқ қолдиқ миқдорининг ўзгариши таҳлил қилинганда, экишдан олдин унинг миқдори ҳайдов (0-40 см) қатламда 0,175% га





тенг бўлган бўлса, 0-100 см қатламда бу кўрсаткич 0,146% ни ташкил қилди. Хўжалик шароитида етиштирилган кузги буғдой даласида тупроқдаги куруқ қолдиқ миқдори вегетация охирига бориб ҳайдов қатламида дастлабки олинган натижага нисбатан 0,099% гача ошиб, 0,275% ни ташкил қилган бўлса, 1 метрлик қатламда бу кўрсаткич вегетация бошига нисбатан 0,096% гача ошиб, 0,242% га тенг бўлди. Изланишларнинг 2-вариантида эса, кузги буғдой даласида вегетация охирига бориб, тупроқ таркибидаги куруқ қолдиқ миқдори ҳайдов қатламда дастлабки олинган натижага нисбатан 0,073% гача ошиб, 0,248% га тенг бўлган бўлса, 1 метрлик қатламда бу кўрсаткич 0,221% га тенг бўлди.

Кузги буғдойнинг “Краснодар-99” навида вилоят учун қабул қилинган тартибда, яъни суғоришолди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 70-80-70% да суғорилиб, маъдан ўғитлар меъёри: азот 240 кг, фосфор 180 кг, калий 90 кг/га қўлланилганда, ўртача 64,3 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, 2011 йилда бу қиймат 62,0 ц/га ни ташкил қилди. Тажрибалар давомида 2012 йилда олинган ҳосил 63,2 ц/га га тенг бўлди. Назорат вариантыда эса, яъни хўжалик шароитида етиштирилган кузги буғдойдан 2010 йилда 54,9 ц/га, 2011 йилда эса 53,9 ц/га дон ҳосили олинган бўлса, 2012 йилда дон ҳосили 53,0 ц/га га тенг бўлди.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, кузги буғдойнинг “Краснодар-99” навини

ЧДНС га нисбатан 70-80-70%, маъдан ўғитлар меъёри N240; P180; K90 кг/га меъёрида қўлланилиб етиштириш натижасида суғориш сувлари 1500-1900 м³га сув тежалиб, қўшимча 9,2-11,8 ц/гача ҳосил олиш имконияти яратилади. Шунингдек, тупроқда тузлар миқдори назорат вариантыга нисбатан 0,27-0,21% кам йиғилиб, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга имкон яратилади.

Мухаммаджон ХАМИДОВ,
қ.х.ф.д., ТИҚХММИ,
Анвар ЖУРАЕВ,
қ.х.ф.д., доцент,
Умид ЖУРАЕВ,
қ.х.ф.ф.д. (PhD) доцент,
ТИҚХММИ Бухоро филиали.

УЎТ: 631.6.

ТАДҚИҚОТ

ТОМАТ ЎСИМЛИГИНИ ЕТИШТИРИШДА СУНЪИЙ ЁРУҒЛИКНИНГ ТАЪСИРИ


To grow tomatoes under a controlled agronomic system (CAS), several factors must be taken into account. One of them is light, which is important for plant life. We know that during the winter months the length of daylight hours is 9-11 hours, which, in turn, leads to an extension of the growing season of the tomato plant. Early in the morning and in the late afternoon before sunset, an additional 2-3 hours of light was given to increase yields.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги “Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлашда, соҳада фаолият олиб бораётган мутахассис ва изланувчиларга катта бир мадад бўлди. Бу борада бошқарилувчи агротизим (БАТ) (иссиқхона)ларни куриш, унда мақбул режимни яратиш ва ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Сабзавот маҳсулотларини кеч куз, қиш ва баҳорги мавсумларда етиштириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

Хусусан, мамлакатимизда ҳам сабзавот экинларига бўлган талабнинг юқорилиги сабабли, сабзавот маҳсулотлари етиштирилладиган майдон, умумий суғориладиган майдоннинг 40-45 фоизини ташкил қилади.

БАТ шароитида томат ўсимлигини ресурстежамкор технологиялардан фойдаланган ҳолда етиштириш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Олиб борилган тажриба натижалари кузги-қишки мавсумдан олинган ҳосилдорлик ҳисобланади.



Чесноков ва Базирина тадқиқотлари томатнинг йил давомида етиштиришда, таркиби ўзгармаган бир хил эритмани қўллаш мумкинлиги кўрсатган. Озуқавий эритманинг 2-3 гр/л бўлганда яхшироқ, 8 гр/л гача бўлган концентрациясида осмотик босимининг ошиши туфайли илдиш ўсиши тўхтайди, барглр ўлчами кичиклашади, мевалар чуққили чириш билан касалланади. Шунинг учун меъеридан ортиқ берилган озиқа эритмалари зарарли оқибатларга олиб келиши мумкин.

Б.С.Мошковнинг фикрига кўра, 20-25°C ҳаво ҳароратида ва юқори ёритишда (тахминан 50 минг люкс) помидор меваларининг ўсиши, ривожланиши ва пишиши 2-3 марта тезлашади. Ушбу ҳароратда ишлаб чиқариш бирлигига тўғри келадиган энергия миқдорининг тўлиқ қисқариши ҳисобига иқтисодий самарага эришиш мумкин.

Л.С.Александрованинг таъкидлашича, ёруғлик манбаларининг ичида энг кам электр энергиясини истеъмол қилувчилардан бири, бу – диодлардир. Қизил ва кўк нурни ўсимликнинг маълум даврларида нави билан ёки бир вақтнинг ўзида қўллаш орқали максимал мева етиштириш мумкин. Улар узоқ муддат ишлаши ҳамда жуда кам энергия истеъмол қилиши иқтисодий жиҳатдан анча самарали ҳисобланади. Нурли диодлардан комбинациялар қилиш орқали томат ўсимлиги ҳосилдорлигини оширишда ўсимлик учун зарур бўлган нурланиш оқимини бошқариш имконини беради.

Ёруғлик томат ўсимлигининг ҳосил самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади. 1-вариантда – M (суғориш меъёри) 660 – л/м², h (иссиқхона чуқурлиги) 0,1 м, S (шўрланиш даражаси) – 1 дс/м, T (ҳарорат)+25°C, n (кўчатлар сони) – 2,5 д/м² бўлганда, (табиий ёруғлик билан бирга) 14 соат ёруғликни таъминлаганда ҳосилдорлик 10,22 кг/м², 15 соатда 11,34 кг/м², 16 соат таъминланганда 12,4 кг/м² ҳосилдорликни ташкил этди. 2-вариантда M – 500 л/м², h – 1,5 м, S – 1 дс/м, T+25°C, n – 2,75 д/м², 14 соат



ёруғлик даврида ҳосилдорлик 9,61 кг/м², 15 соатда 11,02 кг/м², 16 соатда 12,5 кг/м², ҳосилдорликни ташкил этди. 16 соат ёруғлик билан таъминланганда ҳосилдорлик сезиларли даражада ошганини кўришимиз мумкин. 3-вариантда М – 650 л/м², h – 1 м, S – 1, T+30°C, n – 3 д/м² бўлганда 14 соат ёруғликда 12,1 кг/м², 15 соат қўшимча ёруғлик билан таъминланганда, 12,9 кг/м² ҳамда 16 соат қўшимча ёруғлик билан таъминлан-

ганда эса 13,7 кг/м² ҳосилдорлик аниқланган. Барча келтирилган вариантлар ичида 3-вариантдаги самарадорликнинг юқори эканлигини кўришимиз мумкин.

Абдусамат УБАЙДИЛЛАЕВ, докторант,
Рустам МУРАДОВ, т.ф.д.,
ТИҚХММИ.

АДАБИЁТЛАР

1. А.Н.Убайдиллаев, Р.А.Мурадов, Е.Лян. “Ўзбекистонда иссиқхоналардан фойдаланиш мавсумлари ва самарадорлиги”. “Агро илм”, 2019 йил, 6-сон.
2. Л.С.Александрова. “Рост и поглотительная деятельность томатных растений у условиях искусственного освещения”. Сб. трудов по агрономической физике. Вып. 15, Л. 1968. – Стр. 136-142.
3. А.И.Коровин, Б.С.Мошков. Влияние температуры на рост и развитие помидоров. 2015 г.

УДК: 632.7+632.8

ИССЛЕДОВАНИЕ

ИЗУЧЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ПРИМЕНЕНИЯ ИНТРОДУЦИРОВАННОГО ВИДА *TRICHOGRAMMA OSTRINIAE* В БИОЦЕНОЗЕ КУКУРУЗЫ

В последние годы в Республике Узбекистан против вредителей сельскохозяйственных культур с целью получения экологически чистой продукции широко применяется ряд энтомофагов. В их числе такие как трихограмма, бракон, энкарзия, златоглазка, макролофус и др.

Для массового разведения в производственных условиях, погоднo-климатические условия не всегда способствуют оптимальному развитию насекомых энтомофагов.

Сейчас в республике существует около 1000 биолaborаторий и биофабрик, где разводятся вышеупомянутые биоагенты.

Широкое применение против вредителей кукурузы в большом количестве и в многократных обработках инсектицидами в кукурузной монокультуре в республике, привело к резистентности к пестицидам.

Применение пестицидов широкого спектра действия, привело к массовому размножению ряда вредных защиты растений от вредных организмов, является применение биологического способа борьбы при помощи энтомофагов. Одним из доминирующих вредителей кукурузы является кукурузный мотылек, *ostrinia nubilalis* hb. Основной период вредоносности её происходит в фазе гусеницы, которая развивается внутри бутонов, цветков, завязей и плодoэлементов кукурузы. Это не даёт эффективно действовать пестицидам, ко многим из которых у неё также развилась резистентность.

В настоящее время в Республике Узбекистан против яиц мотылька разводят и применяют *ostrinia nubilalis* hb которая как мы выяснили, даёт низкую эффективность при температуре +35С.

В результате исследований мы узнали самую высокую и самую низкую естественную температуру для развития этого вида на территории Республики.

Для этого мы поместили пробы в различные температуры. Все пробы нумеровали и поместив в термостат при температуре +30-35 С и 50% влажности при дневном освещении 14 часов в день.

Нами также определена эффективность применения *T. Ostrinia* и *T. Chilonis* в лабораторных условиях на яйцах кукурузного мотылька, Хлопковая совка, Кукурузная совка, что видно из таб. № 1.

Таблица 1.

Изучение развития разных видов *Trichogramma* в экстремальных условиях (2017-2019гг.)

Вредители	Эффективность, %					
	30°C, 70-80%		35°C, 70-80%		40°C, 70-80%	
	<i>T.chilonis</i>	<i>T. ostrinia</i>	<i>T.chilonis</i>	<i>T.ostrinia</i>	<i>T.chilonis</i>	<i>T. ostrinia</i>
Кукурузный мотылек	73.4	78.2	48.0	64.1	37.5	40.1
Хлопковая совка	72.1	75.7	47.3	62.9	41.8	47.8
Кукурузная совка	71.6	74.1	49.4	63.4	42.2	49.2

Самая низкая зараженность яиц кукурузного мотылька и молей была отмечена при +35°C и 70 % влажности и температуре, самый высокий процент зараженности 78,2 % составил *T.ostrinia*. Так отмечен высокий процент зараженности яиц кукурузного мотылька.

Таким образом, в условиях кукурузного биоценоза высокую эффективность против яиц кукурузного мотылька показала *T.ostrinia* даже при экстремальной температуре в +40°C отмечено заражение 50 % яиц кукурузного мотылька, в условиях Среднеазиатского региона учитывая высокие температуры, поэтому в период вегетации кукурузы против вредителей в агробиоценозе рекомендуется применять против кукурузного мотылька *T.ostrinia*.

Отабек СУЛАЙМОНОВ, руководитель,
Научно-исследовательского
центра карантина растений,
Б.СОБИРОВ, с.н.с., зав. каф.,
А.АНОРБАЕВ,
профессор, д.с.х.н.,
ТашГАУ.





ЛИТЕРАТУРА

1. Кимсанбоев Х.Х., Сулаймонов Б, Рашидов М.И., Болтаев Б.С Биологическая лабораторияларда энтомофагларни кўпайтиришнинг биологик асослари (Ўқув қўлланмаси).- Тошкент, «Талқин», 2007. 19 бет.
2. Андреев С.А, Абашкин А.С. Механизация процессов разведения, хранения и выпуска трихограммы. // Применение трихограммы в защите сельскохозяйственных растений. Тез. Докл. I - Всесоюз.совещ. - Кишинев, 1978.-С.4-15.
3. Андреев С.А. Промышленное производство энтомофагов и других насекомых для биологической защиты растений. Применение трихограммы в защите сельскохозяйственных растений. Тез.докл.I - Всесоюз.совещ. – Кишинев, 1978.-С.8-10.
4. Арсланов М.Т., Сагдуллаев А.У., Ҳалилов Қ. Қишлоқ хўжалик экинларини биологик ҳимоя қилиш. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. дав.ил.наш. –Тошкент, 2010. – 89 б.
5. Астанакулов Ш. Озимая совка как вредитель бахчевых культур в условиях Сурхандарьинской области и меры борьбы с нею: Автореф.дисс. канд.с.-х.наук. –Ташкент, 1974.-21с.
6. Атамирзаев Х.Х, Атамирзаева Т.М. Применение Trichogrammapintoivoegela в борьбе с хлопковой совкой на томатах. Тез. Докл. III- Всесоюзн.совещ. по трихограмме - Кишинев, 1991. –С. 92-94.
7. Атамирзаева Т.М. Биологические особенности Trichogramma sugonjaevi (Hymenoptera, Trichogrammatidae) в лабораторных условиях. Тез. Докл.1I- Всесоюзн.совещ. по трихограмме - Кишинев, 1991.-С.5-6.
8. Адашкевич Б.П. Методическое указание по выявлению местных видов трихограммы.-Ташкент. Изд. МСХ, 1978.-6 с.
9. Адашкевич Б.П, Шийко Э. Разведение и хранение энтомофагов. -Ташкент. Изд.Узбекистан, 1983. –12 с.
10. Адашкевич Б.П. Трихограммани янгилаб туриш усуллари. Ўсимликларни ҳимоя қилиш. -Тошкент, №4, 1986. –Б. 47-50.

УЎТ: 677.21.021.152:66.047.76


ТАДҚИҚОТ

ТОЛАНИ ҚИЗДИРИШ ВА НАМЛАШНИНГ ПРЕССЛАШ ЖАРАЁНИГА ТАЪСИРИНИ ЎРГАНИШ

The article describes the results of experiments conducted in the production conditions of a cotton gin factory of the developed and justified parameters of a fiber humidifier with heating elements. Moistening the fiber while increasing its temperature facilitates the pressing process by reducing the elasticity of the fiber and increases the mass of fiber bales compared to the control.

Таклиф этилаётган қиздириш элементли тола намлаш ускунасини габарит ўлчамлари пахта тозалаш корхоналарига ўрнатилган стандарт ўлчамдаги тола лотогининг ўлчамларига мос равишда олинди, яъни намлаш ускунаси эни 900 миллиметрга тенг қилиб тайёрланди. Тола намлагичнинг узунлиги 1 литр қиздирилувчи цилиндрлик роликлар диаметри 76 миллиметрга тенг бўлиб, толани қиздириш ва намлашнинг пресслаш жараёнига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибалар толани намлаш ускунасининг танлаб олинган варианты, яъни қиздирувчи цилиндрлик роликларни сони 11 та, уларни оралиғидаги тиришларни ўлчами 10 миллиметрга тенг бўлган ҳолатида Сирдарё вилоятининг «Баявут пахта тозалаш» АЖ корхонасининг тола лотогига ўрнатилиб ўтказилди (1 ва 2-расм).

Маълумки, тола ҳароратини ошириш намликни ошириш билан бирга унинг эластиклигини камайтиради, бу эса ўз навбатида тола массасининг ҳам юк остида, ҳам юк олиб ташлангандан кейинги зичлигини оширади.



1-расм. Тола намлагичининг цилиндрлик роликларининг ички қисмига қўзғалмас ўрнатилган электр иситкичлари билан биргаликда кўриниши.



2-расм. Тола лотоги юқори қисмига ўрнатилган қисқа қувур (патрубук) ва аспирация қуварининг умумий кўриниши.

Толани намлаш самарадорлигини унинг ҳароратини ошириш ҳисобига эришиш мумкин, бунда толанинг эластиклиги камайиб, пресслаш жараёнини осонлаштиради ва буғ билан уни нисбатан камроқ намлаш орқали толанинг тойдаги оғирлигини оширади.

Тажрибалар таклиф этилаётган ускунада 4 вариантда ўтказилди. Тажрибаларда Ан-Баявут-2 навининг 1-нав пахта ғарамини дастлабки ишлаш жараёнида олинган толалардан фойдаланилди. Ҳар бир вариантдаги тажрибалар солинган ускуналарда тола прессида 5 донга той олингунча вақт ичида бажарилди. Технологик тизимда 2 донга 4ДП-130 русумли ар-рали жинлардан фойдаланилди ва тажриба вақтида уларнинг тола бўйича умумий иш унумдорлиги 2600—2700 кг/соатга тенг бўлди.

Ўтказилган тажрибаларда толанинг дастлабки намлиги 5,8 фоизни ташкил этди. Тажрибалар давомида толанинг намлиги пахта тозалаш корхонаси лабораторияси шароитида ўлчаб турилди. Намлаш вақтида қиздирилувчи цилиндрлик роликлар сиртидаги ҳарорат бир хил 74°C га тенг бўлди. Пресс агрегатининг иши босими бутун тажриба давомида ўзгармас ҳолатда бўлиши таъминланди. Тажрибалар давомида ҳар бир тойнинг массасини электрон тарозидида ўлчаб, уларнинг вариантлар бўйича ўртача массаси аниқланди. Тажрибаларнинг назорат вариантыда таклиф этилаётган толани намлаш ускунаси ишлатилмасдан, яъни толани намланмасдан пресслаш жараёни бажарилди. Тажрибанинг иккинчи вариантыда толани қиздириш элементли намлаш ускунаси ишга туширилди, юқорида келтирилганидек цилиндрлик роликлардаги ҳарорат 74°C ни ташкил қилди. Тажрибаларни учинчи вариантыда тола цилиндрлик роликлар ёрдамида фақат қиздирилди, бу





Толани қизиши ва намланишини тола тойларининг массасини ошишига таъсири

Тажриба вариантлари	Тола намлигини ошиши, %	Тола тойларини ўртача массаси, кг	Тойлар массасини ошиши, кг
Намланмаган тола (назорат)	0	216,4	0
Қиздириш +намлаш	1,4	225,7	+ 9,3
Толани қиздириш	0	219,6	+ 3,2
Толани намлаш	0,87	222,5	+ 6,1

вариантда ЭБГ русумли буг ишлаб чиқаргичи ишлатилмади. Тажрибаларнинг тўртинчи вариантыда цилиндрлик роликларни қиздирувчи электр ТЭН лари тоқдан узиб қўйилиб, ЭБГ русумли буг ишлаб чиқаргичи ишлатилди.

Жадвал.

Жадвал натижалари таҳлили толани намлаш билан бир вақтда ҳароратини ошириш толарининг эластиклиги камайиши ҳисобига пресшлаш жараёнини осонлаштириши ва тола тойлари массаси назоратга нисбатан энг кўп, яъни 9,3 килограммга ошишини таъминлайди. Таклиф этилаётган қиздириш элементли намлаш ускунаси амалдаги толани намлаш ускуналарига нисбатан самаралироқ бўлиб, тола тойлари массасини мавжуд намлаш жараёнига нисбатан 3,2 килограммга ошганлиги ҳисобига иқтисодий самара келтиради.

**Фарход ИСАНОВ, к.и.х.,
Алишер АКРАМОВ, т.ф.ф.д., (PhD),
Элёр ҚУРБАНБАЕВ, к.и.х.,
АО "Пахтасаноат илмий маркази".**

АДАБИЁТЛАР

1. Изыскание рациональной схемы увлажнения волокна в лотке перед прессованием. Отчет о НИР. ЦНИИХпром, Ташкент, 1992. 48 с.
2. Голубович Р.Ф. Влияние влажности воздуха на протекание технологического процесса прядения. Изд. НИТИ, 1934. С. 23-60.
3. Изучение производственного опыта и совершенствование способов увлажнения хлопка-волокна перед его прессованием. Отчет о НИР. ЦНИИХпром, Ташкент, 1969. 126 с.
4. T.M.Kuliev, K.Sabirov, F.J.Isanov Study of the influence of the heating temperature of the conveying rollers of the humidifier on the fiber quality. // <http://www.ijarset.com/> Vol. 6, Issue 11 , November 2019.

УЎТ: 631:639.005.

ТАДҚИҚОТ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИДА БАЛИҚЧИЛИК
ФАОЛИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ**

В статье представлены научные исследования и данные о текущем состоянии рыболовства в стране и прогнозных параметрах его дальнейшего развития до 2025 года.

XXI асрга келиб, дунёда озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари танқислигининг тобора кучайиб бораётганлиги, дунё аҳолисининг тез суръатларда кўпайиши ва табиий ресурсларнинг тобора камайиб бориши, балиқчиликни бошқаришда турли муаммоли вазиятларга дуч келиниши, ҳар хил инқирозларнинг кескин ортиб бориши бугуннинг муҳим муаммоси бўлиб турибди. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) нинг озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бўйича ташкилоти ФАО маълумотларига кўра, дунёда озиқ-овқат маҳсулотлари нархининг тобора ошиб бориши ўта долзарб масалалардан ҳисобланади.

Таҳлиллар шундан далолат берадики, балиқчилик хўжаликларининг даромади, энг аввало, аҳолини балиқ маҳсулотлари билан таъминлаш орқали олинади. Демак, бунда икки томонлама манфаатнинг қондирилиши ҳақида гап кетмоқда. Шундай экан, истиқболда ҳам инсоннинг эҳтиёжи ортса-ортадики, асло камаймайди, бунда манфаатлар тўқнашаверади. Фақатгина, уларнинг даромадига меҳнатга лаёқатли аҳоли сони, бошланғич маблағ, ер ва сув майдони ҳамда тадбиркорлик қобилияти каби ишлаб чиқариш омиллари таъсир этаверади. Кейинги йилларда, ҳатто, бу омиллар турига ахборот ресурси ҳам қўшилдики, маҳсулот ишлаб чиқариш учун, аввало, эҳтиёжни аниқлаш ва ахборотларни қайта ишлаш орқали маҳсулотлар харидорлигини таъминлаш мумкин.

Шу ўринда балиқчилик хўжаликлари етиштираётган тансиқ балиқ маҳсулотлари нафақат аҳолининг талабини қанчалик қондира олаётганлиги билан изоҳланиб қолмай, балки балиқчилик хўжаликларини ишлаб чиқариш саноати билан узвий боғлиқлиги

The article presents scientific research and data on the current state of fishing in the country and the forecast parameters of its further development until 2025.

қай даражада эканлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тадқиқот ишимизда Қашқадарё вилоятида 2019-2025 йилларга мўлжалланган балиқ етиштириш прогнози ишлаб чиқилган бўлиб, бу прогноз тренд модели бўйича ҳисоблаб чиқилган.

1-жадвал.

Нативавий омилларнинг белгиланиши

Қашқадарё вилояти	Белгилашлар
Ғузур	Y1
Дехқонобод	Y2
Қамаши	Y3
Қарши	Y4
Қосон	Y5
Китоб	Y6
Миришкор	Y7
Муборак	Y8
Нишон	Y9
Қасби	Y10
Чироқчи	Y11
Шаҳрисабз	Y12
Яккабоғ	Y13
Қарши ш.	Y14
Шаҳрисабз ш.	Y15

Бунда прогнозлаш вазифаларини бажаришда вақтли қаторлар, асосан, ўтган йиллардаги кўрсаткичлар тенденцияси аниқ ва барқарор бўлгандагина фойдаланиш мумкин. Бу олдинги йил-





2-жадвал.

Моделнинг сифати ва аҳамиятини текшириш мезонлари ҳамда тренд моделлар.

Туманлар:	Тренд модел	Корреляция коэффициенти R	F-хакикий	Тасодифий хатолик
Гузур	$Y_1 = 18,5 \cdot t + 35,43$	0.99	25668,75	0.0039
Дехконобод	-	-	-	-
Қамаши	$Y_3 = 58,5 \cdot t + 260,467$	0.64	1,875	0.0404
Қарши	$Y_4 = 427,8 \cdot t + 1295,9$	0,84	5,069	0,163
Косон	$Y_5 = 119,125 \cdot e^{0,1662 \cdot t}$	0.99	103.52	0.062
Китоб	$Y_6 = 168,626 \cdot e^{0,0827 \cdot t}$	0.929	13.159	0.172
Миришкор	$Y_7 = e^{5,56} + 0,042 \cdot t$	0.83	4.78	0.273
Муборак	$Y_8 = 49,602 \cdot t^{0,112}$	0.9	7.969	0.212
Нишон	$Y_9 = e^{7,116 \cdot \frac{1,406}{t}}$	0.96	26.09	0.123
Касби	$Y_{10} = 181,298 \cdot t^{0,0596}$	0.99	163.56	0.05
Чирокчи	$Y_{11} = 88,99 \cdot t - 81,399$	0.8	3.788	0.31
Шахрисабз	$Y_{12} = 500,154 - \frac{208,615}{t}$	0.95	19.564	0.12
Яккабоғ	$Y_{13} = 247,367 + 29,746 \cdot \ln(t)$	0.89	8.653	0.209
Қарши ш.	$Y_{14} = 155,382 \cdot t^{0,112}$	0.90	8.561	0.21
Шахрисабз ш.	$Y_{15} = 4,25 \cdot t + 6,2667$	0.99	442.347	0.03

лардаги тенденцияни келажакда давом этишини кўриш имконини беради. Кузатилаётган жараёнлар ривожланиши барқарор тенденция (тренд)да ва тренд атрофидаги кўрсаткичлар қийматининг тебранишидаги айрим бир ҳолатларга боғлиқ бўлади. Мавсум компонентларининг одатий давомийлиги кунлар билан, ҳафта ёки ой билан ўлчанса, цикликда эса йиллар ёки бир неча йиллар билан ўлчанади.

Тренд моделини ҳисоблашда натижавийлик омиллари аниқланиб, белгилаб олинади (1-жадвал).

Қашқадарё вилоятидаги мавжуд туманлар белгилаб олингандан сўнг, тренд модели ишлаб чиқилди (2-жадвал). Бунда корреляция коэффициенти R 0,8 дан тушмаганлиги, тасодифий хатолик 0,3% дан ошмаганлигини кўриш мумкин.

Қашқадарё вилоятида 2025 йилда 11409,9 тонна балиқ етиштирилиши ҳисоблаб чиқилган бўлса, 2016 йилга нисбатан 9225,4 тоннага ёки 522% га кўпайиши башорат қилинди.

Балиқчилик соҳасини бошқариш, жойлаштириш, меҳнатнинг ижтимоий бўлиниши, географик (худудий) бўлиниши, мавжуд ресурслардан фойдалана олиш ҳар бир шаклини тўлиқ ўрганиш асосида ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятлари юзага келади. Умумий кўринишда балиқчилик соҳаси ишлаб чиқаришни худудлар бўйича маълум принциплар асосида ва қатор омиллар таъсирида шакланган табиий, ижтимоий, демографик, сиёсий шаро-

итларга кўра тақсимланишини кўрсатади.

Бундай шароитда эса, балиқ етиштириш тизимини олдиндан башоратлаш, келгусида ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва бозор талабини қондириш ҳолатини прогнозлаш каби вазифалар долзарблик касб этиб бораверади.

Учкун БЕГЛАЕВ,
ТошДАУ ассистенти.

3-жадвал.

2019-2025 йилларда Қашқадарё вилоятида балиқ етиштиришнинг тренд моделлар бўйича прогнози.

Туман ва шаҳарлар	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	2024	2025
	2184,5	4 769,6	5 658,0	6727,7	7515,3	8290,5	9062,0	9836,0	10617,2	11409,9
Гузур	54	72,3	91,0	109,4	127,9	146,4	164,9	183,4	201,9	220,4
Дехконобод	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Қамаши	275	465,4	392,0	494,5	553,0	611,5	670,0	728,5	787,0	845,5
Қарши	1 703,4	1 802,1	2 559,0	3007,1	3434,9	3862,7	4290,5	4718,3	5146,1	5573,9
Косон	142,0	163,0	198,0	231,6	273,5	322,9	381,3	450,3	531,7	627,9
Китоб	185,6	193,8	219,0	234,8	255,0	277,0	300,9	326,9	355,1	385,7
Миришкор	273	201,4	297,0	306,4	319,5	333,3	347,6	362,6	378,2	394,5
Муборак	49,4	51,9	52,0	53,1	53,7	54,2	54,6	55,0	55,3	55,6
Нишон	294	678,0	712,0	878,0	967,3	1040,3	1102,0	1155,5	1202,7	1244,9
Касби	181,1	189,5	170,0	196,9	199,5	201,7	203,6	205,2	206,7	208,0
Чирокчи	34	43,8	212,0	274,6	363,6	452,6	541,6	630,6	719,6	808,6
Шахрисабз	287	414,0	307,0	448,0	458,4	465,4	470,4	474,1	477,0	479,3
Яккабоғ	245	307,4	276,0	288,7	295,4	300,8	305,4	309,4	312,9	316,1
Қарши ш.	154	172,0	173,0	181,4	186,0	189,8	193,1	196,0	198,6	200,9
Шахрисабз ш.	10,4	15,0	-	23,3	27,5	31,8	36,0	40,3	44,5	48,8

АДАБИЁТЛАР

1. FAO Sofia Report 2016 and Globefish Highligh October 2017; FAO Food Outlook June 2016, EUMOFA Monthly Highlights 4/2016 маълумотлари асосида муаллиф ҳисоб-китоби.
2. Макконелл К., Брю С. Экономикс: принципы, проблемы и политика в 2-х т.: Пер. с англ. Таллин, 1993 г.
3. “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси маълумотлари. 2019 й.
4. Қашқадарё вилояти статистика қўмитаси маълумотлари. 2018-2019.
5. Хакимов Р., Отақулов М., Юсупов Э., Юсупов М. “Агросаноат мажмуаси иқтисодиёти”. Ўқув қўлланмаси. ТДИУ, Тошкент, 2004 й.
6. О.В.Кузнецова. Управление формированием региональных кластеров рыбоводства. Ижевск, 2012. 194 с.
7. Ф.Беркис, Р.Махон. Кичик балиқчиликни ривожлантириш. Канада, 2009.



**Мамлакатимизнинг барча
меҳнаткашларини, фермер хўжалиги
ходимларини латофат ва саноқат айёми –
Наврўзи олам билан қутлаймиз.
Барча орзу истакларингиз ушатиб,
эзгу ниятларингиз ижобат бўлсин!**

**Хива туманидаги Йўлдош Нажиб
фермер хўжалиги жамоаси**

УДК: 632.768

ИССЛЕДОВАНИЕ

ОТЛИЧИТЕЛЬНЫЕ ПРИЗНАКИ ЖУКОВ С ОДНОГОДИЧНЫМ И ДВУХГОДИЧНЫМ ЦИКЛОМ РАЗВИТИЯ

The article discusses the difference in the occurrence of ornamental and fruit trees in one and two years, and the effect of the parasites on them.

В первые дни появляются исключительно самцы, затем через 7-10 дней, в период массового выхода жуков, появляются самки. Весь период активной жизни (27-33 дня) жуки не питаются; жуки быстро бегают по стволу дерева. Самцы очень агрессивны, часто наблюдается схватка соперников.

Оплодотворенные самки через 1-2 дня приступают к от-

кладке яиц, чаще всего они используют для этого трещины коры и углубления. Плодовитость самки (n=25) составляет в среднем 84,6 +5,1 яиц. Они откладывают по 1, очень редко по 2-3 яйца на место, причем не ежедневно, а с перерывами в 1-3 дня. Максимальная плодовитость в наших исследованиях составляла 121 яйцо; по литературным данным — 121-342 шт.

Таблица 1.

Отличительные признаки жуков городского усача с одногодичным и двухгодичным циклом развития.

Жуки	Число наблюдений,	Средне арифметическое значение, м	Средне квадратическое отклонение, ±	Средняя ошибка, ±m	Коэффициент вариации, V %	Показатель точности, P %	Коэффициент корреляции, t
Длина тела жуков, мм							
С двухгодичной генерацией	50	41,3	2,635	0,372	6,4	0,9	4,9-3
С однолетней генерацией	50	23,1	2,659	0,376	11,5	1,6	
Плодовитость самок, шт, яиц							
С двухгодичной генерацией	15	93,6	5,819	1,499	6,3	1,5	8,7-3
С однолетней генерацией	15	31,3	4,119	1,062	13,2	3,4	



Через 7-10 дней вылупляются личинки, которые вгрызаются в кору, затем в древесину. Личинки питаются до глубокой осени, достигая длины 30-50 мм, прогрызают ход в древесину и там зимуют, небольшая часть личинок (3-5%) зимует под корой.

Весной второго года личинки продолжают питаться, в зависимости от условий то лубом, то древесиной, прогрызая глубокие ходы в древесину. В процессе питания личинки, очищая ход, выбрасывают через отверстие в коре буровую муку, которая накапливается у основания ствола, иногда в значительных количествах, по этому признаку можно определить зараженное дерево.

В конце июля-августе личинки заканчивают питание, в конце хода в древесине выгрызают овальную колыбельку, закрывают вход крышечкой из беловатого выделения и окукливаются.

В конце августа появляются молодые жуки, которые остаются там же зимовать и только весной третьего года вылетают. Полный цикл развития городской усач завершает в течение 2 лет. Однако нами наблюдалась и годичная генерация. Это происходит, если личинки питаются сухой корой и древесиной. Такие жуки отличаются значительно меньшими размерами, плодовитость их в 3 раза ниже (табл.1)

Таким образом, городской усач полный цикл развития может завершить в течение как одного, так и двух лет.

Кормовые растения. Городской усач-полифаг, он повреждает большое количество лесных и плодовых пород. Нами усач отмечен на разных видах тополей, ивах, карагаче, чинаре, ясенях, кленах, грецком орехе, лохе, акации белой, глядиции, шелковице, дубе, березе, яблоне, груше, айве, сливе, абрикосе, черешне. Впервые отмечен на софоре японской (*Sophora Japonia* L.) и мыльном дереве (*Koeleria poniculata* Zorn.). По литературным данным, повреждает также маклюру, каркас, граб, ольху, алычу, тополь таджикский и виноградную лозу.

Основной стадией городского усача по всему ареалу являются низко- и среднеплотные насаждения, в том числе и перестойные. Определенное значение имеет состояние популяции. Наши исследования показали, что оно может быть депрессивным и экспрессивным, хотя четкую границу установить трудно.

При депрессивном состоянии популяция усача немногочисленна и вместе с другими стволовыми вредителями заселяет главным образом перестойные деревья. На физиологически ослабленных деревьях усач становится доминирующим видом в биоценозе. При заселении внешне здоровых деревьев популяция городского усача переходит в экспрессивное состояние.

Распространение городского усача на отдельные деревья и древостои происходит только в период лёта жуков (личинки, как уже указывалось, остаются на месте питания 1-2), в результате на одном дереве развивается несколько

поколений усача, в связи с чем степень повреждения возрастает. Как следствие этого, условия питания каждого последующего поколения личинок ухудшаются, они начинают кормиться отмирающими тканями дерева, а впоследствии и сухой древесиной, что в свою очередь, приводит к снижению жизнеспособности усача, появлению мелких жуков с одногодичной генерацией.

Совместно с городским усачом на поврежденных деревьях древостоях поселяются многие другие стволовые вредители и членистоногие, использующие деревья как убежище.

Набор энтомокомплекса зависит от древесных пород, из которых слагается насаждение, их состояния. В роли первичных вредителей чаще всего выступает городской усач, летные отверстия жуков можно увидеть на совершенно здоровых деревьях. И уже позже появляются такие стволовые вредители, как Туранский (*Turanium pilosum* Reitt), Наманганский (*Xyletrechus namanganencia* Heya) усачи. Одновременно с ними на тополях (*Populus* sp.), особенно в изреженных и линейных насаждениях, поселяются малая тополевая или пятнистая златка (*Melenophita pista* Pall.), темнокрылая стеклянница (*Scieptron tabaniforme* Kungessana Alph.). Последних обнаруживали также на тополях, поврежденных пахучим древоточцем (*Cossus cossus* L.).

На карагачах (*Ulmus* sp.) наряду с городским усачом поселяется златка (*Cratomerus Interemedius* Obenb.), при этом жуки явно предпочитают тонкие ветви ослабленных деревьев, хотя встречаются они и на совершенно здоровых карагачах, а также других плодовых деревьях. Очень сложные взаимоотношения между городским усачом и карагачевыми заболонниками, особенно с заболонником разрушителем (*Scolytus scolytus* Fabr.). Если городской усач поражает карагачи в средней части ствола, то большой вязовый заболонник зачастую занимает нижнюю часть.

Из членистоногих нужно отметить муху (*Liopygia* (*Thomsonea* *argyrostoma* (R.D)) — паразита городского усача, в летных ходах городского усача, в большом количестве находятся пауки (*Aranei*), муравьи (*Fermicae*), древесный клоп (*Apodiphus integriceps* Haw.), шершни (*Vespicidae*), а в Беговатском лесхозе в ходе обнаружили приютившуюся фалангу (*Galeodes caspina*) довольно крупного размера.

Из энтомофагов городского усача нами впервые на жуках выявлена синантропная муха из саркофаг — *Ziopygia* (*Thomsonea* *argyrostoma* (R.D.)). Жуками питаются птицы *Picapicau* L. И *Actidothers tristis* L. Кроме того, погибшие и куколки часто бывают покрыты белой грибницей гриба — *Beavera bassidiana* Bals (Vauil.). Необходимо отметить, что энтомофаги встречаются мало, и они не могут контролировать численность усача.

Шамси ЭСАНБОЕВ, к.б.н.,
Нилуфар ИРГАШЕВА, ассистент,
Мохичехра АБЛАЗОВА, д.с/х.н.,
ТашГАНУ.

ЛИТЕРАТУРА

1. Прутенский Д.И.-Усач (*Acolesthes sartasolaku*) вредитель древесины. Сталинабад. Изд-во агролесомелиоративного треста Таж.ССР, 1932. 44с.
2. Кулинич П.Н. —Жуки, вредящие плодовым и орехоплодным культурам южного склона Гиссарского хребта, Душанбе, 1965 г. 170 с
3. Гершун М.С. Городской усач и меры борьбы с ним. Науч. Тр.С.А.Н.И.И.Л.Х Вып1-И М.Л. Гослесбумиздат, 1951. С.56-63.
4. Ш.Эсонбаев ва бошқалар – Мевали ва манзарали дарахт танаси зараркунандалари. Ўқув қўлланмаси. Тошкент 2019 й. 60 бет.



Аму-Бухоро ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси жамоаси

*Мамлакатимиз аҳлини, сув
хўжалиги тизими ходимларини
баҳорги кун ва тун тенглиги –*

Наврўзи олам

билан табриклайди.

*Аграр соҳа вакилларининг
халқимиз дастурхонини тўкин
этишдек эзгу ишлари унумли,
бободехқонларимизнинг хирмони
баракали бўлишини тилайди.*

*Ҳар тунинг қадр ўлубон,
ҳар кунинг бўлсин Наврўз!*

ВАТАНИМИЗНИНГ БУЮК КУЙЧИСИ

Абдулла Ориповни нафақат Ўзбекистонда, балки ер юзидаги бир қанча мамлакатларда яхши билишади ҳамда унинг шеър ва дostonларини севиб ўқишади десак муболаға бўлмайди. Айнан шундан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 2 декабрда “Ўзбекистон Қаҳрамони ва Халқ шоири Абдулла Орипов таваллудининг 80 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” қарор қабул қилди. Ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган атоқли шоир, таниқли жамоат арбоби, Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳияси муаллифи, Ўзбекистон Қаҳрамони А. Ориповнинг бетакрор ижодий мероси, унинг Ватанга муҳаббат, вафо ва садоқат туйғусини, олижаноб инсоний фазилатларни мадҳ этган етук бадиий асарлари, сермазмун ҳаёти ва ижтимоий фаолиятининг халқимиз маънавиятини юксалтириш, ёш авлод тарбиясидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир.

Қуйида халқимизнинг сеvimли шоири ижодидан намуналарни эътиборингизга ҳавола этамиз.



МЕН НЕЧУН СЕВАМАН ЎЗБЕКИСТОННИ...

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Тупроғин кўзимга айлаб тўтиё.
Нечун ватан, дея еру осмонни,
Муқаддас атайман, атайман танҳо.

Аслида дунёда танҳо нима бор?
Пахта ўсмайдими ўзга элда ё?
Ёки қуёшим сеvimга сабаб?
Ахир қуёшли-ку, бутун Осиё.

Мен нечун севаман Ўзбекистонни,
Боғларин жаннат, деб кўз-кўз этаман.
Нечун ардоқларкан тупроғини мен,
Ўпаман, тупроғинг бебаҳо, Ватан!

Аслида тупроқни одил табиат,
Тақсим айлаган-ку, ер юзига тенг
Нечун бу тупроқ, деб йиғлади Фурқат,
О, Қашқар тупроғи, қашшоқмидинг сен?

Мен нечун севаман Ўзбекистонни?
Сабабини айтгин, десалар менга.
Шоирона, гўзал сўзлардан олдин,
Мен таъзим қиламан она халқимга:

Халқим, тарих ҳукми сени агарда,
Мангу музликларга элтган бўлсайди,
Қорликларни макон этган бўлсайдинг,
Меҳрим бермасмидим ўша музларга?

Ватанлар, Ватанлар, майли, гулласин,
Боғ унсин мангулик музда ҳам, аммо,
Юртим, сени фақат бойликларинг чун
Севган фарзанд бўлса, кечирма асло!

АЁЛ МАДҲИ

Дунёга келтирдинг – онамсан,
Мен учун тенги йўқ оламсан.
Ёритдинг ҳамиша йўлимни,
Севикли қизимсан – боламсан.

Бормикан сендайин иболи,
Ўзбекнинг фаришта аёли.
Темурбек ёнида Бибихон,
Пойингга сочилди қашқашон.

Гоҳида анордек эзилдинг,
Нодира бўлиб гоҳ бағринг қон.
Ниятинг авлодлар қамоли,
Ўзбекнинг фаришта аёли.

Момосан, Атода ҳаққинг бор,
Бу гўзал дунёда ҳаққинг бор.
Ватан деб жангга ҳам кирган сен,
Ёд этса, дуода ҳаққинг бор.

От сурдинг Тўмарис мисоли,
Ўзбекнинг фаришта аёли.
Сен озод замонга етишдинг,
Хур, обод давронга етишдинг.

Фарзандлар юлдуздек парвона,
Минг йиллик армонга етишдинг.
Эл-юртим, оилам жамоли,
Ўзбекнинг фаришта аёли.

ТАРАҚИЁТ

Ҳали баҳор календарда кўрсатмаган юз,
Ҳали пўстин ичида ҳам жунжикар одам.
Ҳали момиқ қор остида ухлар дала-туз,
Бирдан Сурхон томонларда гул очар бодом.

Балки кимдир ҳовлисида шу зум, шу соат,
Мойлаб ётар эски, шалоқ аравасини.
Худди шу он қайлардадир битта азамат
Кашф айлайди мотоцикл кажавасини.

Қай бир хофиз ҳавас кўзгаб ошналарида
Сайраб ётар базмларда сўлаги оқиб.
Кимдир эса Италия саҳналарида
Қўшиқ айтар миллионларнинг юрагин ёқиб.

Қайда эса йўқсилгина битта ҳаваскор
Шеър ёзади, мақтовларни ўйламас гарчанд.
Лекин шу дам ороланиб бир шоир номдор
Китоблари рўйхатини санаш билан банд.

Йўқолмагай, бадар кетмас кашфу ихтиро,
Униб-ўсгай балки Худо назар солганлар.
Тарақиёт йўли шундай, пайт келса аммо
Улар бизнинг шоғирдимиз дейди қолганлар.

ЎЗБЕК АЁЛЛАРИНИНГ ТИМСОЛИ



Ҳар бир инсон учун уни туғиб, оқ ювиб-оқ тараб вояга етказган онасиданда азиз ва мўътабар инсон бўлмаса керак. Шунинг учун қайси бир ёзувчи ёки шоирни олманг, унинг ижодига оналарга алоҳида жой ажратилган. Ушбу мақола Иккинчи жаҳон уруши даврида ҳам меҳнат қилиб, ҳам болаларини асраб-авайлаб катта қилган оналарнинг бирига бағишланади.

Бутун умрини эл-юртига, ўз халқига хизмат қилиш билан ўтказган, жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаган меҳнатқаш, мунис, меҳрибон аёллардан бири онам Баҳор Қодирова эди.

У 1904 йилда Фориш туманининг Илонли қишлоғида камбағал деҳқон оиласида туғилиб вояга етган. Отам Ризо Қодиров Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейинги даврларда ҳам “Правда” жамоа хўжалигидаги қорамолчилик фермасида подачилик қилар эди. Қорамолчилик фермаси тоғли ҳудудда жойлашганлиги боис урушдан қочиб юрган оч одамлар ва бошқа ўғрилardan хўжаликнинг чорва молларини кўриқлаш жуда ҳам оғир бўлган, подачидан доимо хушёрликни талаб қилган. Онам эса 4-5 нафар қишлоқ аёллари билан юз эллик бошга яқин сирларни соғарди. Ўша даврларда халқ жуда оғир аҳволда кун кечиришига қарамасдан, ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг аксарият қисми “Ҳамма нарса фронт учун” шиори остида уруш бўлаётган жойларга жўнатилар эди.

Онам ҳар куни ҳамроҳлари билан кунлик соғиб олинган сутни катта-катта қозонларда пиширарди. Сутни ёғочдан ясалган тол қувиларда пишиб, ёғини ажратиб олар, айронини эса жундан тўқилган катта қопларда зардобини чиқариш учун сиздириб, бир неча кун ўтгач, уни яна қозонларда қайнатиб, ундан қурт қиларди. У “фронт учун” деб ҳар йили бир неча тонна сариёғ ва қуритилган қуртларни жамоа хўжалиги омборига топширар эди.

– Қиш-қировли кунларда сут соғувчи аёллар ҳам чорва молларининг парвариши ва шу каби ёрдамчи ишларга жалб қилинарди. Ўша пайтларда аксарият жамоа хўжаликларининг иқтисодий ҳолати ўта ночор бўлиб, ишга яроқли одамларнинг кўпчилиги фронтга ва бошқа давлат аҳамиятига эга бўлган канал ҳамда сув омборлари қурилишига жалб қилинган эди. Қишлоқдошларимиз ҳам оғир аҳволда кун кечирар, айрон сўраб келган аёллар ва болаларнинг кети узилмасди. Мен уларнинг бирортасини ҳам бўш қўл билан қайтармас, имкон қадар айрон ичига озгина бўлса ҳам сариёғ солиб берар эди. Улар эса раҳмат айтиб, хурсанд бўлиб, ўз идишларини кўтариб кетишарди, – дея ўша дамларни хўрсиниб, гоҳида кўзига ёш олиб, эслаб қўяр эди онам. – Ҳа, шундай оғир кунларни бошимиздан кечирдик. Яратгандан сўраганимиз битта – фақат халқимиз, юртимиз тинч, омон бўлсин.

Шундай оғир кунларда қишлоқдошларимизнинг ҳол-аҳволдан хабардор бўлиб, имкони борича турмуш шароитига ёрдамлашиб тургани учунми, ёши катта нурунийлар, аёллар, яқин қариндошларимиз ҳам онамни ҳурмат қилиб “катта она” ёки “катта момо” деб чақирар эди. Онам бағрикенг, уddaбурон, меҳнатқаш, меҳрибон, болажон ўзбек аёлларининг бир вакиласи бўлиб, 9 фарзандни тарбиялаб вояга етказди.

Қадимдан ўзбек аёллари бағрикенг, олий ҳиммат, болажон бўлиб, ўз фарзандларининг бахт-иқболини кўришни ниёт қилишган. Онам ҳам ана шундай оналардан эди. У ўз фарзанд-

ларининг барчасини уйли-жойли қилиб, нафақат фарзандлари, балки набираларининг ҳам бахту иқболини кўришга муяссар бўлди. “Ҳар бир фарзандимнинг ҳаётда мен учун алоҳида ўрни бор, уларни вақтида кўриб турмасам, бир томоним йўқдай туюлади”, дер эди онам. Шундан бўлса керак, уларнинг ҳар бирини алоҳида-алоҳида йўқлаш онам учун одат тусига кириб қолган эди.

Мен 1966 йили Тошкент халқ хўжалиги институти (ҳозирги Тошкент давлат иқтисодиёт университети)га ўқишга кириб, 1970 йили уни муваффақиятли тамомлаб, олий маълумотли иқтисодчи мутахассислигига эга бўлдим. Шундан сўнг, бир неча давлат хўжаликларидан оддий бухгалтер ва бош ҳисобчи вазифаларида эл-юртга сидқидилдан хизмат қилдим. “Интилганга толе ёр” деганларидек, 1982 йил Ўрта Осиё қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти илмий-тадқиқот институтига – ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда, аспирантурага ўқишга кирдим. Шундай қилиб, 1988 йилда иқтисод фанлари номзоди илмий диссертация ишмини муваффақиятли ҳимоя қилдим. Ўша пайтлари онам 84 ёшда бўлиб, оғир бетоб эди. Мен эса Яратгандан онам учун умр сўрар эдим. Мен Тошкентда диссертацияга оид ишларимни битириб, бир неча кундан кейин онамни кўргани оила аъзоларим билан қишлоқдаги Мамасоли акамнинг уйига бордим, онам эса алоҳида хонада тўшақда ётар эди. Онам мени кўрдию, “болам” деб кўришиш учун ўнг қўлини узатди, мен эса онамни бағримга босиб, “омонмисиз-соғмисиз” деб йиғлаб кўришдим. Онамнинг елкасига бир ёстиқ қўйиб бошини бироз кўтардим, у киши мажолсиз қўлларини бошимга қўйиб эркалар ва кўз ёшларимни артар, “Синовлардан яхши ўтибсан, кам бўлма, ўғлим, сенинг ишларинг ўнгидан келсин деб дуои-фотиҳа қилиб турдим, ҳа, болам доимо ишингнинг баракасини берсин”, деди онам. Мен: “Халқимизда “Оналарнинг дуоси ижобат бўлади” деган гап бор дедим. Онам эса қулимсираб, бошини ирғаб қўйди.

Шундан сўнг онам билан набиралари курсовида бир оз вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Мен ўша пайтлари Зафаробод туманидаги “Уч қахрамон” давлат хўжалигида бош ҳисобчи вазифасида ишлар эдим. Онамдан узр сўраб, хизмат вазифамга боришимни айтиб, Яратгандан эса онамга соғлик-саломатлик тилаб хайрлашдим. Онам 1988 йил 20 июль куни, 84 ёшида оламдан ўтди.

Халқимизда “Яхшидан боғ қолади” деган нақл бор. Бугунги кунда Баҳор онамнинг 30 га яқин фарзанду набиралари, эваралари халқ хўжалигининг турли соҳаларида олий маълумотли мутахассислар бўлиб, фидокорона меҳнатлари орқали эл-юрт бойлигига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Бу ўша оғир кунларда фронт ортида – далада, чорвачилик фермаларида, қурилиш ишларида белини маҳкам боғлаб, фидокорона, қахрамонларча меҳнат қилган миллионлаб ўзбек аёллари жасоратининг оддий бир кўринишидир.

Чиндали РИЗАЕВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЎЗБЕК МЕВАЛАРИНИ ДУНЁГА ТАНИТГАН БОҒБОН

Бугунги мақоламизда инсон саломатлиги учун муҳим витаминларни ўзида сақловчи ва барча бирдек севиб истеъмол қиладиган ўзбек узумларини жаҳонга танитган, узумнинг бир неча янги навларини яратган ҳамда узум етиштиришнинг ўзига хос усулини кашф қилган ўзбек фарзанди, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном”, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби”, академик Махмуд Мирзаевнинг ҳаёт ва фаолият йўлига бир назар соламиз.



Махмуд Мирзаев 1921 йил 15 июнда Тошкент шаҳрида туғилган. 1943 йилда Тошкент қишлоқ хўжалиги институтини тугатгандан сўнг, Қўнраб боғдорчилик совхозида бош агроном вазифасида ишлайди.

1949 йилда академик Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг директори этиб тайинланади (ҳозир ушбу институт айнан Академик Мирзаев номи остида фаолият юритади). У ерда 2000 йилгача, яъни 51 йил директор бўлиб ишлайди. 1951 йилда номзодлик, 1976 йилда докторлик диссертацияларини ҳимоя қилади. Олим томонидан 300 дан ортиқ илмий мақолалар, 3 та монография ва ўқув дарсликлари нашр этилган. У мева ва узум селекцияси бўйича тадқиқотлар олиб борган. Натижада мева ва узум турларининг бир қатор янги навлари яратилган.

Махмуд Мирзаев тоғ этагидаги ҳудудларда узумзор ва боғ яратиш технологиясини ишлаб чиққан олим сифатида ўзбек узумчилик тарихида қолган. Академик Мирзаев тошли ва шўрланган ерларни ўзлаштириш бўйича салмоқли илмий изланишлар олиб борган. Унинг бир неча илмий китобларида боғдорчилик ва тоқчилик билан ота-боболаримиз қадимдан шуғулланганлиги, кўпгина мева ва узум навларини яратиш тарихлари хусусида қимматли маълумотларни келтириб ўтган. Жўмладан, М.Мирзаевнинг 1987 йилда чоп этилган “Боғдорчилик” номли китобида машҳур соҳибкор, “Ризамат ота” узум навининг асосчиси, “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном” Ризамат ота Мусамуҳаммедовнинг куйидаги фикрлари келтирилади: “Боғдорчилик ўзбекларнинг севишли касби. Биз ўзбеклар кўз очиб узум, олма ва бошқа ширин-шакар меваларни кўрганмиз. Йиғлаганимизда оналаримиз сўргич ўрнига узумнинг ғужумини сўрдирганлар. Хуллас, боғдорчилик қонимизга сингиб кетган”.

Махмуд ака директорлик қилган даврда институт узумчилик соҳаси бўйича катта ютуқларга эришган. Институтнинг узумчилик йўналиши илмий ходимлари ҳамда Республиканинг виночилик соҳаси ходимлари билан биргаликда винонинг юқори сифатли янги маркалари яратилиб, халқаро кўргазмаларда олтин ва кумуш медалларни қўлга киритишган. 1955 йилда Люблянада (Югославия) бўлиб ўтган кўргазмада ўзбек виноларига еттита кумуш медаль берилган. 1957 йилда ўтказилган Халқаро дегустация кўргазмасида ўзбек винолари бешта олтин ва битта кумуш медални қўлга киритган. 1961 йилда Эрфуртда (ГДР) ўтказилган Халқаро боғдорчилик кўргазмасида ўзбек узум навлари иккита олтин медаль билан тақдирланган.

Институт Хитой, Польша, Болгария, Чехословакия, Руминия, Венгрия, Бирма, Бирлашган Араб Амирликлари каби давлатлар билан ҳамкорлик ишларини олиб борган. Институтга кўплаб делегациялар ва хорижий мамлакатлардан вакиллар ташриф буюришган.

Ўзбекистон тарихидаги машҳур давлат ва жамоат арбоби Шароф Рашидович Рашидов ҳам институтнинг ютуқларига қизиққан ва институтга тез-тез ташриф буюриб турган.

Академик М.Мирзаев директорлик лавозими билан бир қаторда 1952-1953 йилларда қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари, 1962-1964 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги вазири, қишлоқ хўжалиги бош бошқармаси бошлиги вазифаларида ишлаган. У Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш йўлида улкан ишлар олиб борган. Махмуд Мирзаев раҳбарлигида институт кичик илмий муассасадан Марказий Осиёдаги энг йирик илмий ва ишлаб чиқариш муассасасига айланган бўлиб, унинг таркибида 6 та илмий ва 17 та тажриба хўжаликлари ташкил этилган. Олим юқори малакали илмий кадрларни тайёрлашга ҳам катта ҳисса қўшган.

М.М.Мирзаев “Табиатни муҳофаза қилиш”, “Экосан” жамиятлари аъзоси, “Боғдорчилик ва узумчилик”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журналининг таҳририят аъзоси, Беруний номидаги Республика мукофотини топшириш бўйича комиссия аъзоси бўлган. Ўзбекистонда илм-фан ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта хизматлари учун академик М.Мирзаев “Дўстлик”, “Эл-юрт хизмати” орденлари ва “Меҳнат қаҳрамони” унвони билан тақдирланган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 24 августдаги 254-сонли қарорига биноан академик Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг номи ўзгартирилиб, унга академик М.Мирзаев номи берилган.

Ҳозирги кунда академик М.Мирзаевнинг шахсий фонди “Ўзбекистон илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви”да сақланмоқда.

Турғун МҮМИНОВ,
бўлим мудири,

Саодат КУЧКАРЕВА,
катта илмий ходим,

Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви.



М.Мирзаев машҳур давлат ва жамоат арбоби Ш.Рашидовни институт фаолияти билан таништирмоқда.

САМИМИЙ ИНСОН ЭДИ



У 1946 йилнинг 14 мартда Тошкент вилоятининг Қибрай туманида оддий деҳқон оиласида туғилган. Ўрта мактабни тугатгач, 1965 йилда Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтининг Агрономия факультетига ўқишга кирди. Кейинчалик ўқишни Душанбе Қишлоқ хўжалиги институтида давом эттириб, ушбу олийгоҳни муваффақиятли тамомлаб олим агроном, агрохимик тупроқшунос мутахассислигига эга бўлди. У ўзининг илк илмий фаолиятини Ўрта Осиё Фитопатология илмий-тадқиқот институтида катта лаборантликдан бошлаган.

Ҳ.Сайдалиев 1973 йилдан бери Ғўза коллекцияси ва бошланғич ашё лабораториясида катта лаборант, кичик илмий ходим, катта илмий ходим лавозимларида ишлаб келган. Ўз илмий фаолияти давомида институт директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази бош илмий котиби лавозимларида ишлади ва умрининг сўнгигача “Ғўза, беда коллекцияси ва интродукцияси” лабораторияси мудири вазифасида фаолият кўрсатди.

Пахтачилик илмида бошланғич ашёнинг аҳамияти юқорилигини эътиборга олиб, у ўз илмий изланишларини институт қошида мавжуд бўлган дунё ғўза коллекциясидаги *G. hirsutum* L. туричи ёввойи, яримёввойи ҳамда маданий шакллари ўрганишга бағишлади ва 1988 йилда устози академик А.Абдуллаев раҳбарлигида номзодлик, кейинчалик эса докторлик диссертациясини ёқлади. У турли давлатлардан келтирилган ғўзанинг ҳар хил геном гуруҳларига мансуб тур ва тур-хилларини ўрганиш, уларнинг

Илм фидойиси деган номга муносиб бўлган, ўз умрини ҳалол меҳнат билан безаган Ҳакимжон Сайдалиев умрини Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти қошидаги ғўза генофондини ўрганишга, авайлаб асрашга бағишлаган олим, шогирдлари учун жонкуяр устоз эди.

генетик яқинлиги, маданий шакллар билан чатишувчанлиги, генетик-селекцион ишларда фойдаланиш имкониятларини очиб бериш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширди. Институтда яратилаётган кўплаб ғўза навлари учун бошланғич ашё етказиб беришда унинг аспирантлик даврида қўлга киритган илмий натижаларининг ҳиссаси катта.

Олимнинг узоқ йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлари натижа-сида ғўзанинг касаллик ва зараркунандаларга бардошли, тола сифати юқори бўлган С-01, С-02, СП-03, СП-04 навлари яратилди. Шунингдек, профессор Ҳ.Сайдалиев “Чарос”, “Гурлан”, С-8292, С-9085, С-9083, СБ-06 навларининг ҳам ҳаммуаллифи ҳисобланади.

Институтимиз қошидаги ғўзанинг дунёвий намуналар коллекциясини – нодир генофондни сақлашда олим бекиёс фидойилик кўрсатди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан институт қошидаги ғўза коллекциясини тирик ҳолда сақлаш, тиклаш, ўрганиш борасида ишлар олиб борилди. Илмий фаолият учун энг қийин бўлган даврларда ҳам мазкур коллекцияни сақлаш борасидаги ишларни давом эттириб унинг бевосита ҳаракатлари билан ғўза коллекцияси 100 дан ортиқ қимматли намуналар билан бойитилди.

Ҳ.Сайдалиев жонкуяр ва талабчан устоз эди. У ўзининг бутун илмий фаолиятини ғўза генофондини ўрганишга бағишлади. Унинг бевосита раҳбарлигида, 7 нафар қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, 2 нафар фан доктори етишиб чиқди, улар бугунги кунда турли масъулиятли йўналишларда самарали фаолият олиб бормоқдалар. Профессор ёш олимларни тайёрлаш, уларга тўғри йўл кўрсатишда жонкуярлиги билан ажралиб турар эди. Унинг маслаҳатлари ва бевосита кўрсатган ёрдами туфайли кўплаб тадқиқотчилар ўз вақтида илмий тадқиқотларини мужассам-

лаштирган ҳолда диссертацияларини химоя қилишган.

Ўзи тадқиқ қилаётган йўналишдаги янгиликларни ўзлаштириш, қолаверса ютуқларини дунёга кўрсатиш мақсадида Россиянинг қатор шаҳарлари, Ҳиндистон, Хитой, Туркия, Франция, Тожикистон давлатларида бўлди ҳамда соҳа бўйича тажриба алмашиш, илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш бўйича фаолият олиб борди.

Олим ғўза коллекцияси ва ундан фойдаланишнинг имкониятлари, ғўза генетикаси, селекцияси ва уруғчилиги муаммоларига бағишланган 180 дан ортиқ илмий ишлар, шу жумладан, 10 та монография муаллифи. Илмий фаолияти жараёнида у дунёқараши, илмий салоҳияти билан етук олим сифатида баҳоланар, шунинг учун узоқ йиллар давомида институт қошидаги докторлик диссертациялари химояси бўйича ихтисослашган кенгаширинг илмий котиби, кейинчалик раиси, илмий-услубий кенгашнинг аъзоси бўлди.

Ҳ.Сайдалиев эл-юрт тинчлиги ва фаровонлиги йўлида содиқ хизмат қилаётган, халққа манзур уч ўғилнинг отаси, ибратли набираларнинг бобоси эди.

Институтимиз жамоаси истеъдодли олим, самимий ва ҳалол инсон, фидойи ва жонкуяр мураббий бўлган Ҳакимжон Сайдалиевни ҳамisha ҳурмат билан тилга олади. Олим ҳақидаги илиқ хотиралар барчани янада ғайрат билан ишлаш, меҳр-оқибатли бўлишга ундайди. Чунки айнан шу фазилатлар уларда устун келар эди.

Ҳаёт бўлганида устоз Ҳакимжон Сайдалиевнинг таваллудига 75 йил, илмий фаолиятига эса 50 йил тўлган бўлар эди. Институтимиз жамоаси ва шогирдлари учун унинг хотираси доимо барҳаётдир.

Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти жамоаси.

ЎЗБЕКИСТОН QISHLOQ VA SUV ХО‘ЖАЛИГИ

АГРАР-ИҚТИСОДИЙ,
ИЛМИЙ-ОММАБОП ЖУРНАЛ

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ
ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАРИ

Бош муҳаррир:

Тоҳир ДОЛИЕВ

Таҳрир хайъати:

Шухрат ҒАНИЕВ
Жамшид ХОДЖАЕВ
Шавкат ХАМРАЕВ
Шухрат ТЕШАЕВ
Баҳодир ТОЖИЕВ
Равшан МАМУТОВ
Аброр ВАХОБОВ
Баҳром НОРҚОБИЛОВ
Низомиддин БАКИРОВ
Ботиржон СУЛАЙМОНОВ
Ўқтам УМУРЗОҚОВ
Равшанбек СИДДИҚОВ
Мирзиёд МИРСАИДОВ
Бахтиёр КАРИМОВ
Ибрагим ЭРГАШЕВ

2021 йил,
№3. Март

Журнал 1922 йил
октябрдан чиқа бошлаган.

Обуна индекси:
якка обуначилар учун – 894
ташкilotлар учун – 895

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида.....	1
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикасида сув ресурсларини бошқариш ва ирригация секторини ривожлантиришнинг 2021-2023 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида.....	3
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисида.....	6
Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясида белгиланган вазифаларни 2021 йилда амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида.....	8
Мукофот муборак!.....	11
Т.ДОЛИЕВ. Дўстлик ва бирлик рамзи.....	12
М.ТОШБОЛТАЕВ, А.ИБРАГИМОВ, А.ҚОРАХОНОВ. Чигит экиш ва биринчи культивация сифати.....	13
Р.СИДДИҚОВ, И.АДАШЕВ. Бошокли дон экинларда март ойида олиб бориладиган агротехник тадбирлар.....	14
Б.ХАЙДАРОВ, Х.ҚАРШИБОВЕВ, М.ЖЎРАЕВ. Лалмикор майдонларда бахорги экинларни экиш ва парваришлаш.....	16
Р.АБДУЛЛАЕВ, Х.АБДУЛЛАЕВА. Боғларда баҳор нафаси!.....	18
М.ТОИРОВ. Аёл — жамият кўзгуси, хонадон чироғи.....	22
А.АХМЕДЖАНОВА. Қишлоқ аёллари — давлатимиз эътиборида.....	23
А.ТАИРОВ. Женина, посвятившая себя науке.....	24
Ш.ЖАББАРОВА. Илмда олимпиа, ҳаётда олимпиа!.....	25
Ш.НОРМУРОДОВ. Фермер Раёно опа.....	26
Х.КАРИМОВ. Америкалик меҳмоннинг эътирофига сазовор бўлган аёл.....	27
Кўкламга пешвоз.....	28
Р.ҚОЗОҚОВ. Бўзатовда чорвачилик ривожланмоқда.....	28
К.ЭРГАШЕВ. Кўчатчилик даромадли соҳа.....	29
Меҳнатдан кадр топаётганлар.....	30
Бугунги амал — келгуси фаровонликка тамал.....	31
Б.ХАЛИКОВ. Қишлоқ хўжалиги фанидаги айрим долзарб муаммолар.....	33
П.КАЛАНДАРОВ, З.МУКИМОВ. Анализ состояния контроля влажности зерна в удалённом режиме в условиях АО “Галла-Алтег”.....	34
З.ЗИЯДУЛЛАЕВ, О.АМАНОВ, А.ФАЙЗУЛЛАЕВ. Турли иқлим шароитларининг юмшоқ бугдой донидаги клейковина микдорига таъсири.....	38
М.ХАМИДОВ, А.ЖЎРАЕВ, У.ЖЎРАЕВ. Шўрланган тупроқларда кузги бугдой етиштириш.....	39
А.УБАЙДИЛЛАЕВ, Р.МУРАДОВ. Томаг ўсимлигини етиштиришда сунъий ёруғликнинг таъсири.....	40
О.СУЛАЙМОНОВ, Б.СОБИРОВ, А.АНОРБАЕВ. Изучение эффективности применения интродуцированного вида Trichogramma Ostrinae в биоценозе кукурузы.....	41
Ф.ИСАНОВ, А.АКРАМОВ, Э.ҚУРБАНБАЕВ. Толани қиздириш ва намлашнинг пресслаш жараёнига таъсирини ўрганиш.....	42
У.БЕГЛАЕВ. Қашқадарё вилоятида балиқчилик фаолиятини ривожлантириш истикболлари.....	43
Ш.ЭСАНБОВЕВ, Н.ИРГАШЕВА, М.АБЛАЗОВА. Отличительные признаки жуков с одногодичным и двухгодичным циклом развития.....	45
Ватанизмизнинг буюк куйчиси.....	48
Ч.РИЗАЕВ. Ўзбек аёлларининг тимсоли.....	49
Т.МЎМИНОВ, С.КУЧКАРЕВА. Ўзбек меваларини дунёга танитган боғбон.....	50
Самимий инсон эди.....	51

Журнал Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2019 йил 10 январда 0158-рақам билан қайта рўйхатга олинган.

Манзилимиз: 100004, Тошкент ш., Шайхонтоҳур т., А. Навоий к., 44-уй.

Тел: +998 71 242-13-54,
+998 71 249-13-54.

www.qxjournal.uz
E-mail: uzqx_jurnal@mail.ru,
Telegram: qxjournal_uz

© «O'zbekiston qishloq va suv xo'jaligi»

Босмаҳонага топширилди: 2021 йил 6 март.
Босишга рухсат этилди: 2021 йил 6 март. Қоғоз
бичими 60x84 1/8. Офсет усулида офсет қоғозида
чоп этилди. Шартли босма табағи 4,2. Нашр ҳисоб
табағи 5,0. Буюртма №7. Нусхаси 1250 дона.

«HILOL MEDIA» МЧЖ матбаа
бўлимида чоп этилди.

Қорхона манзили: Тошкент шаҳри, Учтепа ту-
мани, Шараф ва Тўқимачи кўчалари кесилиши.

Навбатчи муҳаррир: А. ТОИРОВ
Дизайнер: У. МАМАЖОНОВ

Ўлкамиз бўйлаб ўз сепини ёйган

НАВРЎЗИ ОЛАМ

*билан юртдошларимизни,
жумладан, кўп минг сонли сув
хўжалиги ходимларини
табриклаймиз. Баҳорий кайфият
барчага йил бўйи ҳамроҳ бўлишини
тилаймиз.*

**Зарафшон ирригация тизимлари
ҳавза бошқармаси жамоаси**



*Азиз юрtdошлар!
Богларни яшнатиб, дилларни яйратиб
келаётган Наврўзи олам сув хўжалиги
ходимлари, зиёкор олимлар, аграр соҳада
улкан ютуқларга эришаётган деҳқонлар,
она халқимизга муборак бўлсин!
Хонадонларингиздан тотувлик, файзу-
барака аримасин, хайрли ишларингизда
омад ва ютуқлар тилаймиз.*

**Фарғона Магистрал
каналлар бошқармаси
жамоаси**

